

73  
УДК  
49  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ



## «БОБУРНОМА»НИНГ АЙРИМ ЛЕКСИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Тошкент - 2003



УБ.2  
49  
Х-13

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУФБЕК номидаги  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Холманова З.Т.

"БОБУРНОМА" НИНГ АЙРИМ ЛЕКСИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ



Ушбу қўлланмада «Бобурнома»нинг тарихий аҳамияти, мундарижаси, асар лексикасининг айрим жиҳатлари ҳақида мулоҳаза юритилган. Унда изоҳланган мисоллар асосида «Бобурнома» тилининг ўзбек адабий тили тарихига муносабатини белгилаш мумкин.

Қўлланма олий ўқув юртларининг филология факультети талабалари, магистрлар, аспирантлар, академик лицей ўқувчилари ва «Бобурнома»нинг барча ихлосмандларига мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир:**

филология фанлари доктори,  
профессор Ҳ. ДАДАБОЕВ

**Тақризчилар:**

филология фанлари номзоди,  
доцент М. ҚОДИРОВ  
филология фанлари номзоди,  
доцент З. ҲАМИДОВ

Қўлланма ЎзМУ умумий тилшунослик кафедраси (2003 йил 16 май, 9 – баённома), Ўзбек филологияси факультети ўқув – методик кенгаши (2003 йил 20 ноябрь, 4 – баённома) мажлисида муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилган.

## «БОБУРНОМА» – БҮЮК ХОТИРА

Ўзбек халқи бой миллий қадриятларга эга. Бу қадриятлар тарихий обидалар, маданий ёдгорликлар, жумладан бадиий–тарихий манбаларда уз ифодасини топган. Мумтоз асарларни тадқиқ этиш, илмий, маърифий, ахлоқий–маънавий қийматини белгилаш, бадиий жиҳатларини ёритиш, тил хусусиятларини ўрганиш филологик соҳанинг асосий масалаларидан ҳисобланади.

Тарихий–бадиий манбалар тилини тадқиқ этиш (уларнинг) мазмун–моҳиятини, илмий–амалий қийматини белгилашда аҳамиятлидир. Шу билан бир қаторда муайян тилинг фонетик, лексик, грамматик тизимиға хос тараққиёт жараёнини кузатиш имкони туғилади. Кейинги йилларда ёзма ёдгорликлар тилини ўрганиш асосида муайян давр тилига хос хусусиятлар ёритилди. Турколог олимлар К.Броккељмен, В. Банг, В. Шотт, О. Бётлинг, М. Ряснянин, В.В. Радлов, П. М. Мелиоранский, С.Е. Малов, Н.А. Баскаков, Э.В. Севортян, А. М. Шчербак, С. Н. Иванов, Г.Ф. Благова, В.Д.Артамошина, С.Муталлибов, Э. Фозилов, Қ. Маҳмудов, Ш. Шукуров, Қ. Содиқов, Ф.Абдураҳмонов, А. Рустамовларнинг қадимги давр адабий–бадиий ёдгорликлари тилини ўрганиш асосида қадимги, эски туркий тил хусусиятлари ёритилган тадқиқотлари юзага келди. XIV–XVI аср ёзма ёдгорликлари тилини ўрганишда X. Дадабоев, Э.Умаров тадқиқотлари муҳим қийматга эга.

Жаҳон адабиётидаги мемуар жанрнинг нодир намунаси ҳисобланган “Бобурнома” қомусий асар сифатида эътибор топган. Асар дунё тилларида йигирмадан ортиқ ном остида нашр этилган. Таъкидланишича, асар тўрт марта форсийда, инглизчада, икки мартадан олмон, француз, турк, ураду тилларида, бир мартадан голланд, итальян, ҳинд, япон, поляк, уйгур тилларида чоп қилинган. Таржималарни амалга оширишда голланд Витсен, инглизлар Вильям Эрскин, Жон Лейден, Льюкос Уайт Кинг, француз Паве де Куртейл, Жан Люл Бакие Граммон, олмон А. Кайзер, форс Абдураҳимжон ибн Байрамхон, Рушан Оро Бегим, турк Рашит Раҳмати Орат, рус Михаил Салье япон Эйжи Мано, покистонлик

Мирзо Насридин Ҳайдар Кўрагоний, Рашид Ахтар Навдий, ҳинд Саид Аткор Аббос Ризвон каби таржимонлар фаолият кўрсатишган. Асар матнини аниқлаш ва тадқиқ этища Д.Дербело, Р.М.Кальдекот, С.Лейн Пуул, Г.М.Эллиот, В.Х. Мореланд, Ф.Г. Талбот, А.Денисон – Росс, Аннета Сусанна Бевериж, Ҳ.Лемб, Аннемари Шиммел, М.Ф.Кўпрулузода, Н.Н. Пантусов, В.В.Вяткин, Н.И.Веселовский, В.В.Бартольд, А.Н. Самойлович, А.А.Семенов, А.Ю.Якубовский, И.В. Стеблева, Аҳмад Али Кўҳзод, Абулхай Ҳабибий, Гулчин Маоний, Х. Бевериж, Зокир Ҳусайн, Нурул Ҳасан, Муни Лаъл, С.А. Шарми, Р.П. Тримпатҳи, П. Саран, Муҳиббул Ҳасан, А.Белинский, Н.Н. Болдирев, Н.В. Миклухо – Маклай, Н. Молчанов, Р. Набиев, П.И. Петров, Г.Ф.Благова, Я.Ғуломов, С.Азимжонова, С. Жалилов, Р.Шамсиiddинов, В. Зоҳидов, Б.Валихўжаев, А.Қаюмов, Ҳ.Ёқубов, О.Шарафиддинов, М.Шайхзода, Ф.Саломов, А.Ҳайитметов, А.Исмоилов, Ҳ.Назарова, Ҳ.Қудратуллаев, Н.Комилов, С. Ҳасанов, С.Жамолов, Н.Отажонов, А. Абдуғафуров, А.Ўринбоев, Э.Иброқимов, Л.Хўжаева, С.Шукруллаева, Ҳ.Ҳасанов сингари тарихчи, файласуф, филолог ва табиатшунос олимларнинг хизмати катта<sup>1</sup>.

"Бобурнома" – ўзбек мумтоз адабиётининг шоҳ асари. У йигирмадан ортиқ ном билан юритилиб келмоқда: "Воқеоти Бобурӣ", "Воқеаномаи подшоҳӣ", "Табақоти Бобурӣ", "Тузуки Бобурӣ", "Вақоиъӣ", "Воқеанома", "Бобур подшоҳнинг таржимиай ҳоли", "Бобурӣ", "Бобур мемуарлари", "Эсадаликлар", "Бобур тарихи", "Ғаройиб таржимиай ҳол", "Шарҳлар", "Маъмурнома", "Бобурнинг ҳаёти", "Тузук", "Подшоҳнома", "Бобур хотироти", "Бобур битиклари" ва ҳоказо. Бу асар мундарижасининг ранг – баранглигига далолат.

"Бобурнома" биргина ўзбек адабиёти эмас, умумжаҳон адабиётининг нодир намуналаридандир. Эльфинстон "Бобурнома"ни "Осиёда ягона, чинакам тарихий тасвир намунаси" деб таърифлади. Академик В.В.Бартольд "Туркий насрнинг мумтоз реалистик намунаси" сифатида баҳолади Машҳур Г.Вамбери бу асарни Юлий Цезар "Комментариялар"ига қиёслади ва ундан – да кўнгилгина

Бу ҳақда қаранг: Файбуллоҳ ас – Салом, Неъматуллоҳ Отажон. Жаҳонашта "Бобурнома" Т.Абдулла Қодирий номидаги Ҳалқ мероси напириёти, 1996 йил, 1 – 5 – бетлар

яқинроқ топди. XIX асрдаёк ғарб ва рус олимлари "Бобурнома"ни құмматли маълумотлар жамланған энг ишончли манба, том маңнодаги қомусий асар, деб баҳоладилар. Дарҳақиқат, Бобурнинг мазкур шоҳ асари тарихий – бадиий, илмий – маърифий қомусидир.

"Бобурнома"га бу қадар кенг доирадаги қизиқишининг ўзига хос сабаблари бор. XV–XVI асрлардаги Мовароуннахр, Хурросон ва Ҳиндистон ҳудудида юз берган ижтимоий, сиёсий, маданий воқеаларни ўрганища ушбу асарнинг ўрнини иккинчи бирор асар боса олмайды. Шу жиҳатдан у беназирдир.

Иккинчидан, асар Бобурнинг буюк замондошлари Алишер Навоий, Камолиддин Биноий, Камолиддин Беҳзод каби маданият арбоблари, Ҳусайн Бойқаро, Мұхаммад Шайбоний каби таҳт әгалари умуман, XV–XVI аср ўзбек халқи тарихининг катта – кичик шахсиятлари ва уларнинг ўзаро мулоқотлари ҳақидағи мұхим манбадир. Бир оғиз сүз билан айтиладиган бўлса, бу асар XV–XVI асрлар қомусидир. Унда тарих ҳам, жуғрофия ҳам, табииёт ҳам, тибиёт ҳам – деярли барча соғанинг маълум томонлари ўз ифодасини топган. Ундан ҳар бир мутахассис ўзига керакли маълумот топа олади. Жумладан, у адабиётшунос учун бадиий асар; Шарқ реалистик насрининг ёрқин намунаси; тилшунос учун эса эски ўзбек адабий тилига оид нодир манбадир.

Таъкидлаб утилганидек, "Бобурнома" яратилған давридан бошлиб илм аҳлиниң диққат марказида бўлиб келмоқда. Бунинг сабабини қуидаги изоҳлаш мүмкін:

– "Бобурнома" XV–XVI асрлардаги Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон тарихий мұхитини, аҳолиси, ижтимоий – сиёсий турмуш тарзини акс эттирган;

– асар шу даврдаги ўрта осиёликлар, афғонлар ва шу халқлар билан бирга яшаган бошқа миллатлар ҳаётига оид ижтимоий соҳалар ҳақида кенг маълумотлар берилған мұхим манба;

асарда тарихий шахслар қиёфаси, феъл – автори, фаолиятининг асосий жиҳатлари ёритилған;

– топонимлар атрофлича изоҳланған, ўзига хос жиҳатлари таърифланған;

– мұхим тарихий воқеалар акс эттан;

— воқелик ҳаққоний, юксак тафаккур ифодаси орқали намоён бўлган.

Асаддаги тасвирнинг ҳаққонийлиги, ифоданинг самимийлиги борасида сўз юритилар экан, қуидагига ўхшаш жиҳатларга эътибор қаратиш лозим бўлади. Бобур Умаршайх мирзонинг адолатидан сўз очади ва шундай бир мисолни келтиради: "Адолати бу мартабада эдики, Хитой карвони келадурганда Андижоннинг шарқий тарафиаги тоғларнинг тубида минг ўйлук карвонни андоғ қор бостиким, икки киши қутулди. Хабар топиб, муҳассис(қидирувчи)лар йибориб, карвоннинг жамъи жиҳотини забт қилди. Ҳар чандиким, вориси ҳозир ўйқ эрди, бовужуди эҳтиёж сахлаб, бир-икки йилдин сўнгра Самарқанд ва Хуросондин ворисларини тилаб келтуруб, молларини солим (бекаму кўст) толширги". XV аср шароитидаги бу адолатдан XXI асрда ҳайратга тушмасликнинг иложи йўқ.

"Бобурнома"нинг қадри ва ўрни XV аср маданиятини ўрганишда мислсизdir. Бу борада бир характерли жиҳат бор. Бобур темурийлар ичida Ҳусайн Бойқарони ўзига ўrnak қилади. Бу ерда ҳам Бобур — реалист. У Ҳусайн Бойқаронинг фақат яхши томонларини ўrnak тутади. Унинг ичкилик ва майшатта, айш — ишратта учлигини эса ҳазм қила олмайди. Бу борадаги муносабатини ҳам яширмайди. Очиқ — ойдин айтади. Лекин унинг "каримут — тарафайн" (ҳам ота, ҳам она тарафидан темурий)лигидан шерсифат келбатигача, чапдаст қиличбозлигигача меҳр билан тасвirlайди. Бобур меҳрининг бош сабабларидан бири Бойқаронинг Алишер Навоийдек даҳо санъаткорга ҳомийлик қилгани, умуман унинг замонида фан ва маданиятнинг гуллаб яшинагани өди. Шунинг учун ҳам уни тилга олар экан, Темурбекнинг ўрнидаги султон сифатида таърифлайди. Шайбонийга қарши курашни уюштиришни, темурийлар шаънини ҳимоя қилишни биринчи навбатда ундан кутади: "Султон Ҳусайн Мирзодек Темурбек ўрунига ўлтурғон улуғ подшоҳ йиғноқ қилиб, атроф ва жавонибдин ўғлонларини ва бекларини тилатиб, Шайбонийхондек ғанимнинг устига озим бўлғонда, эл аёқ била борғонда, биз бош била борғойбиз, эл таёқ била борғонда — биз тош била борғойбиз".

Бобурнинг салтанат ривожини ундағи илм — фан, маданият тараққиётини билан белгилаганлиги бор ҳақиқат. Ва

шу масалада у Султон Ҳусайнни ўрнак тутган. "Бобурнома"да ўқиймиз: "Султон Ҳусайн Мирзонинг замони ажаб замоне эди, аҳли фазл ва беназир элдин Ҳурросон, батахсис (хусусан—Х.З.) Ҳури (Ҳирот—Х.З.) шаҳри мамлӯъ (тўлиб тошган—Х.З.) эди. Ҳар кишинингким бир ишга машғуллуғи бор эди, ҳиммати ва гарази ул эдиким, улусни камолға тегургай...". Шу ўринда илм—фан эгаларидан 12, шеър ва санъат аҳларидан 23 кишининг бирма—бир номи ва уларнинг хизматлари қайд этилади.

Асар воқеаларини Бобурнинг самимияти ёритиб туради. Унинг деярли ҳар бир сўзида, жумласида ҳукмфармонликни ўзига энг олий мақсад билган, салтанатга муккасидан кетган ҳокимиятпарастнинг эмас, жамъи инсонларга яхшилик қилмоқни ўзига шиор ҳисоблаган, адолатни байроқ тутган, адолатпеша бир қалбнинг садосини эшиттандай бўламиз. Тўгри, у ҳам душманларининг бошини силаган эмас ва бу мутлақо, табиий. Бобур ҳар бир инсонни бутун мураккаблигида кўра олди. Унинг отаси ҳақидаги фикрларини эсга олайлик. Одати бўйича, "валодат ва насаби", "шакл ва шамойили"дан сўнг "ахлоқ ва атвор"ига ўтади. Фазилатлари ҳақида гапириш билан чекланмай, камчиликларини ҳам яширмайди. Масаланинг тарих олдидағи ҳаққонийлиги ва тарбиявий жиҳатини ҳам ёдда тутади. Масалан, "Мулкирлик дағғағаси жиҳатидин хили ярашлар урушқа мубаддал (алмашиб кетмоқ—Х.З.) бўлур эди", —деб ёзаги. (Бу сатрлар Бобурнинг муроса сиёсатини аниқлашда муҳим тамсил бўла олади.)

Бобур ижодининг ҳасби ҳоллик жиҳатта эгалиги "Бобурнома"да ҳам ифодасини топган. Асар бизни бевосита муаллиф ички дунёси, шуури, қизиқишлиари, орзу—истаклари ва армонлари билан таништира боради. Асардаги руҳий кечинмалар, психологик кайфият, инсон тафаккури ва идрокининг сирли қирралари бевосита тил имкониятлари билан боғлиқ.

"Бобурнома" равон услубда баён этилган, воқелик бетакрор бадиий тасвир воситалари орқали ифодаланган, тили мазмундор асар. Унда воқеа—ҳодисалар, шахслар қиёфаси, жойлар тасвири, муаллиф дунёқарashi ва тафаккури, руҳияти тил имкониятларидан маҳорат билан фойдаланиш асносида ифода этилган. Муаллиф иқтидори,

заковати, ақлий теранлиги, синчковлиги билан белгиланувчи бу "ифода тарзи асар тилининг таъсирчан усулларга бойлигини, ўзига хослигини таъминлаган. Асар тилининг ўқувчи онгига тез сингиши аксарият үринларда "садда"лик билан изоҳланган: "Бобурнома"нинг тили жуда содда"(А.Шчербак); "..хоҳ прозада, хоҳ поэзияда соф ва содда услуг мастерি эди" (Лане Пооле); "Бобур биринчи бўлиб прозаик асар тилини соддалаштиришга катта ҳисса қуиҳди"(Х. Назарова). Асар тилидаги образлилик, жонли ифода ва таъсирчан услуг воқеликнинг осон англаб олинишига олиб келади. "..унинг услуги оддий ва мардона шунинг билан бирга жонли ва образли" деб таъкидлайди Эльфинстон. "Бобурнома" тили мазмундор, содда, хилма—хил тасвир усулларига бой, образли тасвир маҳсули сифатида қаралади. "Унинг тили фақат ўзининг соддалиги билангина эмас, балки ҳалқ тилидаги сингари аниқ, ёрқин образлилиги билан ҳам ажралиб туради"(В.Зоҳидов).

"Бобурнома" тилидаги ифода теранлигини, фикр—ҳиссиётларнинг ёрқин акс эттирилишини, воқеликнинг моҳирона тасвирини "соддалиги" билангина изоҳлаб бўлмайди. Асар тилида "жонли ва образли ифода"нинг мавжудлиги, араб, форс сўзларидан кенг фойдаланилгани, форсча—тожикча, арабча бирикма, ибора, мақол ва ҳикматли сўзларнинг қўллангани, ҳиндча, афонча сўзларнинг учраши таъкидланган даражада содда эмаслигига далолат.

Бобур муаллиф сифатида самимий қиёфада гавдаланади: ғалабасини ҳам, мағлубиятини ҳам, қувончу ташвишларини; куч—қудратию нотавонлигини, орзу—армонларини рўй—рост, ҳаққоний баён этади. Воқеа—ҳодисаларни, фикри, тассавурларини тил имкониятлари ёрдамида, мувофиқ сўз ва иборалар орқали таъсирчан акс эттирадики, моҳият ўқувчи шуурига осон этиб боради: асар тили "садда" туюлади. Асарда акс эттан руҳий кечинма, психологик чизгилар унинг тилини янада бойитган. Инглиз тарихчиси Эльфинстон таъкидлаганидек, "муаллифнинг ёрқин характеристи асарга энг кўп жозиба бағишлайди".

Кўринадики, "Бобурнома" тилининг ўзига хослиги фақат соддалиги билангина эмас, муаллифнинг ёзма нутқ қўнималарини мукаммал эгаллагани, фикр—

мулоҳазаларини мақсадга мувофиқ тарзда, аниқ, бенуқсон акс эттириши билан ҳам белгиланади. Асарнинг ифода тили сифатида Бобур XV аср охири XVI аср бошларидағи эски ўзбек тилидан фойдаланган. Бу давр тилининг фонетик, лексик, грамматик хусусиятлари асар тилида тұлалигича намоён бўлган. Шу билан бир қаторда афғонча (50га яқин), ҳиндча( 450 атрофида) лексемалар қўлланган. Бу сўзларнинг аксарияти Бобурнинг Афғонистон, Ҳиндистон юришлари билан боғлиқ бўлиб, уша давр ўзбек адабий тилида кузатилмайди.

Асарни ўқир эканмиз, муаллифнинг юксак иқтидор, теран заковат соҳиби эканлигига гувоҳ бўламиз. Воқеликни ифодалаш жараёнида бир қатор масалаларга эътибор берилиши асарнинг илмий—амалий қийматини оширади. Бобурнинг туркий тил, ўзбек тилига муносабатини белгилашда шоирнинг Навоийга муносабатидан келиб чиқиб ёндашмоқ лозим. "Бобур Навоий ишларининг давомчиси, десак, хато бўлмайди. Бу ҳар икки улуғ сиймонинг адабий ва илмий фаолиятида умумийлик, ўхшашлик бор"<sup>1</sup>

Бобур Навоий билан юзма—юз учрашмаган бўлса—да, ёзишмалар орқали боғланиб турган. "Бобурнома"да шундай сатрлар бор:"..иккинчи навбат Самарқандни олғонда Алишербек тирик эди. Бир навбат менга китобати ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобати ийбориб эдим. Жавоб келгунча, тафриқа ва ғавро бўлди".(142) Адабиётшунос А. Матғозиев "Бобурнома"да Навоий ҳақида 20га яқин ўринда ёзилгани борасида фикр билдирган<sup>2</sup>. Бобур Навоийни бир қатор масалалар муносабати билан тилга олади. У ўз мемуарида Ҳиротдалигида Алишернинг уйида бўлганлигини ёзади (252). Умуман, Бобурнинг ҳар бир жумласи, мулоҳазаси, таърифи унинг буюк Навоийга меҳр—муҳаббати чексизлигидан далолат беради. Барча соҳада Навоийнинг издоши ҳисобланган Бобур шоирнинг туркий тилга муносабатидан ҳам хабардор бўлган. Навоийнинг ўзбек тили тараққиётидаги назарий ва амалий хизматларини қадрлаган. Бобурнинг ўзбек тилига муносабати "Бобурнома"да ўз аксини топган.

<sup>1</sup> Назарова Х. Бобир ва ўзбек адабий тили. —Т.,1971,16 —бет.

<sup>2</sup> Матғозиев А."Навоий ва Бобир" Ўзбек тили ва адабиёти,1968,3 —сон.

А.Н.Кононов бобурийлар империясига асос солган Заҳириддин Мұхаммад Бобурнинг "Бобурнома" мемуари ўзбек тили тарихини ўрганиш учун мұхим манба эканлигини эътироф этади.

Бобур воқелик ҳақида маълумот берар экан, жумладан халқ, унинг яшаш тарзи, урф – одат, анъаналари борасида маълумот бериш жараёнида бевосита тили ҳақида тұхталағы. "Жанубий тарағрафдағы қасабалар(гин) бир Андижондурким, . васатта воқыу бұлубтур... Эли түркідур". Шаҳр ва бозорисига турки билмас киши йүқтүр . Элининг лағзи қалам била росттур. Ани учунким. Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти бовужудким, Ҳирида нашъу намо топибтур, бу тил биладур".(60)<sup>1</sup> "Шаҳар ва бозорларида туркий тилни билмайдиган киши учрамаслигини, элининг талаффузи ёзууга мос" эканлигини кузатиш шунчаки зыгибор эмас, балки йиллар давомидаги тажриба натижаси эканлиги сезилиб турибди. Бобур Навоийнинг " шу тил била шұхрат топғанлигини" таъқидлайди.

Ағғонистон манзаралари, Кобул вилояти таърифида ақолининг 11 – 12 тилде сұзлашгани ҳақида ёзади (Бобур шу уринда алоқа муносабат воситаси сиғатидаги «тил» тушунчасини ифодалаш учун "лағз" терминини құллаган): "Үн бир – үн шкки лағз била Кобул вилоятида талаффуз қылурлар: арабий, форсий, туркий, мұғулий, Ҳиндий, ағғоний, пашойи, парожий, габрий, баракий, ламғоний. "Мунча мұхталиф ақвом ва мұғойир алфоз маълум эмаским, ҳеч вилоятда бұлғай (189). Муаллиф қавмларнинг бу қадар хилма хиллиги ва турли тилларда сұзлашишидан ҳайратта тушади: бундай ҳолатнинг бошқа вилояттарда кузатылмаслигини таъқидлайди.

Бобур ҳұммдорлығы даврида тилга сиёсий масала даражасида муносабатда бұлингани мана бу лавҳада ҳам күрінади: "Чаҳоршанба куни сабуҳий құлғанда мутояба жиҳатидин дейилдиким, ҳар ким сартіча айтса, бир аёғ ичсун, бу жиҳатдин күп киши аёғ ичти..Дейилдиким, ҳар киши туркича айтса, бир аёғ ичсун. Бунда ҳам ғалаба киши аёғ ичти".(316) Манбаларда Бобур авлодлари ҳұмронлик қылған даврларда Ҳиндистонда туркий(ўзбек) тилида

<sup>1</sup> Мисоллар «Бобурнома»нинг 1960 йилдаги нашридан олинди. Баъзи жумлалар, 2002 йилдаги нашар матти асосида тузатып берилди.

мубоҳаса ва сұхбатлар қилингани, шеърлар ёзилгани, мушоиралар үтказилгани қайд этилган. Бобурийлар даврида туркий тилде сұзлашув муҳитининг яратылғанлығи, туркийзабон адабиёттің шаклланғанлығи, ҳинд мұмтоз адабий тилләри (*санскрит, пали, пракрит* бундан мұстасно) босиб үттән йўл сингари туркий тилнинг ҳам шу сарзаминда оддий мұомала воситасыдан адабий тил мақомига күтарилиш тарихининг ёритилишига олиб келди<sup>1</sup>.

Бобур алифбе ҳам тузган. Араб ёзуvinинг ўзига хос мұраккабликтерини эътироф этган ҳолда, "Бобирий хат"ни ихтиро қилғанини ёзади.

"Бобурнома"нинг янги нашрида Бобур тузган алифбонинг топилгани, ҳатто бу алифбода Қуръон күчирілғанлығи ҳақида маълумот берилады, бу маънавиятимиз тарихи учун мұхим аҳамиятта молиқдер.

Бобурнинг тилга мұносабати, ёзма нұтқ ҳақидағы мұлоҳазалари борасыда ўғли Ҳумоюнга ёзған мактуби аҳамиятлидир<sup>2</sup>. Ушбу мактубда ҳукмдор қуидаги масалаларга ўғлининг эътиборини тортади:

— исм имлоси ва маъносига аҳамият бериш; ота — онанинг фарзандға мұвоғиқ исм бериш фарзи ҳақида (... *Отини Алъамон қўймишсен. Вале бовужудким, ўзинг битибсен, мундин гоғил бўлубеенким, касрати истеъмол била авом Аламо дерлар, ё Эл Амон дерлар, ўзга мундоқ алиф—лом опта кам бўлур* (420);

— имло масалалари;

— ҳуснинат ва унинг ўрни;

— тил ва тафакқур мұносабати; фикрни тұғри, аниқ ифодалай олишнинг зарурлығи ҳақида фикр юритади. (Мактубда ақиллик, құлдан кеттән мамлакатларни қайтариш, вазминлик, коқиллик (сусткашлик) каби жиҳатлардан воз кечиши, "ёлғузлиқ"та тобе бўлмаслик... каби қатор масалалар ҳам акс этганды, улар хусусида тұхталмадик).

Имло масалалари Бобурнинг диққат эътиборида бўлиб келган. Ҳумоюнга битган мактубида ўғлининг хатидағи имло хатоларини тузатади, танбек, беради, хатосиз ёзишга ундейди. "Имлонг ёмон эмас" деб ўғлини рағбатлантиришга

<sup>1</sup> Қаранг: Низаметдинов Н. XV – XIX аср Ҳиндистон туркийзабон адабиёти. Докторлик диссертациясы автореф. – Т., 2000, 8 – бет.  
«Бобурнома». – Т., 1960, 420–422-бетлар.

уринса – да, бир қатор имло хатоларини кўрсатиб ўтади: *алтифотни «то» била битибсен. Қулуңжни «йо» била битибсен.* (421).

Бобур ҳуснинатга ҳам аҳамият беради: *Хатингни худ ташвиш била ўқуса бўладур, vale acru муғлақтур...* (421).

Бобур фикрни тилда ифодалаш кўникмаларини пухта эгаллаган ("Бобурнома"нинг тили бунга далил), ўғлидан ҳам шуни талаб қиласди: "*Хатингни худ тавр қилиб ўқуса бўладур, vale bu муғлақ алфозингдин мақсуг тамом мағҳум бўлмайдур*" (421). Яъни, мантиқсиз тузилган услубий номувофиқ жумлаларни рад этади. Фикрни равон, аниқ ифодалаш лозимлигини таъкидлайди: ўғлининг ёзма нутқидаги суст (ожиз) томони фикрни тўғри ифодалай олмаслигида эканлигини уқтиради; "*Голибо ҳат битирда коҳилиғинг ҳам ушбу жиҳаттиндур*" (421), дейди ва аниқ, равон ёзма нутқ кўникмаларини эгаллашга чақиради:

*Бундан нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била бити; ҳам сенга ташвиш озроқ бўлур ва ҳам ўқучига* (421).

Бобурнинг Ҳумоюнга ёзган хатини "Авлодларга мактуб" деб баҳолаш мумкин. Негаки, унда айтилган фикрларнинг аксарияти ҳозирги ёшлиар учун ҳам ибрат олгулиқдир.

«Бобурнома»нинг ифода тили туркий тил. Унда туркий лексемалар билан бир қаторда форсча – тоҷикча, арабча, ҳиндча лексемалар қўлланган. Бунинг ўзига хос объектив ва субъектив омиллари бор.

Муаллиф ижод жараёнида айрим атамаларнинг бошқа тилдаги (форс – тоҷик ёки ҳинд тилидаги) муқобилларини келтиради. Бундан икки хил мақсад кўзда тутилган. Биринчидан, Бобур асарда кенг қўлланган батъзи форсча – тоҷикча ҳамда ҳиндча терминлар маъносини ўқувчига етказишга ҳаракат қилган. Иккинчидан, воқелик, воқеа – ҳодисанинг моҳиятини янада кенгроқ ёритишга интилган. Масалан, форсча *пос* ва ҳиндча *паҳр* терминлари ҳақида шундай фикр билдиради: "*Ҳинд эли кеча – кунгузни олтмиш қисмат қилибтурлар, ҳар қайсини бир гири дебтурлар, яна кечани тўрт ва кунгузни тўрт қисмат қилибтурлар. Ҳар қайсини бир паҳр дебтурларким, форсийси пос бўлғай*". (358) Бобур *паҳр* терминининг бошқа вилоятлар аҳолиси тилида ишлатилемаслигини ҳам таъкидлайди: Ул вилоятларда *пос* ва

посбон эшишилур эди, бу хусусият била маълум эмас эди.(358)

"Бобурнома"да ўзаро яқин маънодаги *пос* ва *паҳр* терминлари синоним тарзда қўлланган. Юқорида келтирилган мисолдан яна бир нарса маълум бўладики, ҳиндча *гирининг* форсийда ёки туркийда муқобилий йўқ (агар бўлганида Бобур келтириб ўтган бўлар эди). Бундан кеча – кундузни олтмиш қисмга ажратиб номлаш фақат ҳиндларга хослиги аён бўлади.

"Ўтлоқ" маъносини ифодаловчи *жула* ва *дун* лексемалари ҳам бир обьектни номловчи икки хил тил бирлигидир. Бобур "Ҳиндустан тили билан "жула"ни "дун" дермишлар" тарзида изоҳ беради. Ҳар икки сўзни ҳам синоним сифатида қўллади.

Бобур "туман" терминининг андижонликлар ва кошгарликлар тилида *ўрчин*, ҳиндлар тилида *паргана* деб юритилишини таъкидлайди. Бу билан турли хил тилларнинг номлаш хусусиятларини ўзаро қиёслайди: "Самарқанд ва Бухоро ва яна бу навоҳига вилоятчаларниким, бир улуғ вилоят таҳтига бўлғай, туман дерлар. Ва Андижон ва Кошғар ва ул орага ўрчин ва Ҳиндустанонга паргана дерлар".(189)

Бобур айрим ҳолларда лексеманинг нутқий ифодасини ҳам қиёсий изоҳлайди. Шу асосда лексеманинг турли нутқий кўринишларини этимологик нуқтаи назардан таҳлил қиласи: Набототким, Ҳиндустан махсусидир, бир анбадур. Аксар Ҳиндустан эли "бе"ни беҳаракат талаффуз қилурлар, ёмон муталаффуз бўлар учун баъзи "нағзак" дебтурлар. (352)

Бобур ҳаётий тажриба асосида фикр юритар экан, баъзи ўринларда мулоҳазаларини форсча – тоҷикча мақоллар ёрдамида изоҳлайди. Масалан, "гоҳ кўп яхши, гоҳ кам" мазмунидаги форсча – тоҷикча мақолни Давлатхоннинг (қарилигига қарамай) иккита қилич тақиб жангта кириши тасвирида ишлатган: "Давлатхон ул қарилифи била белига икки қилич боғлабтур. Булар жазм урушурлар, хотирга кечтиким, ул масал борким, гоҳ ездаҳ беҳ, гоҳ нўҳ" (гоҳ ўн бир яхши, гоҳ тўйқиз , 325)

Бобур "Фоғил аз инжо рондо ва аз онжо монда" ( Фоғил бу ердан қувилган, у ердан ажралган), "Сафи мағлубро ҳое басандаст" Енгилган сафга бир "ҳой" кифоядир), "Дарвозаи

*шашпро павон баст, натавон даҳони мухолифон баст*" (Шаҳар дарвазасини ёниб булаги—ю, душман оғзини ёниб булмайди) каби бир қатор форс—тожик мақолларини келтиради ва мулоҳазаларини ғайри тиљдаги ҳикматли сўзлар билан далиллайди.

Асарда Бобурнинг айрим сўзлар этимологиясига оид мулоҳазалари ҳам берилган. Суз этимологиясининг туғри ёритилиши халқ тарихини ўрганишда, мунозарали этногенетик масалаларни ҳал қилишда аҳамиятлидир<sup>1</sup>.

Тил тараққиётини этимологик нуқтаи назардан ўрганиш ҳар бир тилнинг ўзига хос табиатини ёритишда муҳим ўрин тутади. Узбек тили лугат бойлигини этимологик таҳлил этиш қуидагилар учун аҳамиятлидир:

1. Сўзнинг келиб чиқиши, шаклланиш тарихини аниқлаш лексеманинг маъно кўлами, услугбий имкониятларини изоҳлашда муҳим, лексема семалари ўртасидаги фарқли жиҳатларни аниқлашда аҳамиятли ҳисобланади.

2. Сўзлар этимологияси тилшунослик соҳаларидағи айрим муаммоларни ҳал қилишда аҳамиятли (масалан, морфологик қайта бўлинишда, морфемаларга ажратишида, сўз ўзагини тиклашда).

3. Сўзлар этимологиясини аниқлаш тилнинг ўзига хос жиҳатларини ёритишда, тил табиатига доир хуносалар чиқаришда муҳимдир.

Ўзбек тилшунослигида этимология соҳаси яқин даврлар ичида шаклланди, дейиши нисбий албатта. Негаки, мумтоз адабий, илмий, тарихий манбаларда этимологик нуқтаи назарлар, тахминлар кузатилади. Маҳмуд Кошгариј девонида, Алишер Навоий "Муҳокамат ул—лугатайн"ида, Абулғозий Баҳодирхоннинг "Шажараи турк"ида ва бошқа айрим манбаларда этимологик таҳлил намуналарини учратамиз. Мазкур манбаларда этимологик кузатишлар бошқа мавзуу, масала атрофида берилган. Уларни ўрганиш, таҳлил этиш, яхлит ҳолга келтириш ўзбек тилшунослигидағи муҳим вазифалардан биридир.

<sup>1</sup> Егоров В.Г. Этимологический словарь чuvашского языка. Чебоксари, 1964, стр.15-16

"Бобурнома"даги этимологик қайдлар халқ этимологиясига асосланған бўлиб, айрим ўринларда Бобур ўз муносабатини билдириб ўтади. Халқ этимологияси аксарият ўринларда ўз асосига эга бўлади<sup>1</sup>.

«Бобурнома»даги этимологик кузатишлар антропонимлар, топонимлар, фитонимларга оидdir. Улардан айримлари қуийдагича:

**Фитонимлар этимологияси.** Бутака:... аксар бутака ути бўлур... важҳи тасмияси маълум эмас эрди, бу вилоятларда маълум бўлди. Бу ўт бута—бута чиқар учун бутака дерлар эмиш (БН, 198). Мазкур ном ўсимликнинг ривожланиш ҳолатига қараб қуийлган атама.

**Зоонимлар этимологияси.** Галаҳра: Яна бир кийикдур. Аслига "голоҳран" экандур, яъни қора кийик таҳфиф қилиб, "галаҳра" дебтурлар. (БН, 346)

**Какка балик:** Яна какка балиқдур. Икки қулогининг тўғриси шаки сўнгак чиқибтур, узунилиғи уч эллик бўлғай, ётқонда бу икки сўнгакни тебратадур. Fарид тавр ун келадур. Голибо ул ун жиҳатидин какка дебтурлар. (БН, 352)

**Халқ атамалари, сифатлашлари, иборалари этимологияси.** Говгум—намози дигар ва намози шом орасидаги пайт. Ҳозирги қипчоқ шеваларида ҳам шу маънода қўлланади. Бобур шу атаманинг шаклланишига асос бўлган иборани келтиради. Яъники, бир танг йўлнинг қаерга олиб боришини ҳўқиз етаклаб келаётган кишидан сўрашади. Йўловчи "ҳўқизни" қоралаб боринг, биласиз тарзидағи жавобини беради. Ҳожа Асадулло таажжубини билдиради: "Гов гум шавад, чикор кунем?" (Агар ҳўқиз йўқолса, нима қиламиш? Ёки "говгум бўлса, яъни қоронғу бўлса (ҳўқиз куринмай қолса), нима қиламиш?") Говгум—"ҳўқизни кўз илғар, илғамас пайт", "фира—шира қоронгулик" маъносини билдиради.

Нарса—буюм, ҳодисаларнинг номи билан бир қаторда уларнинг моҳият эътиборини ёритувчи сифатлар ҳам қўлланган. Балдаи маҳфузә (Самарқанд): Ҳеч ёғий қаҳр ва ғалаба била мунга гаст топмаган учун балдаи маҳфузә

<sup>1</sup> Қаранг: Пизани В. Этимология. — М., 1956, стр.128 – 140

*дерлар* (БН, 104) *Балда* – "шашар", *маҳфуз* – "муҳофаза қилинган, сақланган" маъноларини билдиради.

Санги ойина:... пушталарнинг орасига бир парча тош тушуббур, "Санги ойина" дерлар,... ойинадек ҳар нима мунъакс бўлур. (БН, 61) *Санги ойина* "тош ойина" (ойна тош) демакдур.

Мурғаки қарши: *Бағриқаро* йусуналуқ қушқина бўлурким, қилкуйруқ дерлар, Қарши вилоятига беҳад ва бениҳоят бўлур учун ул навоҳига мурғаки Қарши дерлар. (БН, 108) *Мурғаки Қарши* – "Қарши қуши" маъносидан.

Кўзларини туз тутти:...курнамаклик қилиб қочиб, Андижоннинг кӯҳ пояларига бориб, ёғилиқлар ва фитналар ангиз қилди. Охир ўзбек илғига тушти, кўзларини кўр қиласилар."Кўзларини туз тутти"нинг бу маъниси бор эмиш(БН,135). Бобур бу иборанинг шаклланишини бевосита изоҳламаган. Хоинликнинг жазоси муқаррарлигини таъкидлаш мақсадида мазкур иборага мурожаат қилган. Бу билан иборанинг шаклланиш асосини қисман ёритган.

Муқаттаъ масжиғи *Муқаттаъ* дерлар. Бу жиҳаттин Муқаттаъ дерларким, қитъа–қитъа йиғочларни тарош қилиб, ислимий ва хитоий нақшлар солибтурлар (БН,105) *Муқаттаъ* – "қитъа", кесилган, парчаланган маъносидаги сўз<sup>1</sup>.

Сингир: Сингир лафзини Кобулга келганда эшишилди. Бу эл тоғни беркитганни сингир дер эмишлар.(БН,206) Бу сўз асарда афғон халқининг ўзига хос жиҳатини ифодалашга хизмат қилган.

Фози қозони: Бу тошларни "Фози қозони била отти. Бу қозон ул қозон эдикум, Сангойи коғирнинг урушига тош отиб эди. Ул жиҳаттин *Фозига* мавсум бўлиб эди. (БН, 408) *Фози* манбаларда "ҳарбий жангчи"<sup>2</sup> , "ғазот қилувчи", уруш қилиб, ғалаба қозонган (шахс)"<sup>3</sup> маъноларида изоҳланган.

Бобурнинг этимологик кузатишлари чуқур ҳамда илмий бўлмаса – да, унинг қарашлари аниқ далилларга таяниши, изчилиги ва ҳақиқатта яқинлиги билан аҳамиятлидир. Асар

<sup>1</sup> Навоий асрлари лугати. – Т.,1972,438 – бет

<sup>2</sup> Фазылов Э. Староузбекский язык. Хореемийскиe памятники XI века, II, стр.690

<sup>3</sup> Навоий асрлари лугати. – Т.,1972,754 – бет

тилидаги этимологик кузатишларни ўрганиш, уларни семантик хусусиятларига кўра ва мавзуий жиҳатдан умумлаштириш бир қатор этимологик тадқиқотлар учун асос бўлади. Шу билан бир қаторда муаллиф мулоҳазаларининг илмий асосини белгилашда ҳам аҳамиятлидир.

"Бобурнома"да акс этган юқоридаги каби жиҳатларни кузатар эканмиз, муаллифнинг ўзбек адабий тили тараққиётидаги ўрнини белгилаш имкони туғилади. Бу эса талабаларнинг мумтоз маданий меросимиз қадр – қимматини англашларида; жамоат арబлари ва ижодкорларнинг тил тараққиётидаги хизматларини билишларида; ҳозирда ўзбек тилшунослигида янгича йуналиш деб қаралаётган баъзи соҳаларнинг айрим муаммолари аждодларимиз томонидан ўртага ташланганлигини фаҳмлашларида ўзига хос аҳамият касб этади.

"Бобурнома"нинг ўндан ортиқ қўллэзмаси мавжуд бўлиб, шулардан иккитаси нашр этилган. Булар 1857 йилда Н.Ильминский томонидан эълон қилинган Қозон нашри (Кер қўллэзмаси) ҳамда 1905 йилда А.Бевериж томонидан эълон қилинган Лондон нашри (Ҳайдаробод нусхаси)дир. Қозон нашри 506, Лондон нашри 382 саҳифадан иборат. Лондон нашри нисбатан мукаммал ҳисобланади.


"Бобурнома" яратилган давриданоқ шуҳрат топа борди. "Бобурнома" XVI асрдан Шарқ тилларига (асар XV асрда форс тилига ўтирилган), XVIII асрдан ғарб тилларига таржима қилина бошлади. Ҳозирда қирққа яқин миллат асарни ўз она тилларида ўқиши имкониятига эга.

Европа илм аҳлига "Бобурнома" голландиялик олим Витсен таржимаси орқали етиб борди. Шу тариқа инглиз шарқшунослари таърифлаган "Бобуриана" даври бошланди. Асар даставвал, 1826 йилда Лондонда "Бобурнома" – Лейден Эрскин таржимасида<sup>1</sup> номи билан нашр этилди<sup>1</sup>. Немис олими А.Кайзер Лейден – Эрскин таржималарига асосланиб, асарнинг немис тилидаги нашрини амалга оширид<sup>2</sup>. Парижда Паве де Куртейл "Бобурнома"ни француз тилида

<sup>1</sup> Бобур З.М. "Бобурнома". Ҳиндистон императори томонидан чигатой туркий тилида ёзилган ҳамда Ж.Лейден ва В.Эрскин томонидан инглизчага ўтирилган Лондон, 1826.

<sup>2</sup> Бобур З.М. "Бобурнома". Инглизчадан Германиядаги Академияси, 1828.

<sup>3</sup> Паве де Куртейл. Бобурнинг эсаikkilari. – Париж, 1971.



эълон қилди<sup>3</sup>. 1921 йилда Льюкас Уайт Кинг асарнинг тўлдирилган, таҳлил қилинган янги нашрини яратди<sup>4</sup>.

"Бобурнома" хронологик жиҳатдан тўлиқ эмас. Таржимон Паве де Куртейлнинг таъкидлашича, асл нусхада ҳам, форсча таржимада ҳам бир қатор узилишилар мавжуд. Льюкас Уайт Кинг узилишларни бартараф этиш мақсадида ифодаланмай қолган йиллар воқеаларини ҳижрий 908 йилнинг охиридан 909 йилнинг сунгигача, 914 йилдан бошлаб 925 йилнинг бошигача бўлган воқеаларни, 926, 931, 934, 936–937 йилларга оид айрим маълумотларни "Бобурнома"га киритади ва шу тариқа асарнинг нисбатан муқаммал бўлишига эришади. 1922 йилда инглиз шарқшуноси А.Бевериж асарни Ҳайдаробод нусхаси асосида қайта таржима қиласди ва нашр эттиради. 1845 йилда Р.М.Калдекотнинг<sup>1</sup>, 1879 йилда Ф.Ж. Талбот<sup>2</sup> нинг биринчи инглизча таржима асосида қисқартирилган таржималари нашр этилди.

1996 йилда Американинг Ҳарвард университети профессори Уилер Тэкстон томонидан асарнинг инглиз тилидаги шарҳлар билан бойитилган таржимаси нашр қилинди<sup>3</sup>.

"Бобурнома" 1943–1946 йилларда Рашид Раҳмати Орат томонидан усмонли турк тилига, 1924, 1962 йилларда Мирза Насриддин Ҳайдар Қурагоний томонидан урду тилига, 1972 йилда Абдураҳимхон ибн Байрамхон томонидан форс–тожик тилига, 1974 йилда Югжит Навалпурий томонидан ҳинд тилига таржима қилиниб, нашр этилди.

"Бобурнома"нинг эътиборга молик таржимаси 1980 йилда Парижда ЮНЕСКОнинг маҳсус қарори билан француз тилида амалга оширилди. Таржимани француз шарқшуноси Жан Луи Вакье Граммон бевосита аслиятдан, яъни эски ўзбек тилидаги манбадан амалга оширган.

<sup>4</sup> "Бобурнома". Ҳиндистон императори Захиридин Мухаммад Бобурнинг ўз қўли билан чигатой ва туркий тида ёзган хотиралари. Ж.Лейден ва В.Эрскинлар таржима қилган. Льюкас Уайт Кинг шарҳлаган ва тўлдириган. 1921

<sup>1</sup> Калдекот Р.М. Ҳубубати (Ҳиндистон императори). Қисқартирилган таржима. Лондон, 1845 (инглиз тилида).

<sup>2</sup> Талбот Ф.Ж. Ҳиндистон императори Бобурнинг эсдаликлари. Қисқартирилган таржима. Лондон 1879 (инглиз тилида)

<sup>3</sup> The Baburnama. Memories of Babur. Prince and Emperor. Translated, edited and annotated by Wheeler M. Trockstion. Нью-Йорк Оксфорд, 1996.

Асар 1948 – 1949 йилларда рус тилида иккى жиld ҳолида нашр этилди. Бу нашрлар янада такомиллаштирилиб, 1959 йилда М.А. Салье таржимаси ва С.Азимжонова сўз бошиси билан қайта чоп этилди. Ушбу таржима 1993 йилда тўлдирилган ҳолда қайта нашр қилинди<sup>1</sup>.

“Бобурнома”нинг гарблик таржимонлари – Ж.Лейден, В.Эрскин, А.Кайзер, Паве де Куртейль, Л.У.Кинг ва бошقا шарқшунослар асарга адабиётшунослик нуқтаи назаридан эмас, тарихий – этнографик ва лингвистик нуқтаи назаридан ёндашганлар<sup>2</sup>.

“Бобурнома”нинг илк нодир қўлёзмалари мавжуд бўлишига қарамай, сўнгти вақтгача асарнинг илмий танқидий матни яратилган эмас эди. Ниҳоят, 1995 йилда Япониялик олим, бобуршунос Эйжи Мано қарийб ўтгиз йиллик изланишлари натижасида асарнинг илмий танқидий матнини яратди. 1996 йилда шу нашрнинг давоми сифатида мукаммал “Кўрсаткичлар” нашр этилди<sup>3</sup>. Мазкур танқидий матн асл нусха тилидаги тўртта ва форс тилидаги бир қўлёзма нусха асосида тайёрланди. Бундан ташқари, Эйжи Мано яна иккита форсча қўлёзмадан – янги Деҳли Миллий музейидаги “Воқеоти Бобурий” деб номланган қўлёзма ва Париж Миллий кутубхонасида сақланаётган нусхадан фойдаланди. Илмий танқидий матн асарнинг еттита қўлёзмаси – тўртта ўзбекча ва учта форсча нусхаси асосида яратилди. Танқидий матнга Ҳайдаробод нусхаси асос қилиб олинди<sup>4</sup>. Эйжи Манонинг узоқ муддатдаги маشاқатли илмий фаолияти, ижодий меҳнати “илмий жасорат” деб баҳоланди.<sup>5</sup> Эйжи Мано яратган матн “Бобурнома”нинг янги ва аслиятига янада яқинроқ таржималарининг яратилишида асосий маnба ҳисобланади, асар бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар учун муҳим объект бўлиб қолади.<sup>6</sup> Шу билан бир қаторда асар воқелигининг тўлиқ ифодаси сифатида ҳам эътиборга молик.

<sup>1</sup> Асар нашрлари ҳақида қаранг: Буюқ қомусий асар Захириддин Мухаммад Бобур. “Бобурнома”. – Т., “Шарқ”, Н.М.А.К. 2002 16 – 21 бетлар, Н.Отажонов. “Бобурнома жаҳон кезади” – Т., 1984, 15 – 32 бетлар

<sup>2</sup> Отажонов Н. “Бобурнома жаҳон кезади”, Т., 1984 31 – бет.

<sup>3</sup> Babur-nama (Vaqqai). Concordans and classified indexes by Eiji Mano Kyoto, Syokado, 1996

<sup>4</sup> Буюқ қомусий асар. “Бобурнома” – Т., “Шарқ” Н.М.А.К., 2002, 17 – бет.

<sup>5</sup> Абдугафуров А., Ўринбоеv А. Япон олиммининг илмий жасорати. Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1996, 15 март.

<sup>6</sup> “Бобурнома”, 2002, 17-бет. – Т., 1971, 5-бет.

Аср бошларида маърифатпарварларнинг саъй – ҳарәкатлари натижасида миллий маданият, тил ва маънавий меросни ўрганишга жиддий эътибор қаратилди. Мумтоз манбаларни ўрганишга, ёзма обидаларни тарғиб этишга киришилди. 1928 йилда Фитрат биринчи марта Бобур асарларидан намуналар эълон қилиди. Шундай бўлса – да, Ўзбекистонда Бобур ижодини атрофлича ўрганиш XX асрнинг 40 – йилларидан бошланди. Асар биринчи марта кирил алифбосида 1848 – 49 йилларда нашр этилди, 1960 йилда янги нашр босмадан чиқди. Бу нашр асарнинг кенг омаллашувига хизмат қилиди. 1966, 1989 йилги нашрлар ҳам шу нашр негизида амалга оширилди. Нашр матни олдингиларидан фарқли равишда асарнинг мазмун – моҳиятини нисбатан тулиқ акс эттирган. Матнда айрим нуқсонли ўринлар мавжуд бўлса – да, маълум бир даврларда мукаммал матн сифатида эътибор топди. Ушбу нашр асарнинг кейинги, мукаммал нашрини яратишда асосий манба бўлиб хизмат қилиди.<sup>1</sup>

Бобур асарлари нашр этила бошлигандан кейин, бир қатор тадқиқотлар юзага келди. Асар мазмуни, моҳиятини ўрганиш, даставвал, сиёсий мақсадларни амалга оширишга хизмат қилган бўлса, кейинчалик асар матни тўлақонли бадиий манба, қомусий ёдгорлик сифатида мутахассисларни жалб эта бошлади. Асар матнининг қомусий характеристи, унда ифодаланган кенг кўламдаги воқелик, бадиий маҳорат акс этган равон услугуб кўпгина мутахассислар эътиборини ўзига тортди. «Бобурнома» адабиётшунос, тарихчи, тилшунос, ўлкашшунос, этнограф каби қатор соҳа вакиллари учун илмий тадқиқот обьектига айланди. «Бобурнома» нашри, таржималари ва ўрганилиши ҳақидаги маълумотлар<sup>2</sup>, Бобур фаолияти, серқирра ижоди, лирикаси, «Бобурнома»нинг бадиий ва ғоявий мазмуни ҳақидаги Ҳ.Ёқубов<sup>3</sup>, М.Шайхзода<sup>4</sup>, В.Зоҳидов<sup>5</sup> изланишлари эълон қилинди. «Бобурнома» асари бўйича номзодлик диссертациялари

<sup>1</sup> Буюк қомусий асар «Бобурнома» – Т., «Шарқ» Н.М.Л.К., 2002

<sup>2</sup> «Бобурнома», 2002, 17-бет. – Т., 1971, 5-9-бет.

<sup>3</sup> Ёқубов Ҳ. Бобур. Т., 1941. Ёқубов Ҳ. Улуғ шоир ва адиллар. Қизил Ўзбекистон, 1940 йил 26 декабр; З.М.Бобур «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1941, 2 –сон.

<sup>4</sup> Шайхзода М. З.М.Бобур Гулистон. 1940. Бобур ва Навоий, Қизил Ўзбекистон, 1940 йил 23 декабр.

<sup>5</sup> Зоҳидов В. Бобурнинг адабий фаолияти, Ўзбекистон маданияти, 1958 йил 12 апрель.

ёқланди<sup>1</sup>.

Мустақиллик даврида маънавий меросни ўрганишга, ажоддлар томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликларни эъзозлашга, миллий қадриятларни тиклашга жиддий эътибор қаратилди. Барча соҳалар қаторида адабиётшуносликда, хусусан бобуршуносликда бир қатор муваффақиятларга эришилди. 1992 йилда Бобур меросини ўрганиш юзасидан Андижонда Бобур номидаги ҳалқаро жамғарма тузилди. Жамғарма раиси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Олий Мажлис депутати Зокиржон Машрабов ташаббуси билан "Бобур изидан" ҳалқаро илмий экспедицияси ташкил этилди<sup>2</sup>. Кейинги ўн – ўн икки йилда бобуршунослик Ўзбекистонда ҳам салмоқли ютуқларни қўлга киритди. Бу борада, айниқса, Бобур номидаги ҳалқаро жамғарманинг хизматлари, хусусан, Шарқ мамлакатлари бўйлаб уюштирган бир неча экспедициялари натижалари муҳим аҳамиятта эга бўлди. Экспедиция натижасида Бобур шахсига, ижодига оид янги маълумотлар ҳам қўлга киритилди, бу миллий маданиятимиз тарихида алоҳида эътиборга молик ҳодиса сифатида аҳамиятлидир. Бобур тузган алифбо ва унга доир маълумотлар, Бобурнинг васиятномаси, унда ифодаланган муаллиф руҳияти, борлиқ, атроф – муҳит, дунё ва одамларга муносабати акс этган ўринлар миллий қадриятларимиз, тафаккур, дунёқарааш тафсилотлари учун муҳим қийматта эга.

Бобур ижодий мероси, жумладан, "Бобурнома" юзасидан, кўплаб рисола, илмий мақолалар чоп этилди, номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди<sup>3</sup>.

"Бобурнома"ни таржима қилиш жараённидаёқ асар тилини ўрганишга бўлган дастлабки уринишлар кузатилди. Асар тилига эътибор изоҳ ва шарҳлар беришдан бошланди. Бобурноманинг инглиз тилидаги биринчи таржимасини

<sup>1</sup> Джамалов С.О. Художественных о особенностях "Бабур-наме" дисс. канд. фил. наук. Т., 1961. Атаджанов Н. Художественный перевод и научное комментирования. Дисс. канд. фил. наук. Т., 1978, Ходжаева Л. Проблемы перевода характер, стиль и интерпретация текста "Бабур-наме" дисс. канд. фил. наук. Т., 1986 Шукруллаева С. Воссоздание художественного своеобразия "Бабур-наме" в его английский перевода дисс. канд. фил. наук. Т., 1989

<sup>2</sup> Буюқ қомусий асар "Бобурнома" Т., "Шарқ", Н.М.А.К., 2002 10 – бет.

<sup>3</sup> Отажонов Н. "Бобурнома" жаҳон адабий жараённида. Т., 1994, мукаммал нашр йўлида, шарқ юлдузи. 1990, 10 бет. Қурдатиллаев Х.С. "Бобурнома"нинг тарихий адабий ва услубий таҳлили. Т., 1998. Азимжонова С. Бобур буюқ тарихи олим, "Саодат" 1990, 8 –сон.

"Бобурнома" қандай ёзилган Гулистон, 1990. Бобур и его труд "Бабурнаме" в книге записки Бабура. Т., 1996. Балтабаев Х. "Бобурнома"нинг туркча таржимаси, Андижон, 1993, 70 – бет. Сулаймонова Ф. Олам кезганд асар, Ўзбекистон 1990, 21 октябрь, Ҳасанова С. Жаҳонгашта "Бобурнома". Т., 1996.

амалга оширишда фаол бўлган В.Эрскин асар таржимасини изоҳ ва шарҳлар билан бойитди<sup>1</sup>.

"Бобурнома"даги кўпгина жой номлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига оид атамалар таржимонлар томонидан батафсил шарҳлаб, тушунтириб берилган. Биргина Льюкас Уайт Кинг тузган шарҳ ва изоҳлар турт мингдан ортиқдир<sup>2</sup>. Уйлер Тэкстон (инглиз тилида), Рашид Раҳматий Орат (турк тилида), Югжит Навалпури (ҳинд тилида) таржималарида ҳам изоҳлар мавжуд. 1960 йилдаги Порсо Шамсиев нашрида 600дан ортиқроқ изоқ берилган бўлса, ҳинд тилидаги нашрда бундай изоҳлар сони 2600дан зиёд<sup>3</sup>. Инглиз бобуршуноси А.Бевериж таржималардаги Бобур тили ва услубига алоҳида эътибор беради<sup>4</sup>. Бу борадаги фикрларини "Ройл Азиатик" журналининг 1900 йилдан бошлаб 1923 йилгача бўлган сонларида эълон қилинган (жами 30 дан ортиқ) мақолаларида акс эттирган<sup>5</sup>. Айрим нуқсонларга йўл қўйилганига қарамай, таржималарда берилган изоҳ ва шарҳлар асар тилини, лексик хусусиятларини ёритищдаги илк қадам сифатида баҳоланиши мумкин.

"Бобурнома"нинг тили, хусусан грамматик қурилишини ўрганиш XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланди. Н.И. Ильминский 1865 йилда "Материалы для джагатайского спряжения из "Бабурнамэ", 1888 йилда "О значении формы на "гой" у Бабера" номли мақолаларини эълон қилди, Г.Ф.Благова "Бобурнома" мисолида XV аср эски ўзбек адабий тили грамматик тизимини ўрганишга бағишлиланган номзодлик ишини ҳимоя қилди<sup>6</sup>. 1965 йилда Чехословакия шаҳрида нашр қилинган тўпламда "Формы пассива, представленные в "Бабурнамэ" и особенности их синтактико-стилевого использования" сарлавҳали мақоласини эълон қилди<sup>7</sup>. "Бобурнома" синтаксисини ўрганиш бўйича Х.Назарованинг ун бешга

<sup>1</sup> Отажонов Н. "Бобурнома" жаҳон кезади. Т, 1984, 27 – бет.

<sup>2</sup> Буюқ қомусий асар "Бобурнома" Т., "Шарқ" НИМАК., 2002 йил 19 – бет.; Отажонов Н. "Бобурнома" жаҳон кезади. – Т., 1984, 30 – бет

<sup>3</sup> Буюқ қомусий асар Т., "Шарқ", НИМАК, 2002 йил 21 – бет.

<sup>4</sup> "Бобурнома". – Т., 2002, 19-бет.

<sup>5</sup> Отажонов Н. "Бобурнома" жаҳон кезади. Т, 1984, 38 – бет.

<sup>6</sup> Благова Г.Ф. Характеристика грамматического строя староузбекского литературного языка XV века по Бобурнаме. Канд. дисс., 1954

<sup>7</sup> Бу қақда қаранг! Назарова Х. Бобур ва ўзбек адабий тили. І.. 1971, 9 – бет.

яқин илмий мақоласи<sup>1</sup>, рисолалари<sup>2</sup> ва бир лугати<sup>3</sup> нашр этилди. Асар тилининг фонетик жиҳатлари борасида ҳам мақолалар эълон қилинди<sup>4</sup>. "Бобурнома"нинг лексик хусусиятлари бўйича тадқиқотлар юзага келди. Ҳ. Дадабоев "Бобурнома"да қўлланган терминалар борасида мулоҳазаларини билдириди.<sup>5</sup> Н.Жиянова "Бобурнома"даги нумеративлар ҳақида<sup>6</sup>, А.Иброҳимов асардаги ҳиндча сўзлар тадқиқига<sup>7</sup> бағишиланган номзодлик ишларини ҳимоя қилдилар. Шунга қарамасдан, бутунга қадар асар лексикаси яхлит илмий тадқиқот объекти бўлмаган.

2002 йилда Узбекистонда "Бобурнома"нинг янги нашри яратилди. Бу нашрни амалга оширишда Н.Отажонов, С.Жамолов фаол хизмат қилдилар. Бобур Ҳалқаро Жамгармаси раиси З.Машрабов, афғонистонлик олим Яъқуб Жузжоний, ёш ўзбек олими А.Иброҳимовлар нашр ишларига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

"Бобурнома"нинг С.Ҳасанов томонидан П.Шамсиев, С.Мирзаев нашри(1960) ҳамда япониялик Эйжи Мано илмий – танқидий матни(1995)га асосланиб тайёрланган мазкур нашри<sup>8</sup> бобуршуносликдаги жиiddий муваффақият ҳисобланади. Ушбу нашрнинг миллий маданият тарихидаги ўрни, аввалги нашрлардан фарқи, афзал жиҳатлари, илмий тадқиқот учун манба сифатидаги аҳамияти олимларимиз томонидан эътироф этилди<sup>9</sup>.

Янги нашрга П.Шамсиев, С. Мирзаев ҳамда Эйжи Мано тайёрлаган илмий – танқидий матн асос қилиб олингани унинг қийматини оширади. "Бобурнома"нинг танқидий матнини яратишдаги дастлабки қадам" (Г.Ф.Благова)

<sup>1</sup> Назарова Н. Синтаксический строй языка "Бабурнаме" З.М.Бабура. Т., 1980, 42-бет.

<sup>2</sup> Назарова Х. Узбек ва адабий тили. Т., 1971, эски ўзбек тили ёзма ёдгорликларида кўчирма гапнинг қўлланилиши. Т., 1959, Бобур ва ўзбек адабий тили. Т., 1972. XV аср охири XVI аср бошлиридаги эски ўзбек адабий тили синтактика қурилиши хусусиятлари Т., 1979.

<sup>3</sup> Захиридин Муҳаммад Бобур асарлари учун қисқача лутат. Т., 1972.

<sup>4</sup> Маҳмудов Қ. Бобур – ўзбек тилининг билимдони. "Адабий мерос" 1988, 29 – 32 бетлар.

<sup>5</sup> Дадабоева Х.А. Военная лексика в старо-узбекском языке. Канд. дисс. 1981; "Бобурнома"даги баъзи терминларга доир мулоҳазалар. "Адабий мерос" Т., 1988,1(43). 38 – 43 бетлар; Эски ўзбек тилидаги ҳарбий терминларнинг қулланиши (VII – XVII асрлар), // "Ўзбек тили ва адабиёти, 2 –сон

<sup>6</sup> Жиянова Н. "Бобурнома"даги нумеративларнинг маъно хусусиятлари. Т., 2000 йил.

<sup>7</sup> Иброҳимов А. "Бобурнома"даги ҳиндча сўзлар тадқиқи. Ном. дисс Т., 2001 йил.

<sup>8</sup> "Бобурнома". –Т., "Шарқ" НМАК, 2002

<sup>9</sup> Ҳ. Қулатуллаев. "Бобурнома": янги нашр// "ЎзАС, 2003, 17 январь, "Ибрат сабоги".

// "Маърифат", 2003, 15 февраль; А. Иброҳимов. "Бобурнинг фиблини бўлганими? //

"Тафаккур", 2003, 1 –сон, 125 – 126 – бетлар.

сифатида баҳоланган П.Шамсиев нашри асарнинг Қозон босмаси ва Лондон босмаси ўзаро қиёсланиб тайёрлангани, айрим сўз ва атамалар транскрипциясини аниқлаш мақсадида туркча, русча таржималардан фойдаланилгани боис бирмунча мукаммал, деб қаралади.

"Бобурнома"нинг ягона илмий – танқидий матни бўлган Эйжи Мано нашри еттига: тўртта ўзбекча (Эльфинстон, Ҳайдаробод, Британия кутубхонаси ва Қозон босмаси нусхалари); учта форсча (Британия кутубхонасидаги "Воқиъоти Бобурий" қўллөзма нусхаси, Янги Декли Миллий музейидаги "Воқеоти Бобурий" қўллөзмаси, Париж Миллий кутубхонасидаги нусха) манбага асосланган.

Порсо Шамсиев нашрида ношир "Бобурнома"нинг пухта тайёрланган танқидий тексти майдонга чиқмагунча ва тарихий номларнинг аниқ транслитерацияси ишланмагунча ..ноаниқлик ва нуқсонлар юз бериши табиийдир", дея эътироф этганидек, бир қатор камчиликлар кўзга ташланади. Худди шунингдек, Эйжи Мано тайёрлаган илмий – танқидий матнда ҳам айрим нуқсонлар мавжудлиги қайд этилган (янги нашр сўзбошисида Эйжи Мано матнида ҳам камчиликлар борлиги, П.Шамсиев нашрида келтирилган айрим жумлалар тушиб қолгани айтилган).

Янги (2002) нашрда тушиб қолган жумлалар берилган, илмий – танқидий матнидаги жузъий камчиликлар тузатиб кетилган.

П.Шамсиев нашрини ва илмий – танқидий матнни қиёслаш жараёнида айрим номувофиқликлар, мазмун жиҳатдан ўзаро боғланмаган жумлалар, сўзларнинг ёзилишдаги фарқли ўринларни бартараф этиш мақсадида Қозон ва Лондон босма нусхаларида матнларга бевосита мурожаат этилган.

Янги нашрнинг асосий муваффақияти унда аввалги нашрларда қайд этилмаган ўринларнинг берилishiидир. Булар: маълум сабабларга кўра асарда ифодаланмай қолган йиллардаги воқеалар тафсилоти; Бобурнинг васияти ҳамда ўғли Комронга биттан мактуби. Бу янги маълумотларнинг келтирилиши, даставвал, ҳозирга қадар номаълум бўлиб келган ("ёзилган, аммо таъсирлар туфайли йўқ бўлиб кетган ёки умуман ёзилмаган"), асарда акс этмаган йиллар воқеаларига аниқлик киритди. Бу воқеаларни тиклашда

инглизларнинг, айниқса, Люкас Уайт Кинг хизматларини ҳам таъкидлаш жоиз. Олим "Бобурнома"да акс этмаган ийллар воқеаларини бошқа манбалар асосида тиклашга ҳаракат қилган. Асарнинг Қозон нусхасида 936(1529) йилдан кейинги воқеалар Бобурнинг яқин кишиларидан бири томонидан ёзib тұлдирилган. Мавжуд манбалар асосида тикланған узилишлар мазмун – моҳиятининг ёритилиши түлиқ бұлмаса – да, муайян, асосли тасаввур беради.

Бобурнинг ўғли Ҳұмоюн номига қолдирған васияти ҳам илк бор зылон қилинған. Васиятнома, таъкидланғанидек, Бобур номидаги Халқаро илмий экспедиция аъзолари томонидан құлға киритилди. Үнда Ҳиндистон халқига муносабат, адолат билан давлат тутиш диний мазҳаб ва зытиқод масалалари ҳақида фикр билдирилған. Бобур васиятномаси унинг сұнгги күнлардаги мулоҳазаларини, руҳиятини, дүнёи азалга, тожу тахтта, еру мулкка муносабатини ифодалашда аҳамиятлидір.

Ноёб топилма сифатида зытиборли бұлған, ўғли Комронга ёзған мактуби Бобурнинг фарзандларига, уларнинг кейинги тақдирiga бұлған муносабати борасида маълумот берувчи маърифий манба ҳамдір. "Насиҳатномайи Бобур ба фарзанди ҳуд" (Бобурнинг ўз фарзандига насиҳатномаси) номи билан машҳур бұлған бу мактуб 1972 йилда таниқли олим, профессор Бегали Қосимов томонидан Қозон дорулғунун кутубхонасасининг "Нодир құләзмалар бўлими"дан топилған ва "Ўзбек адабиёти масалалари" илмий ишлар тұплами (Т., 1979 йил, № 609, 88 – 91 бетлар)да нашр этилди<sup>1</sup>. Мактуб ота ва фарзанд муносабати, тож – тахт, давлат масалалари, таълим – тарбия борасида "ибрат сабоги" сифатида ҳозирға қадар аҳамиятини йүқстемаган<sup>2</sup>.

Янги нашрда антропонимлар, топонимлар, этнонимлар, ҳайвон ва ўсимлик номлари күрсаткичининг кенгайтириб берилиши статистик ҳамда таҳлилий маълумот учун хизмат қиласы.

Янги нашр матнiga жиiddий зытибор берилған. Сўзларнинг ўқилиши ва ёзилишига масъулият билан ёндашилған. Натижада услубий гализликлар, маъно

<sup>1</sup> Бу ҳақдаги маълумот Ҳ. Мұхаммадхұжаевнинг "Заҳириддин Мұхаммад Бобур" рисоласидан олинди, – Т. "Ўзбекистон", 1983, 18 – бет

<sup>2</sup> Ҳ. Құдратуллаев. "Ибрат сабоги"// "Маърифат", 2003, 15 февраль

номутаносибликлари  
бартараф этилган.

Масалан:

1. Янги наширда (2002)  
Сагрийчи туман бекларидан эди(41)  
пиёзи била (44)  
мудаммағ (45)  
бирининг (46)  
Деварин (108)  
Хавок (108)  
эмин (109)  
Қирқариқ (184)  
багйаллар (186)  
Баҳат (186)  
Парсару (188)  
Кажур (186)

ва мантиқий номувофиқликлар

- Порсо Шамсиев нашрида(1960)  
Сагриги туман бекларидан эди(71)  
биёзи била (75)  
мудаммиъ (77)  
бирнинг (79)  
Деврин (188)  
Жавак (188)  
амин (190)  
қирқариқ (322)  
бакиёллар (325)  
Биҳат (325)  
Парсур (328)  
кажур (325)

Аввалигি наширда йўл қўйилган техник хатолар тузатилган: янг(322)–янги(184); Ҳожағ(78)–Ҳожага(46); ўйснулук(323)–йусунлуқ(185) каби.

Имло хатолари бартараф этилган: кўкалтош(76)–  
кўкалдош(45); эшик оқо(76)–эшикоғо(45); муталла(77)–  
мутолаа(45); Абул–али(77)–Абдулали(45); кичик кирим(77)–  
кичик–кирим(45);хили(78)–хейли(46); етгачуқ(78)–етгач–  
ӯқ(46); тұғросуга(82)–туғросуга(48); қаллож(182)–  
қаллош(105); ясир(184)–асир(109); ҳайф(323)–ҳайф(185);  
тахсиг(323)–таҳсиг(188); бронғор(328)–буронғор(188);  
жвонғор(328)–жавонғор(188).

П. Шамсиев нашридаги бир сўз турлича ёзилган ўринлар ҳам тузатиб кетилган; долдур–дохлдор (243), ҳоли – холи(241) танга – танги(260), Шерқули – Шерқўли(261), Ниганҳор – Нингнаҳор (278), зайди – зийи(287), кечимлик – кежимлик(290), Чанор – Чинор(303), манора – минора(305), рим – ним(306), тилисме – тилсиме(319), Норгил – Нургил (319), Чанбал – Чамбал(403), қўл – қўл(414), кушти – қушти (432), уюмга – ўйимга(252), пешой – Пешой(256) каби.

Тиниш белгиларининг тўғри қўйилишига жиддий эътибор берилган. Натижада услубий фализликлар, мантиқий номувофиқликлар бартараф этилган:

..түй ва ойин била олғон. Сочиқни келтурди.(1960, 80) ..түй ва ойин била олғон сочиқни келтурди.(2002, 47);

Аҳмад Ҳожибекнинг қиз набираси эди, Латиф бегим отлиқ Мирзодин сўнг..(1960, 76)—Аҳмад Ҳожибекнинг қиз набираси эди, Латифбегим отлиқ, мирзодин сўнг..(2002,45);

Аввалги нашрда ифодаланмай қолган ўринлар келтирилган: Бу сувлар тамом ях боғлабтур, бир иликча қалинлиги бўлғай(1960,325)—Бу сувлар тамом ях боғлабтур, агарчи хейли қалин эмас, бир иликча қалинлиги бўлғой(2002, 186);

..сўзлай олмади. Андоқ муқаррар..(1960, 329)—..сўзлай олмади, муқобалага ҳадемай мундоқ мускат сўзларга не дея ҳам олғай эди. Андоқ муқаррар..(2002,188)

Аввалги нашрда маъноси ноаниқ бўлган кўпгина сўзлар изоҳланган. Айрим сўзларнинг тўғри ўқилиши тушунчага ойдинлик киритган: насх таълиқ(1960, 72)—настъалиқ(2002, 42); имсоқ(1960,75)—имсок(2002, 44); мудаммиъ(1960,77)—мудаммағ(2002, 45); барзанд(1960, 79)—бар канад(2002,47); куруҳ(1960,187)—куруҳ(2002, 108); Милват(1960, 327)—Малўт(2002,187); Бажур(1960,189)—Бажавр(2002,19).

Янги нашрда транслитерация билан боғлиқ мулоҳазали ўринларнинг тузатилиши матн қийматини янада оширган. Масалан, аввалги нашрда Биҳархон—Баҳорхон, Аваг—Уд, киши—киши, хейли—хили, чамгаддар—чамагдор, матийла—мато, гилаҳрий—колоҳирий, лайар—нолир, жаъмун—жоман, асаър—исор, таанк—тонг,санк—сонг. Балбон—филбон, бузулуб—бурулуб, асир—ясири, кесим—кам, Муътади биҳ нима? —Муътабар нима? шаклида нотўғри ўқилгани мазмун—моҳиятнинг тўғри англанишига монелик қилган.

Порсо Шамсиев нашрида ўқилмай қолган айрим сўзлар янги нашрда ифодаланган: Ҳиндистон(гин) (Қозон босмасида “Ҳиндистон” сўзидан кейин .. . . сўзи бор. Лондон босмасида тўрт ҳарфли бошқа сўз бор, ўқилмади (187). Ҳиндистон матоъи бурда ва оқ рахм..(2002,108).

Асадаги афғонча,ҳиндча сўзлар табдилига жиддий эътибор берилган. “Бобурномада 450 яқин<sup>1</sup> ҳиндча сўз бўлиб уларнинг аниқ транслитерацияси берилган. Масалан: пашакаал, нувъл, куруҳ. Шу ўринда айтиш жойзки,

<sup>1</sup> А. Иброҳимов. Бобурнинг филбони бўлғанми? // “Тафаккур”, 2003, 1 –сон, 123 –бет.

*пашакаал* сўзи аввалги нашрда (1960) "пашкол" тарзида берилган. Бу сўз "Бобурнома"да 17 марта ишлатилган. "Пашкал" асарда аксарият ўринларда "ёмғир мавсуми" маъносини англатган. *Пашколга бу руг суви қалин келиб, Гагар сувига қотилиб, Сомона ва Саномга борурлар.* (332)

Баъзи ўринларда **ёмғир** тушунчасини ифодалаган: *Бу йил туэзга пашкол оз бўлғондир. Тор доманасидаги вилоятларда пашкол яхши бўлғондир.* (324)

"Ёмғир мавсуми" тушунчасини ифодаловчи *пашкол* сўзи Алишер Навоий асарларида ҳам шу шаклда қулланган. Бу сўзниг *пашакаал* тарзида транслитерация қилиниши ўзбек тилида бир оз сунъийлик түгдиради. Ёки *паҳар* нумеративи табдилини ҳам кузатайлик. Аксарият ўринларда кечанинг маълум қисмини ифодалайдиган *паҳар* қўшимча (эгалик қўшимчасини) олган ҳолларда Парсо Шамсиев нашрида(1960) фонетик ўзгаришга учраган кўринишда берилган: *Кечанинг уч паҳри бўла ёвущиб эдиким, хабар келтурдиларким..1960* (328). Янги нашрда айнан (фонетик ўзгаришга учрамаган ҳолда ) берилган: *Кечанинг уч паҳари бўла ёвущиб эдиким..(2002,188).*

Маълумки, ўзлашма сўзларнинг маълум қисми морфологик жиҳатдан ўзгарганда ўзбек тили талаффуз қонуниятларига буйсунади; *шаҳар-и-шаҳри, заҳар-и-заҳри*. Шунга асосланган ҳолда, *пашкал, паҳри* шаклларини маъқуллаш мумкин. Бобурнинг афғонча, ҳиндча сўзларни ўзбек тили талаффуз меъёrlарига мос шаклда ифодалагани ҳақиқатта яқинроқ.

Ушбу қўлланмада П.Шамсиев нашрига таянилди. Нашр асарнинг илмий танқидий матни (2002)га қиёсланди. Фонетик, лексик, грамматик фарқларни, нуқсонларни тузатишда янги (2002) нашрга асосланилди.

"Бобурнома" лексикаси кенг кўламдаги лексемалар тизимини ўз ичига олган. Асар лексикаси XV–XVI аср ўзбек адабий тили луғат бойлигини ифода этган. Шу билан бир қаторда Бобур фаолиятига боғлиқ тарзда афғонча, ҳиндча лексемалар акс этган.

Бобурнома лексикаси қомусий характерга эга. Асар лексикасида XV аср бошларида ижтимоий – сиёсий муҳит; ҳалқнинг яшаш тарзи, маънавий ҳаёти, урф – одат,

анъаналар, миллий қадриятлар; турли ижтимоий соҳаларга оид маълумотлар акс этган. "Бобурнома" лексикасини статистик, луғавий қатlam, мавзуй жиҳатдан, лексик – семантик хусусиятларига кўра тадқиқ этиш, шу асосда XV аср охири XVI аср бошларидағи ўзбек адабий тилининг лексик имкониятларини ёритиш, Бобурнинг поэтик маҳоратини, асарнинг илмий – амалий, маърифий қийматини белгилаш асар тилига бағишиланган тадқиқотларнинг бош мақсади ҳисобланади. Асар лексикасини тадқиқ қилишда қуийдаги вазифалар амалга оширилиши лозим:

- асар лексикасининг статистик ҳажмини аниқлаш;
- ўз қатlam ва ўзлашган қатlam нисбатини ёритиш;
- асар лексикасининг мавзу доирасини белгилаш; қомусий характеристини акс эттириш;
- ўзбек адабий тили тараққиётига оид лексик жиҳатларни умумлаштириш.

Асар лексикасини ўрганиш XV – XVI аср ўзбек адабий тилининг лексик хусусиятларини ўрганища, лексемаларнинг семантик – услубий имкониятларини ёритища; муаллифнинг сўз қўллаш маҳоратини ифодалаща; "Бобурнома" тилининг ўзига хослигини асослашда; мазмун – моҳиятини, илмий – амалий қийматини белгилашда муҳимdir.

## «БОБУРНОМА» ЛЕКСИКАСИННИГ МАВЗУЙ ГУРУҲЛАРИ

"Бобурнома" – тарихий – бадиий, ижтимоий қомус. Таржимонлар асарни XV аср охири XVI аср бошларида Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистонда юз берган ижтимоий – сиёсий воқеаликни аниқ тасвирловчи ҳужжат; ўша ҳудудларнинг географияси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, этнографияси ҳақидаги ишончли манба деб баҳоладилар<sup>1</sup>.

Бобур воқеаликни ўзига хос услубда ҳақоний тасвирлайди. Атрофидағи нарса – ҳодисаларга синчковлик билан ёндашади. Ҳар бир мавжудликнинг моҳиятига етишга интилади. Изоҳ, шарҳ, тасвир жараёнида ўз билим даражасини, дунёқарашини намоён эта боради. Шу тариқа асар қомусийлик характеристини касб этади. Бу қомусийлик

<sup>1</sup> Отажонов Н. "Бобурнома" жаҳон кезади Т., 1984, 31 – бет.

муаллифнинг теран ақл, идрок, кенг мушоҳада соҳиби эканлигидан далолат беради.

Асарда ўша давр мұхитининг көнтайтирилган картинаси яратилған. Бунда Бобур ифода тили сифатида түркій тиңдан фойдаланған. Түркій тил муаллиф маҳорати орқали бутун қирралари, үзига хос табиати, имкониятлари билан намоён бўлған. Асарда түркій тил билан бир қаторда форс—тожик, араб, ҳинд, мӯғул, житой тили элементлари кузатилади. Манбаларда айтилишича, “Бобурнома”да ураду тили элементлари ҳам мавжуд.<sup>1</sup>

Асар лексикаси ижтимоий соҳанинг барча қирраларига оид лексемаларни ўз ичига олган. Шулардан маълум қисмини номлар ташкил этади.

Номлар кенг маънода шахс, нарса — ҳодиса, буюм, воқелик атамалариди. Номлар ономастика (номшунослик)да ўрганилади. Ономастика грекча сўз бўлиб, onomastike — номлаш санъати демакдир<sup>2</sup>. Ономастиканинг мазмун моҳияти тадқиқотларда ёритилган<sup>3</sup>.

Асарда энг кўп учрайдиган номлардан бири киши исмлари — антропонимлардир.

### Антропонимлар

Кейинги йилларда номшунослик (ономастика) Ўрта Осиёда алоҳида тараққиёт босқичига кутарилиди. Ономастиканинг бир йўналиши ҳисобланған антропонимика соҳасида бир қатор ютуқларга эришилди. Айниқса, 1968 йилда Москвада ташкил этилган Бутуниттифоқ антропонимик олимлари йигинидан кейин бу борадаги тадқиқотлар купайди<sup>4</sup>.

Түркій ҳалқларда шахс отларини ўрганиш XIX асрнинг охири XX аср бошларида амалга оширила бошлаган<sup>5</sup> деб кўрсатилса да, унинг дастлабки илдизини Кошғарий

<sup>1</sup> Булук қомусий асар. “Бобурнома”, 2002, 20 – бет; Н.Отажонов “Бобурнома” жаҳон көзади, Т., 1934, 46 – бет

<sup>2</sup> Бегматов Э. Антропонимика узбекского языка. Автореферат. Канд.дис.-Т, 1965, стр.3

<sup>3</sup> Ономастика средней Азии.-М., 1978; В.Гиомицкий. Место ономастики среди других гуманитарных наук, “Вопросы языкоznания”, 1962, “2; Бегматов Э., Ҳусанов Н., Ёқубов Ш., Бокиев Б. Узбек тарихий ономастикаси ингил долзарб муаммолари // Узбек тили ва адабиёти, 1992, 5 – б – сонлар, 21 – 27 бетлари.

<sup>4</sup> Ономастика. Средней Азии.-М., 1978, 3-5.

<sup>5</sup> Бегматов Э. Антропонимика языка. Автореф. Канд. Дисс. 1965, стр 5

лугатидан, сўнгича эса "Шажарайи турк"дан қидириш мумкин. Антропонимикадаги дастлабки тадқиқотлар тарихий – этнографик характерда юзага келган. Антропонимларни лингвистик нуқтаи назардан ўрганишда Баскаков Н.А., А.Сатибалев, И.Кенесбаев, Г.Н. Жаркешова, Т.Жонузоқовларнинг хизмати катта<sup>1</sup>. Жонузоқов Т.Ж. қадимги туркий исмларнинг бой картотекасини яратди<sup>2</sup>.

Ўзбек тили антропонимикасининг ўзига хос табиати, этнолингвистик таҳлили, киши исмларнинг лексик – семантический хусусиятларини ёритишида Э. Бегматов алоҳида фаолият кўрсатди<sup>3</sup>.

Ўзбек антропонимикасининг тараққиёт жараёнини кузатиш, ўзига хос жиҳатларини ёритишида мумтоз манбалардаги антропонимларни таҳлил қилиш аҳамиятли. Айниқса, инсоният тарихида уйғониш даври билан қиёсланувчи XIV–XVI асрлар ёзма манбаларидағи антропонимлар ўзбек тили номлаш имкониятларини ёритишида муҳимдир. Бу давр ўзбек антропонимикаси, хусусан, XV аср адабий ёдгорликларидағи антропонимлар А.Рустамов, Э.Бегматов, Ё.Исҳоқов, Ш.Ёқубовлар томонидан маълум даражада ўрганилган. XV аср ўзбек антропонимикасининг асосий жиҳатлари Н.Хусанов ишларида атрофлича тадқиқ этилган<sup>4</sup>. Навоий асарлари антропонимикаси алоҳида тадқиқот обьекти сифатида таҳлил қилинган<sup>5</sup>.

Шунга қарамай, ўзбек тарихий ёдгорликлари тилидаги атоқли отлар маҳсус тадқиқ этилмаган (бу борада фақат Ш.Ёқубов диссертациясини кўрсатиш мумкин). XV – XVI аср ёзма ёдгорликлари, "Бобурнома" ономастикаси, хусусан антропонимикаси маҳсус ўрганилмаган. Зероки, "Бобурнома" XV – XVI аср ижтимоий – сиёсий муҳити, Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ономастикаси<sup>6</sup> акс этган

<sup>1</sup> Бегматов Э. Автореф. Стр 5

<sup>2</sup> Ономастика средней Азии -М., 1978, стр 4

<sup>3</sup> Бегматов Э. Антропонимика узбекского языка, Канд, дисс -Т., 1965.

<sup>4</sup> Хусанов Н. XV аср ўзбек ёзма ёдгорликлари тилидаги антропонимларнинг лексик – семантика ва услубий хусусиятлари. I китоб, – Т.Ёзунчи, 1996 йил, 125 –бет; II китоб, – Т. "Ёзувчи" 1997, 134 –бет; XV аср ўзбек адабий ёдгорликларидағи антропонимларнинг лексик – семантика ва услубий хусусиятлари. Докт. дисс. – Т., 2000.

<sup>5</sup> Ёқубов Ш. "Навоий асарлари" ономастикаси. Ном юд. дисс. Т., 1994.

<sup>6</sup> Ономастика термини 2 хил маънода: номшунослик (соҳа) ва номлар (киши исмлари; жой номлари, дарё, кўл номлари ва ҳ.к.). тушунчаларини ифодалаш учун қўлланди.

қимматли манбадир. "Бобурнома"да 1700га яқин антропоним учрайди.

Абдулазиз меросхўр, Умаршайх мирзо, Аловуддин Оламхон, Аҳмад Юсуф (ўқлоқчи). Бадиузвазмон мирзо, Бибан, Бойсунгур мирзо, Боқибек Чагониёний, Вайс Логарийбек, Жалолиддин Хисрав Кўкаaldoш, Асомиддин Қутлуққадам қоровул, Жалолиддин Ҳиндубек қавчин, Жаҳонгир мирзо, Зуннун Арғун, Маҳдий Ҳожа Мирзахон, Музаффар мирзо, Муҳаммад Али жанг – жанг, Муҳаммад замон Мирзо, Муҳаммад Султон мирзо, Шайбонийхон, Низомиддин Али халифа, Низомиддин Аҳмад Юсуф ўқлоқчи, Носир мирзо, Султон Абусайд мирзо, Султон Аҳмад мирзо, Аҳмад Танбал, Султон Аҳмадхон, Султон Маҳмудхон мирзо, Ҳусайн мирзо, Шамсуддин Муҳаммадий кўкаaldoш, Қанбар Али саллоҳ мӯғул, Қосимхон Қавчинбек, Ҳумоюн исмлари асар тилида нисбатан кўп қўлланган антропонимлардир.

Ўзбек тарихий антропонимиясининг таркибий қисмларидан бирини бадиий адабиёт матнида қўлланган ва инсон бадиий образини гавдалантирувчи исмлар ташкил этади. Бундай номларнинг бир туруги диний исмлардан, иккинчи гуруҳи ўтмишда яшаб ўтган реал шахслар исмидан, учинчи гуруҳи эса шоир ва адиллар томонидан бадиий восита мақсадида ижод қилинган атоқли отлар (бадиий исмлар)дан иборатdir.<sup>1</sup>

"Бобурнома"даги антропонимларнинг 90%и тарихий замондош шахслар исмларидир.

"Бобурнома"даги антропонимларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин (ажратища ўзбек антропонимикасидағи мавжуд гуруҳлаш мезонларига асосланилди)<sup>2</sup>.

I. **Лексик–семантик хусусиятларига кўра "Бобурнома"** антротопонимлари 1) диний антропонимлар, 2) реал шахслар исмига ажратилди.

**Диний антропонимларнинг XIV–XV аср адабий тилида** кенг тарқалишига ислом дини ва Қуръони Карим сабаб бўлган<sup>3</sup>. Асардаги диний антропонимлар қуйидагича: а)

<sup>1</sup> Ҳусанов Н. XV аср ўзбек адабий ёдгорликларидаги антропонимларнинг лексик – семантик ва услубий хусусиятлари. Докт. дисс. автореф. Т., 200, 9 – бет

<sup>2</sup> Антротопонимларни таҳдил қилишда Э Ҷегматов (1965), Н. Ҳусанов (2000) таснифларидан фойдаланилди.

<sup>3</sup> Н. Ҳусанов XV аср ўзбек адабий ёдгорликларидаги антропонимларнинг лексик – семантик ва услубий хусусиятлари. Т., 2000, 10 – бет

*пайғамбарлар исмлари:* Яъқуб, Мұҳаммад, Закариә, Ҳазрат Нуҳ; б) *пайғамбарлар яқинлари исми:* Ҳайдар, Ҳасан Ҳалифа, Имом Абу Ханифа; в) *авлиёлар исми:* Авлийөхон, Исҳоқ оти, Ламак, Лангаркон, Меҳтар лом, Ҳожа Аҳрор Вали, Ҳожа Калон, Ҳожа Мұҳаммад, Ҳожа Хизрий; в) *шайхлар исми:* Шайх Абдулло Барлос, Шайх Абдулфатх, Шайх Абулважд, Шайх Абу Мансур Мотурийд, Шайх Абусаъид Тархон, Шайх Абусаъидхон (Дармиён), Шайх Али барин, Шайх Вайс, Шайх Зайн, Шайхий каби (*шайх* нисбати билан 48 та антропоним келтирилган).

Диний антропонимларнинг аксарияти араб тили лексемаси ҳисобланади.

Шу ўринда "Бобурнома"даги пайғамбарлар ҳаёти, тарихига оид қызық маълумотлар ва шу асосдаги антропонимлар этимологиясига таалуқли фактлар борасида ҳам тұхталишни жоиз тоңдик. "Ҳазрат Нуҳ пайғамбарнинг отаси Меҳтар Ломнинг қабри Алишанг туманинада дебтурлар.. "коф" ўрунiga "ғайн" талаффуз құлурлар, бу жиҳаттін голибо бу вилоятни Ламкон дебтурлар". (133) Тавротнинг биринчи китоби "Ибтидо"да шундай дейилади: "Ламак" бир юз саксон ёшида бир ўғыл күргеди. .. ўғланинг исмини Нуҳ (яни юпанчик) қўйди"<sup>1</sup>. Бундан кўринадики, Меҳтар Лом ва Ламак бир шахсга (Нуҳ пайғамбарнинг отасига) мансуб бўлган антропонимлардир. Ламғон(от) ҳам Ламак сўзининг фонетик ўзгаришга учраган шаклидир.

Манбада Яъқуб, Закариә.. каби пайғамбарлар исми ҳам учрайди. Лекин асарда бу исмлар оддий шахсни билдирадиган антропоним сифатида келтирилган. Мумтоз бадий манбаларда кўп учрайдиган "бадий антропонимлар"<sup>2</sup> (Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун) ҳамда "тўқима исмлар" (Зайд, Боний, Нуъмон, Равшанак каби) "Бобурнома"да кузатилмади.

<sup>1</sup> Ҳусанов Н. Кўрсатилган манба, 12 – бет.

<sup>2</sup> Ҳусанов Н. Кўрсатилган манба, 20 – 24 бетлар.

Асар антропонимикасининг асосий қисмини *реал* (*ҳаёттй, тарихий*) шахслар исми ташкил этади. Тарихий шахслар исми қўйидагича:

- а) ҳукмдорлар исми;
- б) саркарда, лашкарошилар исми;
- в) маънавият ихлосмандлари, ижод аҳли исмлари;
- г) навкарлар исми;
- д) оддий ҳалқ вакиллари исми.

Тарихий (реал) шахслар исмини замон нуқтаи назаридан қўйидагиларга ажратиш мумкин:

а) *асар воқелиигидан олдин яшаб ўтган шахслар исми*: Амир Темур, Улуғбек Мирзо, Низомий, Шайх Саъдий Шерозий..;

б) *замондош (асар воқеалиги даврида ҳаёт бўлган)*, аммо *асар воқеаларига бевосита иштирок этмайдиган шахслар исми*: Алъамон, Навоий, Жомий..;

в) *асар воқелиигига бевосита иштирок этган шахслар исми*. Бундай исмлар асар антропонимикасининг 91%ини ташкил этади: Қосимбек, Аҳмад Танбал, Султон Маҳмуд Мирзо, Султон Ҳусайн Мирзо кабилар...

## II. Луғавий маъноси ва шаклланишига кўра антропонимлар қўйидагича изоҳланди:

1. Диний тушунча билан боғлиқ исмлар. Абдулазиз, Абдулали, Абдулбоқий, Абдулваҳҳоб, Абдулмансуҳ, Абдулқудус, Абдушшукур (Абду билан бошланувчи исмлар – 33 та). Бу исмлар оллоҳ сифатларига "абд" (арабча) ёки "қўл" (туркийча) элементларини қўшишдан ҳосил бўлган<sup>1</sup>. Бу элементлар оллоҳ сифатларига қўшилиб келган. Оллоҳнинг 99 сифати мавжуд бўлиб, "Асмои ҳусна" (Гузал исмлар)<sup>2</sup> деб юритилади. Оллоҳ сифатларидан ҳосил бўлган исмлар:

Абдулазиз, Абдулали, Абдулбоқий, Абдулваҳҳоб, Абдулкарим, Абдуллатиф, Абдулло, Абдулмансуҳ, Абдумалик, Абдухолиқбек, Абдулқудус, Абдулғаффор, Абдураззоқ, Абдураҳим, Абдураҳмоний, Абдушшукур, Абдулмуҳаммад.

Диний тушунча билан боғлиқ исмларнинг маълум қисми пайғамбарлар исмларицир: Айюб, Яъқуб, Иброҳим, Мавлоно Юсуф, Муҳаммад...каби.

<sup>1</sup> Қаранг: Бегматов Э. Антропонимика узбекского языка. Автореф. канд. дисс. – Т., 1965, стр. 8.

<sup>2</sup> Н. Ҳусанов. Докт.дисс. автореф. – Т., 2000, 10 – бет.

2.Халқнинг эътиқоди, дунёқарашини акс эттирувчи исмлар. Бир қатор исмлар диний—тотемистик характерда бўлиб, халқнинг муайян обьектга (худога, сувга, осмонга) сифинишини, эътиқодини ифодалаган: *Каримберди, Оллоберди, Тангриберди, Худойберди, Ўғонберди, Каримдоғ, Худойдоғ, Ҳақдоғ, Қодирберди, Оловеран, Халифадоғ.*

3.Шахснинг характер—хусусиятларини англатувчи исмлар: Баҳодурхон, Ахий, Аҳлий, Маъсума Султонбегим, Паҳлавон Бадаҳший (паҳлавон нисбаси билан келган исмлар 7 та), Раана Сангаайи кофир, Содиқ паҳлавон, Қобил.

4.Шахснинг таваллуд вақтини билдирган антропонимлар: Байрамхон, Байрам Султон..

Таркибида таҳаллус, лақаб, нисбалар мавжуд бўлган антропонимлар. Ўзбек тили тарихида ҳозирги шаклдаги фамилиялар бўлмаган. Ўтмишда киши исмига касб, лақаб, унвон кабиларни қўшиб айтиш кенг тарқалган. Фамилия шакллангунга қадар арабча кунялар (*ибн, бинни, бинти ва бошқ.*), шахсни туғилган жойи, насаби, фаолияти, касбига кўра характерловчи исми нисбалар қўлланган. Исмлар таркибида лақаб, нисба, касбни англатувчи сўзларнинг бўлиши кейинги даврларда (XVII—XIX асрларда) ҳам кўп кузатилади: *Худоёр девонбеги мангит, Хушхол парвоначи қатагон..* Бундай нисбаларнинг қўлланиши "Бобурнома"да ҳам акс этган<sup>1</sup>.

а) исмларга жой номлари қўшиб айтилган:

Али Сейистоний, Алихон Фармулий, Балхий Фолизкор, Беккина Вайс Логарий, Бобойи Кобулий, Бобойи Паргарий, Бобо Сайрамий, Бармал Идрий, Боқи Тошкандий, Боқибек Чагониёний, Дўст Сарипулий, Жалолхон Биҳархон Биҳарий, Жаъфархожа Чигатоий, Жаҳоншоҳ Мирзо Бороний, Қорақўйлуқ, Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳий, Або. Бакр дуғлат Кошғарий, Жомий, Машҳадий Мавлоно Сайиидий, Мавлоно Саъдуддин Тафтазоний, Малик Бусаъид Камарий, Бобо Сайрамий, Абобакр дуғлат Қошғарий, Аъзам Ҳумоюн Сарваний, Фурый, Андижоний, Баҳодурхон Сервоний, Боқибек Тошкандий, Боқибек Чагониёний, Дўст Сарипулий, Жаъфархожа Чигатоий, Жалол Тошкандий, Жалолхон Биҳархон Биҳарий, Жоми, Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳий,

<sup>1</sup> Ісламатов Э. Автореф.канд дисс., Т., 1965, стр. 11.

Манлоно Маҳмуд Форобий, Малик Бусаъид Камарий, Малик Шарқ, Маъруф Фармулий, Маргиноний, Маҳмудхон Нуҳоний Фозипурый, Мирзо Малвий қорлуқ, Мирим Логарий, Мир Сайид Али Ҳамадоний, Мир қули Сейистоний, Мулло Абдураҳмон Фазний, Мулло Биҳиштий, Мулло Қобойи Паргари (Пашғарий), Мулло Мирак Фаркатий, Мулло Муҳаммад Бадаҳший, Мулло Муҳаммад Паргари, Мулло Муҳаммад Туркистоний, Мулло Султон Али Машҳадий, Мусо Маъруф Фармулий, Мустафо Фармулий, Мустафо Румий, Муҳаммад Андижоний, Муҳаммад Ҳисорий, Низомиддин Пирқули Сейистоний, Пихи Гошёний, Равий Серваний, Савадий, Сайид Дақний Шерозий, Сайид Довуд Гармсерий, Сайид Машҳадий, Сайид Румий, Сайфий Бухорий, Санжар Мирзо Марвий, Сулаймон оқа Элчиён Ироқ, Сулаймон Фармулий, Султон Али Машҳадий, Султон Савадий, Султон Қайс Савадий, Султон Жалолиддин Шарқий, Султон Малик Кошғарий, Султон Маъсуд Кобулий, Султон Маҳмуд Фозий, Султон Музаффар Гужаратий, Султон тароҳи, Султон Шаҳобиддин Гурый, Султон Фиёсиiddин Гурый, Султон Ҳусайн Шарқий, Султон Ҳусайн Қоракўлий, Умид оғача Андижоний, Ферузхон Меватий, Ҳатиб Қарший, Хисрав Гогиёний, Ҳожа Мулла Муршид Ироқий, Ҳожа Насир Тусий, Ҳожа Паҳлавон Бадаҳший, Ҳудобаҳш Чигатой, Шайх Абу Мансур Мотуридий, Шайх Боязиդ Фармулий, Шайх Жамол Фармулий, Шайхзода Фармулий, Шайх Нуриддинбек Туркистоний, Шайх Саъдий Шерозий, Шоҳ Ҳусайн Камий, Қулика Кошғарий, Қутб Серваний, Фиёсиiddин Гурый, Ҳазораспий, Ҳайдар Али Бажаврий, Ҳисорий Қундузий, Ҳожи Фозий мангит, Ҳофиз Мирак, Ҳофиз Тошкандий, Ҳусайн оқо элчийи Сейистон.

б) табақа, насабни билдирувчи сифатлашли антропонимлар: Бегим Султон, Бека Султонбегим, Бек Вайс, Бика Султонбегим, Бикабегим, Абдулали тархон, Абдуллатиф мирзо, Абулмуҳсин мирзо, (мирзо сифатлаши билан 60та исм берилган; 60 тасида Мирзо исмдан кейин келган:), Бобур подшоҳ, Гадои Билол, Гадои Муҳаммад, Гадои тағойи, Дарвишбек тархон.

в) қасб-кор сифатлашли антропонимлар: Абдулазиз мироҳӯр, Абдулаҳҳоб шифовул, Абдукарим ашрит (эшкофа),

Абдулатиф бахши, Абдулла китобдор, Абдулло маснавийгүй, Абдурмалик қўрчи, Абдулғаффор тавочи, Абдурраҳим шиговул, Абдулмуҳаммад найзабоз, Абулфатҳ навкар, Абулқосим (хонанда), Абулқосим кўҳбур, Абулҳасан қўргеги, Абулҳасан қўрчи, Абу Юсуф аргун, Амин мирзо (элчи), Бек Муҳаммад таъмиқчи, Бек Телба эшикоға, Бешка Мирзойи итарчи, Бобо Али Эшикоға. Абдулқудус Кўҳбур, Атика бахши, Аҳмад парвоначи, Аҳмад Чошнигир, Аҳмад Юсуф (ўқлоқчи), Аҳмад ясовул, Аҳмад Қосим кўҳбур, Аҳмад қушчи, Аҳмад ҳожибек дўлдоӣ (Вафоий), Бобо Али эшикоға, Бобо Дўст сувчи, Бобоҷон ахтаки, Бобо Ясовул, Боқи мингбеги, Боқи шиговул (мингбеги), Вайс Логарийбек (туғчи), Вали хизоначи, Вали хозин, Давлатқадам қоровул, Дарвеш Али пиёда, Дарвеш Али китобдор, Дарвеш Муҳаммад сорбон, Жалолиддин Қутлуққадам қоровул, Жонибек Дўлдоӣ, Зуннун аргун, Иброҳим дўлдоӣ, Камол шарбатчи, Мавлоно Маснадий шоир (Мавлоно нисбаси билан 10 та исм келтирилган), Мазидбек аргун, Мақсад сувчи, Марғур девон, Мир Али мироҳӯр, Мир Али қўрчи, Мир Дарвеш Муҳаммад сарбон, Мир Жалолиддин муҳаддис, Мирзобек фарангигубоз, Мир Муҳаммад жолабон, Мир сангтарош, Мир Хурд баковул, Мулло китобдор, Мулло Муҳаммад музахҳиб, Мулло Гулом Ясовул, Мулло Ҳирий шоир, Мулло Ҳасан сарроф, Мурод қўрчи қажар, Муқим аргун, Муҳаммад Али бахши, Муҳаммад Али пиёда, Муҳаммад Али Ҳайдар рикобдор, Муҳаммад Амин жибачи, Муҳаммад бахши, Муизиддин Абдулазиз мироҳӯр, Муҳаммад дуғлат, Муҳаммад Мискин ҳофиз дўлдоӣ, Муҳаммад музахҳиб, Муҳаммад сорбон, Муҳаммад Ҳалил ахтабеги, Муҳаммад Шариф мунахжим, Муҳаммад Элчи Бўға, Муҳаммад қўрчи, Муҳаммад Ҳусайн дуғлат, Муҳаммад Ҳусайн қўрчи, Муҳсин (Соқий), Муҳсин дўлдоӣ, Мўмин Али тавочи, Неъмат аргун, Низомиддин Аҳмад Юсуф ўғлоқчи, Низомиддин Дарвеш Муҳаммад сарбон, Низомиддин Дўст эшик оға, Низомиддин Султон Муҳаммад бахши, Низомиддин Ҳожаги Асад хондор, Нурулло танбурчи, Оламхон Жалолхон жагҳат, Ота мироҳӯр, Пир Аҳмад аргун, Раҳмат пиёда, Сайдим Али дарбон, Сайид Муҳаммад мирзо дуғлат, Сайид табиб, Сайид ўқлоқчи, Сайид Юсуфбек ўқлоқчи, Сайид Ҳасан ўқлоқчи, Сулаймон оқа элчийи Ироқ, Сулаймон (навкар), Султон Али

аргун, Султон аргун, Султон Аҳмад Мирзо дүглат, Султон Аҳмад қоровул, Султон Аҳмад қози, Султон Маҳмуд дўлдай, Султон Мұхаммад аргун, Султон Мұхаммад бахши, Тағойи Шоҳ бахши, Тенгриберди сомончи, Тоҳирбек дўлдой, Тӯфон аргун, Уйғур Мунажжим (Мажам), Удий күштигир, Улуғ Авадий - күштигир, Урус аргун, Устоз Шоҳ Мұхаммад санғтарош, Устод Мұхаммад Амин жибачи, Фарруҳ аргун, Фозил Тархон, Ҳожа Асад хондор, Ҳожа Мұхаммад Али китобдор, Ҳожа Пир баковул, Ҳолвий пиёда, Ҳондамир муаррих, Ҳудойберди туғчи Темиртоший

г) насл – наасаб сифатланишли антропонимлар: Аббулаҳоб мұғул, Абдураҳмоний афғон, Абулфатҳ туркман, Абулқосим Жалойир, Али Мазид Қавчин, Али Саййид Мұғул, Асұқ Мал ҳинду, Аҳмад Таваккул барлос, Барлос Жики, Бек Мирак мұғул, Бек Мұхаммад мұғул, Бобо Қашқа мұғул, Бурундуқ Мұхаммад Барлос, Давлатқадам турк, Дэва ҳинду, Жалолиддин Шоҳ Мансур барлос, Жалолиддин Ҳиндубек қавчин, Жаҳонгир барлос, Жаҳонгир туркман, Иброҳим чигатой, Ислим барлос, Камолиддин қиёқ, Малик Али қовчин, Минглик Күкалдош, Мирак туркман, Мирзо Аҳмад Али форсий, Мирзо Малвий қорлуқ, Мирзашоҳ қавчин, Миршоҳ қавчин, Музaffer барлос, Мұхаммад Бурундуқ барлос, Мұхаммад Қосим арлот, Мұхаммад Қосим барлос, Мұхаммад Қули қавчин, Назар Али турк, Пирибек туркман, Пишағи мұғул, Раажа Бикрамажит ҳинду, Рениш ўзбак, Рустам Али туркман, Сангархон Жанжуҳа, Сангар қорлуқ, Саъд бин Ҳусайн туркман, Сулаймон туркман, Султон Али турк, Султон Аҳмад мұғул, Султон Жунайд барлос, Султон Санжар барлос, Суюндық туркман, Турди Мұхаммад қипчоқ, Тұламиш ўзбак, Ҳудойберди барлос, Чоку барлос, Чұлибеким туркман, Шайх Абдулло барлос, Шайх Шиҳобиддин араб, Шаҳбоз қорлуқ, Яқыуббек Оққүйлүк туркман, Үгонберди мұғул, Қайтмас туркман, Қосим Жалойир Ажаб, Қосим Султон ўзбак, Қутлуқ Мұхаммад барлос, Ғури барлос, Ҳамзабек қавчин, Ҳамзабек манғит, Ҳасан Али Жалойир, Ҳасан Барлос, Ҳиндей Мұғул, Жалолиддин Ҳиндубек қавчин, Ҳожи Фозий манғит, Ҳусайн Али Туфайлий жалойир, Иброҳим чигатой.

Насл – наасаб (миллат, уруғ)нинг антропоним таркибида берилиши XIX асрнинг охири XX аср бошларигача

*кузатилади: сарп Нодир Мұхаммедов, сарп Ибниямин сұғи Шейхов, сарп Юнусбай Юнусов<sup>1</sup>.*

Ўзбек тили табиатига хос номлашлардан бири лақаб құйишидір. Лақаблар этнография ва лингвистикада мұхим үрин тутады. Лақаблар ва нисбаларнинг табиати, үзиге хос жиҳатлари атрофлича ұрганилган<sup>1</sup>. Лақаблар кишилар ұртасидаги мұлоқот жараёнида юзага келган. Лақаблар таъсирчанлиги, аниқлиги натижасыда эмоционал – экспрессив қиймат касб этади. Лақаблар фольклор ифодаси, этнографиянинг мұхим объектларидан бири саналады. Лақаблар үтмишнинг күп жиҳатларини, жумладан, салбий хусусиятларни ҳам ифода этади. Лақаб – инсоннинг образлы тавсифидір. Улар кишилар характеристидаги фазилат ва құсурларни, шахснинг ожиз томонларини, күчсизлегини, жисмоний нұқсанларини ёки гүзаллігини акс эттиради.<sup>2</sup>

Ә.Бегматов лақаб ёки нисбаларни лексик – семантика хусусиятига күра ҳамда вазифаси жиҳатдан бир неча гурухға ажраттады<sup>3</sup>. "Бобурнома"да лақаб билан келган антропонимларни құйидағы ажратыш мүмкін:

а) шахснинг ташқи күрниши, жисмоний құвватини ифодаловчи лақаблар: Шайх Али баҳодир, Мұхаммад Ҳұмоюн баҳодир, Құл Ахмад оруқ.

б) нұқсан, камчиликтарни ифодаловчи лақаблар: жисмоний нұқсанни билдирувчи лақаблар: Мамоқ Султон, Мираки күр девон, Мұхаммад Қосым Бобо Қашқа, Султо Мұхаммад күса, Султонқули чиноқ, Халил девона, Шоҳ Мұхаммад девона, Қашқа Маҳмуд, Ҳұдойберди бүқоқ.

шахснинг маънавий дүнёсидаги салбий жиҳатларни ифодаловчи лақаблар Ҳақназар чапани.

Бир қатор исмлар ҳар хил семантика табиатдаги лақаблар билан келган: Мақсуд карқ, Мулло Модарзод, Мулло Сарсон, Мұхаммад Али жанг – жанг, Олачахон, Сайыйд Афзал (хоббин), Сайыйд Султон Али Хоббин, Халил чұхра дасторпеч, Хожа

<sup>1</sup> Бу ҳаңда қаранг: Бегматов Э. Номзодлик дисс. Автореф., 1965, 11 – бет.

<sup>2</sup> С. Ольденберг. "Лакамы- прозвища жителей городов Восточного Туркестана. Сборник музея антропологии и этнографии Российской академии.-Т. V , вып. I. 1918, стр. 95; Андреев М.С. Прозвища жителей различных селений в Матче (верховья р. Зарапшана). Доклады АН, 1924, октябрь-декабрь, стр. 173-176.

<sup>3</sup> Крыжановская С. Г. Ғабба-Яга или .. Фантомас (о прозвищах). В книге "Этническая ономастика -М., "Наука".1984, стр. 100-102

<sup>3</sup> Бегматов Э. Номзодлик дисс. Авторефрати.-Т.,1965, 14-бет.

Исмоил Хартанак, Хушкелди чалма, Шайх Бурҳониддин қилич, Шайх Муслиҳиддин (маслаҳат), Шоди бача, Шоҳ Бобойи белдор, Шоҳқули фижжакий, Мир Ҳусайн Муаммой, Мулло Мұжаммад Толиб Муаммой, Шиҳоб Муаммой, Қора Аҳмад юртчи, Қора Барлос, Қора Булут, Қосим Али тарёқий, Қосимбек Санбалий, Ҳасан декча Ахсикатий, Меҳтар Фаррош, Мир Иброҳим қонуний, Мирим, Мириմбек, Мирим девон, Мирим Логарий, Мирим Носир, Мирим Тархон, Мир Муртоз, Мир Мұғул, Мулло Бақойи, Мулло Биҳиштий, Абдулла алас, Мир Хурд алас, Аҳмад Муштоқ.

Баъзи исмларга құшилиб келган нисбалар қариндошлиқ, яқинлик тушунчаларини ифодалаган:

Абу Мұслим күкаaldoш, Али атка, Банда Али Ҳайдар күкаaldoш, Жалолиддин Ҳисрав Күкаaldoш, Минглик күкаaldoш, Мирзо Али Күкаaldoш, Мирзокули Күкаaldoш, Мұхаммад Али Күкаaldoш, Мұхаммадий Күкаaldoш, Мұхаммад Қосим набира, Нұён Күкаaldoш, Тулак күкаaldoш, Фозил Күкаaldoш, Ҳисрав Күкаaldoш, Ҳожа Маҳмуд Али атка, Шахид Дарвеш Күкаaldoш, Шоҳ Мазид күкаaldoш, Юсуф Али күкаaldoш, Құтлуқ Мұхаммад күкаaldoш, Құтлуқ ҳожа күкаaldoш, Ҳайдар күкаaldoш, Ҳасан набира, Ҳазрат волида.

Дұст, Дұст Ангу шайх, Дұстбек, Дұст Мұхаммад Бобо Қашқа, Дұст Мұхаммад Боқир, Дұст Мұхрдор, Дұст Носир, Дұст Носирбек, Дұст пиёда, Дұст Сарипулий, Дұст, Хованд, Дұст эшик оға, Дұст Ясин хайр.

Шириң төғайи, Ёрак төғайи, Мазид төғайи, Мирзобек төғайи, Мир Ғиёс төғайи, Мулло төғайи, Мұхаммад Дұст төғайи, Сайдибек төғайи, Шайх Али төғайи.

Айрим антропонимлар фақат лақаб еқи нисбалардан иборат (шахс исми берилмаган):

Балхий Фолизкор, Банголий, Амир Мұғул, Амочи Минди, Андижоний, Аргун, Асас, Бадахшый, Баённий, Бароқхон (Чингизий), Баҳлул, Баҳлул Мирзо, Баҳманий, Гадойи, Дарвешбек Тархон, Құқитий, Марғиноний, Маҳдумий, Маҳдий, Мир Санттарош, Ошиқ баковул, Соқий, Фақирий, Фироқий, Чалма, Қызил тавочи, Қисматий, Ҳалвочи тархон аргун, Бароқ Султон, Бүррон Султон, Дарвеш гов, Бүрон, Бұрка, Бұчка, (Бұжака).

Антропонимларнинг маълум қисми мұраккаб таркибли бўлиб, бир неча мазмундаги нисбалар билан келган:

Абобакр дуғлат Кошғарий, (Аъзам Ҳумоюн Сарваний), Али Дұст Мұхаммад тағойи, Али Мұхаммад тархон аргун, Аҳмад элчи

Бұға, Беги Султон оғача, Беккина Вайс Логарий, Бикромажиг ҳинду раажа, Бобо үғли Аллоқули Беран туркман, Давлат Татархон Юсуф хайл, Ёдгор мұхаммад Носир Мирзо, Жалолиддин Шоқ Ҳусайн Єракий мұғул фончи, Жаҳоншоҳ мирзо Бароний қорақүйлүқ, Жаҳоншоҳ ибн Чеку барлос, Жаҳонгир Туркман, Иброҳим чопуқ тағойи, Мұхаммад Мискин ҳофиз дүлдій, Мұхаммад Ҳусайн күрагон дүглат, Ошиқ Мұхаммад күкалдош аргун, Сайыйд Қосым эшик оға жалойир, Хожа Мұхаммад Али тағойи алас, Худойберди тұғчи Темиртоший, Шоқ Ҳусайн Єракий Мұғул фончи, Қанбар Али Саллоҳ Мұғул.

Асарда шахслар исмігә нисбатан берилған лақаблар, сифатлар, таҳаллуслар этимологияси ҳам изоҳланған. Масалан, Олачахон:...Султон Аҳмадхон эдиким, Олачахонға машұрдур. Олачахоннинг важғы тасмияси муни дерларким қалмоқ ва мұғил тили била ұлтурғучини "Олачи" дерлар. Қалмоқни неча қатла босиб, қалин кишисин қирғон учун Олачи де-де касрати истеммол била Олача бұлубтур. (БН, 69). Құринақи, Олачахон Бобур изоҳи бүйича "қаттол", "қотил" маъносидаги сүздір.

Бахши: Атика бахши отлиқ мұғул жарроғини ииборибтурлар. Мұғул эли жарроғни ҳам бахши ger. (БН, 165) Бахши атамаси шахснинг қасб – корига нисбатан қўйилған, унинг характер фаолиятини баҳоловчи сифатлашга айланған.

Дармиён: Яна Шайх Абдусаид дармиён эди. Билмон бу урушда миrzоға от келтурубмудур ё миrzоға қасд қилғон ғанимни дағъ қилибмудур, ул жиҳаттин бу лақаб била мұллақаб бұлубтур. (БН, 236) Дармиён "үртага, орага" демакдир.<sup>1</sup> Бобур мазкур лақаб билан сифатланған шахснинг ҳал қилювчи дамда (ғаним қасд қилғанда ёки Ҳусайн мирзо отсиз қолғанда) орага тушганини ("жонига оро кирганини") таъкидлайды.

Лақаб ёки нисба маълум даврларда расмий ном сифатида құлланған. Лақаблар сулолалар, шаҳарлар номига айланған (князь Андрюшка ковёр – князь ковровлар, Ковров шаҳри)<sup>2</sup>. Бундай ҳолат шарқ ҳалқарида ҳам учрайди. Айрим шахслар, мутафаккирлар айнан нисбалари билан шүҳрат топишган."Бобурнома"да келтирилған антропонимларда ҳам

<sup>1</sup> Навоий асарлари лугати. – Т., 1972, 236 – бет.

<sup>2</sup> Крыжановская С. Г. Баға Яға или .Фантомас ( о прозвищах). В книге "Этническая ономастика".- М.,"Наука", 1984,стр.100.

лақаб, сифатлаш ёки тахаллуснинг исм ҳолига айланганини кузатиш мумкин. Масалан: Мир Муртоз: “Яна Мир Муртоз эди, анинг учун бу лақаб била мулаққаб бўлубтурким, бисёр рўза тутар экандур. (БН, 240) **Муртоз** бадиий манбаларда “нафсини тийувчи, риёзат тортиб, ўзини қийновчи”<sup>1</sup> маъноларида ишлатилган. Бу нисба мазкур шахснинг асосан, нафсини тийишида ва рўза амалини бажаришида атрофидагилар эътиборини қозонганлиги натижасида берилган. **Муртоз** лексемаси семантикасида ижобий фазилатларга эга шахс қиёфаси ифодаланган.

Мулла Модарзод: Улуғбек мирзо замонидан ўн тўрт ёшидан дарс айтқон учун Мулло Модарзод дерлар экандурлар (БН, 240) **Модарзод** – “онадан түфма” маъносини ифодаловчи сўз<sup>2</sup> бўлиб, Муллозодаи Усмон (Ҳусайн Бойқаро замонидаги донишмандлардан) шахсига бу нисбатнинг берилиши унинг түфма истеъдод эгаси эканлигига ишорадир. Бобур мазкур шахснинг ижтиҳод (янгилик яратиш, диний масалаларда янги усул – қоидалар излаб топиш даражасига етганлигини, қовий ҳофизаси (эсда сақлаш қувваси<sup>3</sup>, қобилияти) олий мақомда эканлигини эътироф этади.

Мақсад карк: Бир овда Мақсуг отлиқ чуҳранинг отини шохи била бир найза бўйи ташлади. Бу жиҳаттин Мақсуг каркка мулаққаб бўлди. (БН, 345)

Ҳаст: ...эл ва улусининг оти малик ҳаст эди, асли оти Асагдур. Ҳингустонийлар мундоқ ҳаракатларни тоҳу сокин ўқурлар, нечукким, “хабар”ни “хабр” дерлар, “асаг”ни “асг” дебтурлар, бора–бора “ҳаст” бўлубтур (БН, 289)

Асарда тахаллуслар этимологияси ҳам берилган: Осафий: Яна Осафий эди, вазирзода учун Осафий тахаллус қилибтур. (БН, 241) Бу тахаллус шахснинг насл – насиби, мансаб – мартабасига мувофиқ ҳолда танланган.

III. Антропонимларнинг луғавий қатламга кўра таснифи. Асар антропонимлари туркий, арабий, эроний, ҳиндий ва мўғул тилларига мансуб. Арабча исмлар борасида юқорида қисман тўхтаб ўтилди. Қуйида туркий ва ҳиндча исмлар келтирилди:

<sup>1</sup> Кўрсатилган луғат, 419 – бет.

<sup>2</sup> Навоий асарлари луғати. – Т., 1972, 395 – бет.

<sup>3</sup> Кўрсатилган луғат, 778 – бет.

Туркий исмлар қўйидагича: Амир Темур, Бобойи, Бобоқули (Бобо нисбаси билан 20 та исм кетирилган), Бойқаро, Боқи, Боқибек, Боқи мингбеги, Боқи шиговул, Бурундуқ, Бўрка, Бўрон, Бўрон Султон, Бўчка (Бўжака) Дуст, Дўсткелди, Дўстбек (Дўст нисбаси билан 13 та исм келтирилган), Дўст Ясин хайр, Жоник, Жонали, Жонибек атка, Жонбобохон Жуҳа Султон (Жон нисбаси билан 6 та исм берилган), Йилибарс Султон, Йесун Тува, Йўлчуқ (Тўпчук), Кал Қошиқ, Катта, Каттабек, Каттабек Қисмтой, Катта Моҳ, Кепа, Кепакбий, КепакМирзо, Кетин Қара, Кепак Султон, Кичик Али, Кичикбегим, Кичик Боқи девон, Кичик Мирзо, Кичик Хожа, Кичик хон, Кичик Хон додам, Кичкина тунқатар, Кулол, Кўкий, Кўчумхон, Маликқули, Малик Қосим Кўкий, Марғубқул, Минглибий, Минглик Кўкалдош, Мулло ёрак, Мўгулбек, Мўгулёрак тоғайи, Мутугон, (Низомиддин) Турдивек, Ота Мироҳур, Сайди Қаро, Сайди Қорабек, Султон Илик Мози, Султон, Қуличоқ, Сунбул қули, Суюндуқ туркман, Суюнчукхон, Суорғитмиш, Тезак кичик, Темурбек, Тангриберди, Тенгриқулибек, Тенгриқули пишаги мўғул, Тонготмиш Султон, Тўлак, Турдивек, Турдика, Турсун, Туғлуқ, Тўқаҳинду, Тўламиш ўзбак, Тўлун Хожабек, Тўхта Бўға Султон, Тўқабек, Тўқбой, Улуғбек, Улуғхон, Худойберди, Худойбердивек, Хушкелди, Чақмоқбек, Чингизхон, Чигатойхон, Чопуқ, Чўлибеким, Шерак, Шерали, Шерхон, Эсан Буғахон, Эгу Солим, Эгу Темурбек, Эсан давлатбеким, Эсан Темур Султон, Эсанқули Султон, Янгибек кўкалдош, Ўзбекхон, Ўрта Бўға тархон, Ўрдушоҳ, Ўғонберди мўғул, Қайтмас турк, Қаро Аҳмад Юртчи, Қаро Барлос, Қаро Булат, Қарокўзбеким, Қароча Султон, Қарочахон, Қароқўзи, Қизил товочи, Қорлуғоч бахши, Қулбобо, Қутлуққадам, Қутлуқ Хожа Кўкалдош, Қутуқбеким, Кўч аргун, Кўчбек, Кўч Ҳайдар Қосим, Ғури Барлос.

Катта, Каттабек, Каттабек Қисмтой, Катта Моҳ, Кичик Али, Кичикбек, Кичикбегим, Кичик боқи девона, Кичик Мирзо, Кичик Моҳ, Кўкий, Малик Қосим Кўкий, Оқбеким, Оқбуғабек, Оққўйлуқ, Сайди, Қори Сайди Қорабек, Узун Ҳасан, Оққўйлуқ, Қоракўзбеким, Қора Қулат, Қорача, Султон, Қоражон, Қорақўзи, Кўчимхон (Султон Кўчинчи).

“Бобурнома”да 66 та ҳиндча исм берилган бўлиб, улар жами ҳиндча сўзларнинг 16,1 фоизини ташкил этади. Ҳиндча исмлар асарда ҳаммаси бўлиб 219 марта учрайди. “Бобурнома”даги ҳиндча антропонимларни этимонига кўра икки гуружга ажратиш мумкин: 1. Соф ҳиндча сўзлар асосидаги антропонимлар<sup>1</sup>: Асўк (Мал Ҳинду), Басант Рав, Руп Нарайан, Лўдий Бибан,

<sup>1</sup> Иброҳимов А. “Бобурнома”даги ҳиндча сўзлар. – Т., 2002, 124 – бет.

Бикрамажит Ҳинду раажа, Бирийм Дэв, Малиҳас, Бирсинг Дэв, Биҳархон, Баҳжатхон, Бибан, Дарбанраай, Дангурсий, Дилпат раай, Дарманкат, Дэв Чавҳан, Дэва ҳинду, Дэва, Дуду, Дӯвахон, Дҳарам Дэв, Жармал Парам Дэв, Карамсинг, Карамчанд, Маникчанд Чанд, Ман Синг, Нрипат Ҳара, Падмаватий, Раажа Бикам Дэв, Раажа Бикрамажит Ҳинди, Раажа Бикам Чанд, Раажа Ман Синг, Равжа Руп Нарайан, Раажа Синг Дэв, Раана, Раана Сангаа, Равол Удай Синг Багорий, Равуй Серваний, Раай Синг, Раай Чандарбан, Ратансен, Ҳаатий Гаккар каби.

2. Таркибида "мусулмонча" унсур бўлган сўзлар асосидаги антропонимлар: Биҳар Мирзо, Маҳмудхон Лўдий, Қосим Санбалий, Шайх Гурэн каби.

Инглиз тарихчиси Эльфинстон айтганидек: "Бобур гавдалантирган ҳар қайси тарихий шахс қиёфаси, кийими, қилиғи шундай батофсиш ва ҳаққоний тасвирланганни, уни ўқиганга гўёки шу одамлар орасига яшагандаи бўламиз ҳамда уларнинг сиймоси билан характерини ҳам билиб оламиз".

"Бобурнома" антропонимикасини ўрганиш қўйидаги хуросаларни беради:

— асар тилида XV—XVI асрларда фаол қўлланган антропонимлар ишлатилган. Антропонимларнинг аксарияти арабча исмлардир. Буни, юқорида таъкидланганидек, ислом динига бўлган эътиқод билан изоҳлаш мумкин. Асар тилидаги антропонимларни ўрганиш XV—XVI аср ўзбек тили антропонимикасига оид қўйидаги хуросаларни беради:

— бу давр антропонимикасида араб тилига оид диний, илоҳий исмлар кўп учрайди. Бундай антропонимларнинг асосий қисмини оллоҳ сифатлари билан боғлиқ исмлар ташкил этади;

— бу давр антропонимикасида қадимги туркий исмлар ҳам қўлланган: Қутлуғ, Дарёхон, Йилбарс, Қораҳон, Қулибек, Қулбобо.

## Топонимлар

Топонимлар, яъни жой номларини ўрганиш, таҳлил этиши, лексик — семантик хусусиятларини аниқлаш топонимиканинг асосий вазифасидир. Ўзбек топонимикаси кейинги йилларда бир қатор ютуқларни қўлга киритди. Топонимиканинг назарий ва амалий масалалари Э.М. Мурзаев, В.А.Никонов, А.И.Попов, В.А.Жучкевич,

А.В.Сусперанская, Х.Ҳасанов, А.П.Дульzon, З.Дўсимон, Үринбоев, С.қораев, Т.Нафасов, Н.Охунов, Ё Ҳўжамбердин, М. Рамазановалар тадқиқотида ўз ифодасини топди. Шунга қарамай, топонимикада ҳал қилиниши лозим бўлған масалалар ҳали анчагина. Жумладан, номшуносликнинг амалий муаммолари ҳақида гап кетар экан, ўзбек топонимлари имлоси мутлақо тадқиқ қилинмаганини алоҳида қайд этишга тўғри келади. Ўзбекистон ҳудудидаги топонимларнинг имло луғати яратилмаган. Бадий асарлар тилидаги топонимларнинг маъно жиҳатлари, услубий – семантик хусусиятлари маҳсус тадқиқ этилмаган.

Кейинги йилларда топонимларни этимологик тадқиқ этиш, уларнинг апеллятивларини аниқлаш ва шу асосда таснифлашга доир изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада бадий асар матнида қўлланган топонимларни тадқиқ этишнинг алоҳида ўрни бор.

«Бобурнома» лексикасидағи топонимларни қўйидағича изоҳлаш мумкин.

Топонимлар ифодалаган обьекти ҳажмига кўра иккига ажратилди: Макротопонимлар ва микротопонимлар.(Жой номлари) топоним ифодалаган обьектнинг ҳажмий хусусиятига кўра: *макротопоним*; *микротопонимга*; 2) топоним ифодалаган обьектнинг характеристига кўра : *оиконим*, *полисоним*, *ороним*, *агрооним*, *дромонимларга*; 3) топоним асосидаги сўзнинг маъно ва мазмунига кўра: *этнотопоним*, *антротопоним*, *фитотопоним*, *зоотопоним*, *касб–ҳунар номи асосидаги топонимларга* ажратилди.

**Макротопонимлар:** асар тилида ҳажман энг катта ҳудудий ифодаловчи топонимлар Ҳиндистон, Кобул (вилояти), Хурсон ҳисобланади. Хурсон 52 Ўринда қўлланган. Ҳиндистон 30 га яқин ўринда ишлатилган. Макротопонимлар қўйидағича:

1) **мамлакат номлари:** Арабистон, Афғонистон, Хурсон, Ҳиндистон, Ироқ, Мовароуннаҳр, Мўғилистон, Рум, Туркистон.

Олайлик ўрчини, Работак Ўрчини, Работи Сарҳанг Ўрчини, Малва вилояти, Меват вилояти, Миён вилояти, Раприй парганаси, Хатлон вилояти, Канбой навоҳиси, Карнуд вилояти, Кармана вилояти, Коҳмурд вилояти,

**Жакийи парганаси, Жасвал парганаси , Калпий вилояти, Шамсөбод парганаси.**

**2) вилоят номлари:** Андижон, Астробод, Бадахшон, Байана, Бажавр, Балх, Бангаш, Гармсер, Гвалийар, Дизак, Жакийн, Жасвал, Жүнпур, Зомин, Исфара , Карнуд, Кобул, Коҳвард, Малва, Марғинон, Меват, Миён, Мандиш, Олайлик ўрчини, Паклий, Ҳашангар вилояти, Работак, Савад, Самана, Самарқанд, Саран, Секрий, Тарнуқ, Татта, Тошканд, Ургут, Хузор, Қандаҳор, Қаниуж, Қарши, Қоракӯл, Қоратегин, Қундуз, Фазни, Фурбанд, Ҳаатий Гаккар, Арий, Гурам.

**3) шаҳар номлари:** Абапур, Абун кенти, Адуса, Кўйил, Работи Рўзақ, Тижора , Тирмиз, Уштур, Ҳалилия, Ҳудак, Шаҳрисабз, Кўлба, гайн, Кўйил қасабаси, Лотканд кенти , Муҳаммд Оға кенти, Порандий кенти, Работи Рўзақ кенти, Самарқанд, кенти.

"Шаҳар" тушунчаси асарда кент, қасаба, қасабача, шаҳар терминлари билан ифодаланган.

"Туман" тушунчасини ифодалаш учун навоҳи термини ҳам қўлланган.

**4)туман номлари:** Вағжон, Лаҳугар, Мандировар , Нингнаҳор, Нагаргор, Нижров, Нургил, Ойтүғди, Панҷхир, Тарнов, Фон, Харгирд, Шовдор, Души, Кунор, Лаҳугар. Мандировар, Суғд, Фармул.

**5)бўлук номлари:** Аласой, Бадров, Исфара, Кома.

Баъзи топонимлар мамлакат, вилоят, шаҳар, туман номларини ифодалаб келган: Кобул, Кобул вилояти, Ҳурсон, Ҳурсон вилояти, Ҳурсон мамолики, Ҳурсон салтанати, Самарқанд, Самрқанд вилояти, Самарқанд доруғалиғи, Самарқанд шаҳри, Самарқанд қўргони, Андижон, Андижон вилояти, Андижон қалъаси, Андижон қўргони, Андижон руди, Андижон суви каби.

**Микротопонимлар қўйидагича:**

**1) қўргон номлари:** Ажар, Архиён, Асфидак, Байана, Васманд, Гвалийар, Жина, Кобул, Малӯт, Поп, Работи, Ҳожа, Самарқанд, Санбал, Сўнгак, Таҳангур, Ҳожа Дийдор, Чандерий, Чина, Чунар, Шероз, Қарши, Қундуз, Ғўрий.

**2) қўруқ номлари:** Або, Бўдана, Обёр.

**3) дара номлари:** Илон ўтти, Ажар, Камруд, Пашигром, Пичгон, Пуройин, Санжиқ, Сар.

**4) домана номлари:** Анбаркӯҳ, Гулбаҳор.

- 5) **күтал номлари:** Анбаҳир, Бодипич, Бозарак, Гумбазак, Деибри (Дири), Нирх, Порандий, Сангдакий, Сижкованд, Сири тоқ, Тату, Ҳавок, Шибарту, Қипчоқ, Қора кўба, Ҳафтбача, Ҳиндукуш,
- 6) **қалъа номлари:** Андижон, Бажавр, Кобул, Кўрара, Олақўргон, Рантанбўр, Шовдор, Қандахор, Гўри; иморат номи: Бадалгар
- 7) **гузар номлари:** Аҳар, Билва, Карки, Килиф, Кўнор, Нилоб, Тўққуз ўлум гузарлари, Чоржу, Чўпара, Ҳалдий.
- 8) **тош номи:** Байана
- 9) **жулга номлари:** Бажавр, Зурмат жилғаси.
- 10) **ҳовуз номи:** Баҳжатхон
- 11) **ёқа номи:** Борон.
- 12) **ёз номи (яйлов маънисида):** Борон.
- 13) **туз (дала, дашт) номлари:** Борон, Сеёрон, Хасбон, Шайх, Каттавоз тузи, Оқар тузи, Чоштуба дашти.
- 14) **бог номлари:** Бинафша, Беҳишт, Бўлду, Вафо, Дилкушо, Жаҳоноро, Зарафшон, Зоғон, Зубайда, Калон, Майдон, Нав, Наврузий, Назаргоҳ, Подшоҳий, Сафиид, Сафо, Фатҳ, Хиёбон, Хилват, Чанор, Жамол, Хум, Шаҳр, Юрунчқа, Зарафшон, Мулло бобо, Назаргоҳ, Халифа, Хон мирзо, Боготи Хум, Чанор, Алишербек.
- 15) **яйлоқ номи:** Бўрка
- 16) **сада номи:** Варсак
- 17) **хиёбон номи:** Гозургоҳ
- 18) **дарвоза номлари:** Гозуристон, Мирзо, Мошур, Оҳанин, Сўзангарон, Феруза, Ҳалжий, Ҳоқон, Чармгарон, Чорраҳа, Шайхзода, Шаҳр.
- 19) **танги номлари:** Деварин, Даҳи Яъқуб
- 20) **ўланг номлари:** Деварин, Каҳроҷ, Комард, Қўли Мағок, Нишин, Оқсанарой, Родагон (Зодгон), Сияҳсанг, Сўнг қўргон, Тепа, Чолок, Якка, Якчириғ, Қорабоғ, Қушкона, Қўлба, Қўш Нодир
- 21) **доловон номлари:** Жигдалик, Итик, Кондирлик, Муҳаммад Пих, Заррин, Оқкўтал, Сири тоқ, Хайбар
- 22) **чўл номи:** Зардак
- 23) **хонақолар номи:** Ихлосия
- 24) **ҳазора номлари:** Кадий
- 25) **водий номлари:** Каттавоз
- 26) **арк номлари:** Кобул

- 27) **Лаҳур холисоти, Ламата қанди.**
- 28) **мақбаралар:** Мавлоно Абдураҳмон Жомий, Пир Кону Мозори, Шайх Зайниддин мозори, Қудсия (мозор), Абдували Биллурый (мақбара)
- 29)**масжидлар:** Масжиди Жомеъ, Масжиди Жавзо, Масжиди Муқаттаъ, Масжиди Лақлаقا, Хожа Хизр.
- 30)**кўприк номлари:** Мирзо, Мулло Бобо, Муҳаммад Чаб, Чўпон, Қутлуққадам, Султон Аҳмад мирзонинг ҳазираси, Султоннинг равзаси, Темурбек лангари, Темурия салотини, Толор чамани, Тошканд бузуғлуги, Балиат жути, Турок (Тўлак) чарбоги, Хожа Хизр қадамгоҳи, Хон юрти, Хурохон чуҳра чегараси, Эски кўшк, Қора работ, Қутлуққадам гўрхонаси, Багйаллар юрти
- 31) **мадрасалар номи:** Улугбек, "Халосия", Шайхулислом
- 32) **пушталар номи:** Якланға қарға булоқ, Қорбуғ.

Топонимлар ифодаланган · объекти характерига кўра (қандай ва қайси типдаги обьектнинг атоқли оти эканлигини англатишига кўра) қўйидагича гуруҳланди.

- 1) **оронимлар** (грекча: орос тог): Андароб, Бадахшон тоғлари, Бажавр тоғлари, Бангаш тоғлари, Барий , Бароқхўр, Баракистон, Дарайи зиндан, Еттиқент, Кашмир тоғлари, Кўҳзак, Кўҳбачча, Кўхи Жуд, Кўхи Меҳтар Сулаймон, Кўхи Сафид, Кўҳтан Мандов, Меҳтар Сулаймон, Мурғоб Нижров тоғлари, Оббурдан, Туроб, Сеёрон тоғлари, Секрий тоғлари, Улуғ тоги (Олғу тоги), Хайбар тоғлари, Хатлон тоғлари, Чандерий тоғлари, Шовдор (шоҳдор) Тоги, Ҳазара тоғлари, Ҳиндикӯш Тоги, Анбаркўҳ, Кўхи Гуломон, Кўхи Малик, Кўхи Меҳтар Сулаймон, Мурғон тоги.

- 2) **гидронимлар** (грекча гидро – сув): Айламиш дарёси, Алангар дарёси, Аму дарёси, Банас (дарё), Баҳат суйи, Мурғоб суйи.

Али Масжид суви, Андароб суйи, Аринд суйи, Арк суйи, Аҳси суйи, Алангар руди, Бажавр суйи, Балхоб суйи, Бангаш руди, Баҳжатхон завзи, Бетвий суйи, Бийаҳ суйи, Бичок руди. Бобоқаро чашмаси, Бадолк чашмаси, Бора суйи, Боир об, Бурхон пур, бурҳонпур дарёси, Гамбийр суйи, Гандак суйи, Ганг дарёси. Ярим Чашма, Гулбаҳор Суйи, Гургон Суйи, Гўйи Суйи, Гумол Гўлети, Дуғоба Суйи, Жўйи Инжил, Жўйи Шоҳий, Исталиф Суйи, Каварий Суйи, Камруд Руди, Кармана Суйи, Качакот. Кишин Суйи, Кобул Суйи (Кони обгир?), Кунар Суйи, Кўкча Суйи, Кўҳзак Суйи, Маллухон Ҳафзи, Оби Истода, Оби Борон,

Оби Раҳмат, Оби Дара, Обихон, Панд Кўра, Паравон Суйи, Пан Сару, Рави Суйи, Сават Суйи, Сайхун (Сирдарё), Санг Суйи, Сару Ҷарё, Савад Суйи, Сару Суйи, Сеҳон Суйи, Сун Суйи, Сурх Руд, Сувон Суйи, Тўс Суйи, Тутундара Суви, Хатлон Суйи, Ҳожа Ҳизр Руди, Ҳоқон Ариғи, Ҳўжанд Суйи, Шанбал Дарёси, Чандовал Руди, Гарм Чашма

3) **дромонимлар** (грекча дромос – ўул): Арчакент, Банди солор, Бобо лўли, Бозор, Бурка Яйлоқи, Дарвоза йўли, Майдон, Майдони Рустам, Нағар, Параван, Панияли, Пора, Сиялкот, Сир тоқ, Тошработ, Шибарту, Қандаҳор, Итмак довони, Майдони Рустам йўли

Топонимлар апеллятиви характеристига (ёки маъноси, қандай сўзлар асосида шаклланганига) кўра қуийдагича гуруҳланди:

- 1) **этнотопонимлар**: Дарвозаи қипчоқ, Уйғур
- 2) **антротопонимлар**: Алиобод, Алишербек, Баҳжадхон, (ҳавзи), Беҳзодий, Биби Моҳрӯй, Бобо Илоҳий Бобо Лўли, Йўли, Бозори Малик, Валиён, Боги зубайда Дарвозаи Ферузобод, Даҳи Яқуб.
- 3) **фитотопонимлар**: Боги Бинафша.
- 4) **зоотопонимлар**: Бўдана қўйруғи, Боги Загон, Йилончиқ, Илон ўти, Карк, карки гузари, Кирмон (кирм ф. қурт – чувалчанг
- 5) **касб–ҳунар номлари асосидаги топонимлар**: Алангар , Бижанагар, Гурзивон, Оҳангарон, Чармгарон.

Объектнинг жойлашиш ўринини билдирувчи апеллятивлар асосидаги топонимлар: Андароб (сув ичидা) , Андарий, Арчакент, Қанд, Бандиёр, Бешкент, Бобохоний, Бодипеч (ўрама шамол), Бодомчашма, Бозор, Бомиён, Борик об (ф.ингичка сув), Борон (ф.ёмғир), Бора суйи (бора:ф.I қалъа девори, II ф. от, улов), Бомиён (уртасида), Боги Биҳишт, Боги Вафо, Боги Дилкушо, Боги Сафиқ, Боги Калон, Боги Нав, Боги Подшоҳий, Боги Хилват, Бўрка Яйлоқи (Бўрка – кичик кўл), Бўстонсаро, Валиён (авлиёлар), Гармсер (иклими иссиқ мамлакат) вилояти, Гармчашма, Гунбази Чаман, Гўспандлиёр, Дандоншикан (тиш синдирувчи), Дарайи Бом (ф.том дараси), Дарайи Газ (юлғун – йилгин дараси) Дарайи Занг, Дарайи Зиндан, Дарайи Кунар, Дарайи Нур, Дарайи Сўф, Дарвозайи Хуш, Дарайи Хурда (майда, кўринмас), Ёнбулоқ, Зардак чўл (сариқ), Иничка, Камарий, Конигил (гил – лой, балчиқ), Кўксарой, Кўҳбачча, Масжиди

Муқатталь, Масжиди Лақлақа, Миён вилояти, Миёни дуоб, Билган, Билмурий, Навканд, Олатоғ.

Нарса – буюм номларидан шаклланган топоним; Жом (қадаҳ).

Илоҳий номлардан шаклланган топонимлар: Жүйи Инжил, Каъба, Шохайл.

«Бобурнома»да айрим топонимлар этимологиясини урганишга доир муҳим маълумотлар ҳам берилган. Қўйида муаллифнинг топонимлар шаклланишига оид мулоҳазалари борасида тўхталамиз.

### **1) вилоят, шаҳар, шуман номлари этикологияси.**

Карши: Қарши мӯгулча оттур, гўрхонани мӯгул тили била қарши дерлар. Қарши бошқа манбаларда “қалъа”, “сарой Ламкон” маъносидаги туркий сўз сифатида изоҳланган<sup>1</sup>.

Кашмир: ...Ҳиндустон элидин мунча таҳқиқ ва тафтиш қилилди, ҳеч ким бу тавоийифдин таҳқиқ хабар айти олмади. Ушмунча дейдурларким, бу тоғ элини Кас дерлар. Ҳотирға еттиким, Ҳиндустон эли “шин”ни “син” талаффуз қилур.(БН,342)

Хотийпул: Шарқ соёиги зилъининг буржида Ҳотийпулдир. Филни “ҳотий” дерлар, гарвозани “пул”. Бу гарвозанинг чиқишига бир филнинг суратини мужассам қилибтурлар. Бу жиҳаттин “Ҳотийпул” дерлар. (БН,413).

Ламғонот вилоятининг номланишини Бобур Ҳазрат Нуҳ пайғамбарнинг отаси Меҳтар Лом исми билан боғлади: Ҳазрат Нуҳ пайғамбарнинг отаси Меҳтар Ломнинг қабри Алишанг туманингадур. Баъзи тарихта Меҳтар Ломни Ламак дебтурлар... баъзи маҳал “коф” ўрнига “ғайн” талаффуз қилурлар, бу жиҳаттин ғолибо бу вилоятни Ламғон дебтурлар. (БН,191). Бу тариқа номлаш Равза топоними изоҳида ҳам кузатилади: Султон Маҳмуднинг қабри Фазнининг маҳаллотидагурким, султон қабри анда учун Равза дерлар (БН, 196). Равза бу ўринда мажозий маънода “муқаддас қабр, азиз авлиёлар қабри”<sup>2</sup> тушунчасини англатади;

<sup>1</sup> Фазылов Э. Староузбекский язык (Хорезмийские памятники XIV века.-Т.,1971, стр.604

<sup>2</sup> Навоий асарлари лугати. – Т.,1972, 517 – бет.

**2) төглар номи этимологияси.** Күхи Сафиәд. *Түккүз* рүг ушбу төгдин чиқар, бу төгдин қор ҳаргиз үксумас. Бу жиҳаттдин ғолибо Құхи Сафиәд дөрлар (БН, 190). Үксумас – "камаймоқ", "озаймоқ" мәньносидаги сүз<sup>1</sup>. Демак, "бу төгдин қор ҳаргиз камаймас". Төг бошида мудом қор бұлғаны боис Құхи Сафиәд – "Оқ төг" деб ном олган.

**Күхи Жуд:**.. бир ота наслидин икки хил эл бор. Бирини жуд ва бирини жанжуха дөрлар.. Бу төгни жудқа мансуб қилиб, Құхи Жуд дебтурлар. (БН, 289)

**Саволак парбат:** Бу төгни Ҳинг зели Саволак парбат дөрлар, ҳинг тили била "саво" – рубъ, "лак" – юз минг, "парбат" – төг, яғни рубъ ва юз минг төгкім, юз йигирма беш минг төг бұлғай. (БН, 343)

**3) төгли құдуулардагы үтиш үйли номлари этимологияси.**

**Гүспандлиёр:** Құйчи ва чүпон гоҳи гала ва рамани бу үйл ва танғи била индуурүр учун бу үйлни Гүспандлиёр дөр замишлар. (БН, 207). *Гала* – тұда, түп. Ҳайвонлар, жонзотларға нисбатан ишлатилади. *Рама* – гала, тұда<sup>2</sup>. Бу йүлдан қүй (ва әчкілар) үтказилиши боис Гүспандлиёр (гүсфанд "қүй" демак) деб номланған.

**4) дашт, сақро номлари этимологияси:** Ходарвеш: Дерлар ким, бир неча дарвеш бу бодияда тунғ елга йұлуқуб, бир–бирини тополмай, "Хо, дарвеш", "Хо, дарвеш" де–де қалок бұлубдурлар, андин бері бу бодияни Ҳодарвеш дөрлар (БН, 62).

**5) дарё, аңдор, сув ҳавзалари номи этимологияси** Сеёрон... төгнінг тубида чашма воқыт бұлубтур. Хожа Сеёрон дөрлар... бу чашманың атрофида уч нау дараҳтлардур... Дерларким, бу уч жинс дараҳт уч азизнінг кароматидур. Сеёронға важқи тасмия муни дөрлар. (БН, 194). Сеёрон уч авлиё кароматига нисбат берилған атамадир. ("се" – уч, "ёрон" биродарлар).

**6) иморат, масжиә номлари этимологияси.** Лаклақа:... масжиди Лаклақа дөрлар. Бу гүмбазнінг үртасидагы ерга тепсалар тамом лақ – лақ ун келур...(БН, 106).

<sup>1</sup> Күрсатылған лүгат, 718 – бет.

Күрсатылған лүгат, 521 – бет

**Лақлақа** масжид биносининг (мўъжизакор) сифатига асосланган атамадир.

Бу мулоҳазалар асосан ҳалқ этимологиясига таянса—да, баъзи топонимик тадқиқотларга манба сифатида хизмат қилиши шубҳасиз.

### **Маъмурий–ҳудудий бўлинишни ифодаловчи лексемалар**

"Бобурнома"да эски ўзбек адабий тилининг ўзига хос хусусиятлари акс этган. Асарда XV–XVI асрлардаги ижитимоий–сиёсий ҳаётнинг муҳим жиҳатлари ифодаланган.. Жумладан, маъмурий–ҳудудий бўлинишни ифодаловчи 50га яқин термин келтирилган.

Маъмурий–ҳудудий бўлиниш тарихи мулкчилик шаклланган даврга боғланади. Мулк турлари ажрала борган сари маълум ҳудудлар ҳам мулкий кўриниш тарзида тақсимлана бошлаган. Маъмурий–ҳудудий бирликларни номлашда муайян жойнинг хусусиятлари(маъмура, вилоят); кишилик жамиятидаги ўрни(қишлоқ, яйлов); истиқомат қилувчиларнинг хос жиҳатлари(масалан, миқдори – туман; яшаш тарзи – юрт, эл)..кабилар назарда тутилган. Туркий ҳалқларга хос маъмурий–ҳудудий терминларнинг шаклланиш тарихи Маҳмуд Кошгарий девонида, ДТС(Древнетюркский словарь)да, Э.Севортян, Э.Фозилов, Замахшарий , Л.Будагов лугатларида, Абу Хайён, Г.Дёрфер, Дж.Клосон, В.Бартольд, Б.Владимирцов, Фёдоров – Давыдов, Б.Греков, А.К.Боровков, Т.А.Бертағаев, И.Кормушин тадқиқотларида изоҳланган. Мазкур кузатишларда маъмурий–ҳудудий терминларнинг муайян лексемалар семантик тараққиёти натижасида шакллангани ёритилган<sup>1</sup>.

Маъмурий–ҳудудий терминларнинг лексик – семантик хусусиятларини таҳлил этища "Бобурнома" лексикасининг алоҳида ўрни бор. Асар тилида қўлланган терминлар лексик – семантик жиҳатдан ўзаро фарқланади. Уларни қўйидагича гурухлаш мумкин:

- 1.XV – XVI асрларда кенг истеъмолда бўлган терминлар.
- 2.XV – XVI асрлар лексикасида кам учрайдиган терминлар.

<sup>1</sup> Дадабоев Ҳ. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в поркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв.-Т.,1991, стр. 14-21.

Күйидаги терминлар XV–XVI асрларда кенг истеъмол қилинган (мазкур терминларнинг бир қатор манбаларда учраши шундан далолат беради).

**Маъмур**—обод шаҳар, мамлакат<sup>1</sup>. "Обод" маъносидаги арабча **маъмур**<sup>2</sup> лексемаси семантикасида метонимик маъно кўчиши натижасида юзага келган. **Маъмур** Навоий асарларида "шаҳар", "мамлакат" маъноларида қўлланган. "Бобурнома"да ҳам шу тушунчаларни ифодалаган: *Маъмуранинг канорасига воқиъ бўлубтур* (БН, 59) жумласида маъмурга "шаҳар", "мамлакат" маъноларида ишлатилган. Шу ўринда "обод шаҳар", "жой" семаси ҳам англашилади. Қўруқ сойнинг оёғи қора туни мен маъмур қилгурдим (БН, 190) каби ўринларда "шаҳар" тушунчасини ифодалаган.

**Вилоят**—бир мамлакатнинг катта бир маъмурий бўлаги, музофот: *Баниш вилоятини жулду бердим* (БН, 71). **Вилоятнинг** ҳудудий жиҳатдан улкан бўлинмани ифодалалиши "Бобурнома"даги қўйидаги жумлада ўз ифодасини топган: *Агарчи Бажур ва Савод ва Паршовар ва Ҳашанғар бурун Кобул тавобидин экандур, бу тарихда афғон қавми жиҳатидин баъзи бузулуб, баъзиси афғонга кирибтур. вилоятлиги қолмабтур* (БН, 189). Ушбу матний парчада баъзи вилоятчаларнинг чиқиб кетиши ёки вайрон бўлиши оқибатида вилоят терминига мос объект кўламининг торайиши натижасида юзага келган маконнинг "вилоятлиги қолмаган"лиги таъкидланган. **Вилоят** терминининг катта кўламдаги маконни ифодалалиши унинг маълум даврларда "давлат" тушунчасида қўлманилишига имкон яратган.

**Вилоят** терминининг XI асрларда "давлат", XIV аср манбаларида эса ҳозирги маънода ("область" маъносида) кенг истеъмолда бўлганлиги маълум<sup>3</sup>. "Бобурнома"да яна бир маънода қўлланган: *Вилояти ўн тўрт тумандур* (БН, 189). Кобул таърифида мазкур жумлада **вилоят** "таркиб" тушунчасини ифодалаган.

Сўғд тилига хос **кент** лексемаси "Бобурнома"да ҳам "катта қишлоқ" маъносида ишлатилган:... *бир йиғоч йўл йўқтурким, кент ва маъмурга бўлмагай* (БН, 108). Манбаларда

<sup>1</sup> Навоий асарлари луғати.-Т., 1972, 379-бет

<sup>2</sup> Фазылов Э. Староузбекский язык.- II ,Т.,1971 стр. 58

<sup>3</sup> Дадабеев Ҳ. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв.-Т.,1991 ғир 18.

шаҳар маъносида келтирилган кэнд сўзи ҳам учрайди<sup>1</sup>. "Бобурнома"да шаҳар маъносидаги кент (кэнд) сўзи кам қўлланган.

Қишлоқ термини эса ҳозирдагидан фарқли ўлароқ, асл лугавий маъносида келган, яъни "қишлиайдиган уй, макон" тушунчасини англатган: бир қўргонга қишлоқ солмоқ керак... Неча кун қишлоқи уйлар тайёр бўлғунча ўлангда ўлтурулди(БН,103). Қишлоқ қыш<sup>2</sup> отидан -ла қўшимчасини қўшиб ясалган қышла- феълига -ғ қўшимчасини қўшишдан ҳосил бўлган; "аҳолиси ёзда далаларга кетиб, қишда қайтиб келиб яшайдиган жой" маъносини англаттан. Ҳозирда аҳолиси асосан қишлоқ хўжалиги билан шугулланадиган яшаш жойини билдиради<sup>3</sup>.

Туман- уезд, район<sup>4</sup>. "Ун минг" сонини ифодаловчи туман сўзи семантикасида метонимик маъно кўчиши натижасида шаклланган<sup>5</sup>: Яна Лахугар туманиур.(БН, 195) Турк – мўгул умумасосига бориб тақалувчи туман Чингизхон ҳукмронлиги даврида истеъмолга кирган бўлиб, XVIII асртагача қўлланиб келган<sup>6</sup>. Туман "бирники мингта, мингники туманга", "соғлигинг – туман бойлигинг" мақолларида ва "тумонот одам" бирикмалари таркибида сақланиб қолган<sup>7</sup>. XX аср охирида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши муносабати билан (вилоят термини ҳам) қайта тикланди.

Юрт (йурт)- ер, мамлакат<sup>8</sup>. Йурт – аҳоли яшаб турган жой, ўлка. Бу от қадимги туркий тилда "бир жойдан иккинчи бир жойга ҳаракатлан –" маъносини англатувчи йоры феълининг йур- шаклидан -т қўшимчаси орқали ясалган. Асли "кўчманчи қабилага қарашли ерлар" маъносини англаттан бўлиб, "аҳоли яшайдиган жой" маъноси ўтроқ ҳаёт кечириш бошлангандан кейин юзага келган<sup>9</sup>. "Бобурнома"да "макон", "жой" маъноларини ифодалаган: Ушбу йуртлардин

<sup>1</sup> Кошгариј Мәхмуд. Девону луготит турк. III жилд. – Т., 329 – бет.

<sup>2</sup> Фазылов Э. Староузбекский язык. II. 1971, стр. 1.

<sup>3</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг қисқа этимологик лугати. IV қисм. – Т., 1999, 105 – бет.

<sup>4</sup> Навоий асарлари лугати. – Т., 1972, 310 – бет.

<sup>5</sup> Қаранг: Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг қисқа этимологик лугати. III қисм. – Т., 1999, 123 – бет.

<sup>6</sup> Дадабоев Ҳ. Кўрсатилган манба, 18 – 19 – йоталар.

<sup>7</sup> Тўйчибоеv Б. Ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари. – Т., 1996, 103 – бет.

<sup>8</sup> Дадабоев Ҳ. Кўрсатилган манба, 15 – бет.

<sup>9</sup> Қаранг: Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг қисқа этимологик лугати. III қисм. – Т., 1999, 123 – бет

чекерик элининг отлари қола бошлади. (БН,210); Чумполидан ўтуб тушган юртта улоқсизлиқдин мениниг хиргоҳим ҳам қолди. (БН,210).

"Бобурнома"да туманга синоним тарзда вилоятчи ўрчин,—паргана терминлари қўлланган: Самарқанд, Бухоро ва яна бу навоҳига вилоятчаларниким, бир улуф вилоят тахшиға бўлғай, туман дерлар. Ва Андижон ва Кошғар ва ул ораға ўрчин ва Ҳингустонга паргана дерлар. (БН,189)

Асарда ўша давр лексикасиға хос бўлган **شاҳар**, **эл**,**юрт**, **улус**, **салтанат**, **пойтахт**, **навоҳи**, **маҳаллот** сингари бир қатор маъмурӣ – ҳудудий терминлар учрайди. Шу билан бирга манбаларда кам кузатиладиган (бу ҳол терминларнинг ўша давр лексикасида кам ишлатилганидан далолат беради) атамалар ҳам қўлланган. Ўрчин, қасаба, қасабача, вилоятча, бўлук, ятулдек каби терминлар нисбатан кам қўлланган.

Ўрчин термини "юқорилик", "баландлик", "қия баландлик" маъноларидаги ўр сўзидан шакланган. Одатда тепалик, баландликда жойлашган "қароргоҳ, лагерь" маъносидаги ўрду термини ҳам шу асосга боғланади.

Ўрчин баъзи ўринларда **кент**, **навоҳи** ("мамлакат" маъносидаги **ноҳиянинг кўплиги**) атамалари билан биргалиқда келган. Сарҳанг ўрчини кентларида Оби Хон деган ерга туштик(БН,125); Хўқон ўрчин навоҳисига келди(БН,81). Бу ўринда ўрчин жойни сифатловчи вазифада келиб, атама таркибида қўлланган.

Қадимги туркий тил ва эски ўзбек адабий тил даврларида "вилоят" маъносига қўлланган **эл**<sup>1</sup> сўзи "Бобурнома"да айни маънода ишлатилмаган, асарнинг айрим ўринларида келиб, "халқ" тушунчасини ифодалаган.

**Бўлук** – вилоят, шаҳар атрофи, туман, катта қишлоқ,<sup>2</sup>"Бобурнома"да "катта қишлоқ" маъносини англассатган: *Бу вилоят беш туман ва икки бўлукдур.*(БН, 189); Кома бўлукига..(БН,191)."Бўлук" бўл – "бўлакларга ажрат –" феълига – к от ясовчи қўшимчасини қўшиш орқали ҳосил қилинган. **Бўлук** термини ҳудудий чегаралаш натижасида шакланган: **бўлук** –"бўлак, бўлинган жой, ер"( бўлукда сингармонизм қонунияти ифодаланган).

Карант: Кошғарий Маҳмуд Девону ауготит турк. I . – Т., 1960, 83 – бет; Дадабоев Ҳ. Кўрсатилган манба, 16 – б.

Навоий асарлари аугати. – Т.,1972,135 – бет.

Асарда **бўлук** шаҳардан кенгроқ маънони ифодалаган: Исфара вилояти тўрт бўлук кўҳлоядур(БН,61). Баъзи ўринларда бўлук кентга синоним бўлиб келган: Яна бир бўлук Чагонсаройдур, бир кенттур, мұхаққақ ердур.(БН,192)

Навоий асарларида бўлук 1) вилоят, шаҳар атрофи, туман, котта қишлоқ; 2) тўға; гуруҳ маъноларида қўлланган<sup>1</sup>.

"Бобурнома"да жулга(тот этаги, тот оралиғи; ўтлоқ), домана(тот этаги), бўртоглиқ (Fagirp—будирлик, нотекислик), пушта(текислик), гун("жулга"нинг ҳинг тилидаги номланиши), танг(тотнинг тор йўли), яканоз, ўланг, дашт, узурма, секиртма, сардарра, ҳамвор, сумж, журутма, обкан, жар, иниш, қулла, гардана, ҳазора, рак добон каби жойни сифатлаш асосида шаклланган атамалар ҳам қўлланган. Бу атамалар ўша даврда маъмурий—ҳудудий бўлинишнинг энг кичик кўринишларини ҳам номловчи лексемалар мавжуд бўлганидан далолат беради.

"Бобурнома"да қўлланган маъмурий—ҳудудий бўлинишни ифодаловчи терминларни кузатар эканмиз, эски ўзбек адабий тили лексикасида фаол ҳисобланган терминлар билан бир қаторда фақат Бобур ижодига хос оккозионал терминлар<sup>2</sup> ни ҳам учратиш мумкин. Маъмурий—ҳудудий бўлиниш тушунчасини ифодаловчи қасабача, вилоятча, кентгина, паргана, ятулдек атамалари: узурма, секиртма, сардарра, журутма, ҳамвор каби жой—маконни сифатловчи лексик бирликлар Бобур ижодига хос бўлиб, бошқа эски ўзбек адабий тили манбаларида учрамайди. Яго деган кент ва яна бир кентгина бор.(БН,159) (бу ўринда кентгина "қишлоқча" маъносида келган)..бекларга ва йигитларга баъзисига ятулдек берилди(БН,204) Ятулдек — доимий эгаллаш учун бағишланган ер<sup>3</sup> бўлиб, Бобур бу сўзни "подшоҳнинг яқинларига доимий фойдаланиш учун бериладиган ер—сув" маъосидаги **суюрғол**<sup>4</sup> термини ўрнида қўллаган.

<sup>1</sup> Навоий асарлари лугати. — Т., 135 — бет.

<sup>2</sup> Мазкур терминларнинг бошқа манбаларда кузатилмаганлиги шундай холосага келиш учун асос бўлди.

<sup>3</sup> Назарова Х. Бобир ва ўзбек адабий тили. — Т., 1971, 28 — бет.

<sup>4</sup> Навоий асарлари лугати. — Т., 1972, 577 — бет.

Бобур төг этагидаги жойларни "күҳпоя", тик қияликини "учма", нотекис йўлларни "секиртма" атамалари билан номлаган.

Юқоридаги терминлар таҳлили шуни кўрсатадики, "Бобурнома" асарининг тили XV–XVI асрларга хос маъмурӣ – ҳудудий бўлинишни ифодаловчи лексемалар табиатини ўрганишда ҳам аҳамиятлидир.

### Тиббий терминлар

"Бобурнома" да ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига оид сўзлар акс этган. Бу муаллиф дунёқарashi кенглиги, қизиқувчалиги, фикрлаш салоҳиятининг теранлиги билан белгиланади.

Асар лексикасида фаол ўрин тутувчи ижтимоий соҳа лексемаларидан бири тиббий атамалардир .

Табобат илми шарқда азал – азалдан тараққий этган. Ибн Сино тараққиётiga мұхим ҳисса қўшган мазкур соҳа маънавий – ижтимоий мерос сифатида ҳалқимиз ҳаётiga тарихи қадар сингиб кетган. Ҳалқ табобати, унинг амалий аҳамияти, муайян тажрибага асосланганлиги ҳайратланарли маълумотларга бой. Табобат илми, унинг тараққиёти, ӯзига хос жиҳатлари илмий асосда таҳдил қилинган<sup>1</sup>. Ибн Синонинг "Тиб қонунлари" ҳозирги замон медицинаси учун ҳам дастурламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Бобур тиббиётта, табибларга алоҳида эътибор билан қараган. Бу ҳолат, даставвал, шахсий эҳтиёжи туфайли, деб баҳоланса, сўнгича, ҳукмдорнинг истеъдодли шахсларга давлат арбоби сифатидаги муносабатидан келиб чиқади. Бобур машҳур табибларни саройга чорлатади. "Бобурнома"да "мусаввиди авроқ" (номаълум котиб) тилидан айтилган шундай жумлалар бор: *Мавлоно Юсуфи(й) табибким, ани Хурросондин тилатиб эрдилар, набз (томир) кўрмог(гин) ва ташхис қилмоғ анинг иши эрди.*(БН) Бобур Юсуфий (ибн Муҳаммад ибн Юсуф ат – табиб ал Ҳиравий) билан Афғонистонда танишади. Ҳиндистонни эгаллагач, хат йўллаб Юсуфийни чақириб олади. Кейинчалик, Бобурнинг

<sup>1</sup> Ҳакимлар ҳикояти. – Т. 1982, 1985; Табобат дурдоналари. – Т., 1990; Ҳасаний М., Каримова С. Навоий даври табобати. – Т., 1991; Табобат ҳизинаси дурдоналаридан. – Т., 1987.

хос табибига айланган, табобат, одоб — ахлоқ, инишо саънатига оид 21та асар ёзган Юсуфий 1530 йилда Бобур ҳасталанганда унга аatab ""Қасида дар ҳифзи сиҳҳат"" (Соғлиқни сақлаш хакида қасида) рисоласини ёзган. (Бобур вафот этәётганида ҳам Юсуфий унинг бошида турган<sup>1</sup>. Бобурнинг тиббиётга муносабатида Юсуфий каби табибларнинг ўрни беқиёс. Бобурнинг тиббий билимга эга бўлишида унинг табиблар билан мулоқоти муҳим аҳамият касб этади. Бобурнинг тиббиётга доир мулоҳазалари "Бобурнома"да ўз ифодасини топган. Бобур табибларнинг фаолияти, даволаш усуллари ҳақида фикр юритади. Жумладан, оёғидаги ўқ ярасини даволаган табиб ҳақида шундай ёзади: Ярамни боққали Атика баҳши отпиқ мӯғул жарроҳини ийборибтурлар. Мӯғул эли жарроҳни ҳам баҳши дер. Жарроҳликта бисёр ҳозиқ эди. Кишининг мағзи чиқса, дору берур эди. Илдиздин ҳар турлук яра бўлса эди, осон муолажа қилур эди. Баъзи жарроҳатка малҳамдек дору қўяр эди, баъзи ярага дору берар эди. (БН, 166) Бобур Атика табибининг синган, майдаланиб кетган суюклар ўрнига доруни ун қилиб солиб, яна ўз ҳолига қайтиш даражасида даволашини "вилоят"<sup>2</sup> жарроҳлари андоқ мудаводин ожиздурулар" деб баҳолайди.

"Бобурнома"да ўша давр лексикасига оид бир қатор касаллик номлари кайд этилган.

Обила — чечак<sup>3</sup>. Касалликка карши эмлаш тадбирлари оммалашмаган ўша даврда обила ёмон оқибатларга олиб келган. .. Зайнаб Султонбегим .. икки — уч йилдин сўнг обила заҳмати била оламдин борди. (КН, 83); Хожа Абдулло Марворий "фосиқ ва бебок эди, фисқнинг шоматидин обила маразига гирифтор бўлиб, ушбу балийя била — ўқ оламдин нақл қилди" (БН, 237). Бобур ушбу касалликни кишининг ноҳуш, ахлоқсизлиги (фисқи), ҳаёсизлиги (бебоклиги) учун берилган илоҳий жазо сифатида баҳолайди.

Обила касаллиги ҳалқ орасида "қизамиқ" атамаси билан маҳур. Касалликнинг номланиши унинг белгилари билан боғланади: қизил тошмаларнинг тошиши — қизамиқ чечак.

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Тибби Юсуфий. — Т., 1998

<sup>2</sup> Навоий асарлари луғати. — Т., 1972, 476 — бет.

<sup>3</sup> Кўрсатилган луғат. 3/9 — бет.

**Мафосил** – бўғим зирқираш касали<sup>1</sup>. Ҳозирги ревматизм. Мафосил заҳмати жиҳатидан намоз қила олмас эди(БН,222).

**Саъб қуёңг** – фалажнинг бир кўриниши. Рамазон ойининг ўн учида манга – саъб қуёңг ташвиши булди, андоқум кирк кунгача мени бўёндин – ул ёнга киши эвурур эди ( БН, 220)

**Зоча** – оғир хасталик. Ўшал фаросатта – ўқ “зоча” заҳмати била тенгри раҳматига борди (БН,76)

“Бобурнома”даги тиббий атамаларни ўрганиш касаллик тарихи ва сабабларини ўрганишда ўзига хос аҳамият касб этади.

### Мансаб–марtaba билдирувчи лексемалар

Таъкидланганидек, асар лексикаси мавзу жиҳатдан хилма – хил бўлиб, XV – XVI асрлардаги ижтимоий соҳаларнинг деярли барчасини қамраб олган. Ундаги эски ўзбек адабий тилига хос муҳим лексик жиҳатларни акс эттирувчи мавзуй гуруҳлардан бири мансаб – марtaba ифодаловчи лексемалардир.

Мансаб – марtaba билдирувчи лексемалар ўзига хос тараққиёт босқичига эга. Мансаб – марtaba сўзларининг шаклланиш жараёни умумий тенгсизлик кучайган ва табақаланиш юзага келган даврларга боғланади. Мансаб – марtaba лексикасининг шаклланиш ва тараққиёт хусусиятлари Кошфарий лугатида Г. Дёрфер, И. Березин, Греков, Л. Будагов, Ханыков, Н. Баскаков, В. Бартольд тадқиқотларида ёритилган. Ҳ. Дадабоев XI – XIV асрлар туркий ёзма ёдгорликлар тилидаги мансаб – марtaba сўзларини маҳсус тадқиқ қилган.<sup>2</sup>

“Бобурнома”да XV – XVI асрларда фаол қўлланган мансаб – марtaba сўзлари акс этган. Булар: ировул, қоровул, чигдовул, бек, аргун, кўхбур, доруға, элчи, юртчи, эшик ихтиёри, садр, қушбеги, куштиғир, қўрбеги, бек отоглиқ, туғчи, қовғунчи, сардор, кутвол, қуллуқчи, тавочи,

<sup>1</sup> Кўрсатилган лугат, 379 – бўт.

<sup>2</sup> Дадабоев Ҳ. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркскоязычных письменных памятниках XI-XIV вв- Т., 1991 с. 42-59

муҳассил, хожа, арбоб, штарчи, тархон, рукни аъзам, мубашишир, бек атка, рой, рожа, ғончи, роно, эшик оғо, чоғдовул, чопқунчи, бошлиқ, буронғор, жавонғор, гул, барин, ўғлоқчи, аймоқ, баковул бовурчи кабилардир.

Қуида шу терминлардан айримлари борасида фикр юритамиз.

**Түгчи** – "байроқдор" тушунчасини ифодалаган: *Худайберди түгчи...*(БН, 164). Түгчи түғ боялагуча, фурсат бўлмади, түғни илигига олиб – ўқ, отланди. (БН, 164).

Түғ – мато (парда, ниқоб)<sup>1</sup> маъносидаги сўз. Түғ ҳар қандай мато ёки пардани эмас, балки рамзга, махсус белтига ишора қиливчи обьектни ифодалайди. Түғ юздаги ниқобни ифодал **Халқ сифатлашлари, иборалари этиномологияси**. аганда "шарм – ҳаё", "иффат" рамзи англашилиб туради: Тақы муборак илги бирлэ йузумдэги түғни кетэрди тақы йузумны силэди (НФ, 776,2).<sup>2</sup> Түғ байроқ тушунчасини ифодалаганда маълум бир қўшин, элат, миллатнинг белгиси, рамзини билдиради. Түғ сўзини "хоннинг муҳри" маъносидаги туғраф (МК, 1, 430), "герб, давлат нишонаси, подшоҳнинг ёрлиқ, фармон ва қарорлари ёзилган қоғоз (нинг) – тепасига туширилган махсус белги" маъносидаги туғро (Навоий асарлари лугати, 619) сўзлариға боғлаш, мумкин. Туғро сўзини М. Кошғарий "ўғузча" дейди; Навоий асарлари лугати (1972)да "арабча" деб берилган. "Тамға", "белги" маъносидаги **туғраф** **тамға, нишон, муҳр** терминларига синоним тарзда қўлланган. Эски ўзбек адабий тили манбаларида **туғра** шаклида учрайди.<sup>2</sup>

Бартольд мазкур терминнинг салжуқийлар ҳамда усмонли турклар томонидан қўллангани ва Ўрта Осиёга маълум бўлмаганилиги ҳақида фикр билдирган. Ҳ. Дадабоев, аксинча, терминнинг нафақат Ўрта Осиёда, балки Хурросонда ҳам машҳур бўлганини таъкидлайди. Бу терминнинг Навоий, Бобур асарларида учраши шундан далолатdir.

Айрим манбаларда **түгчи** "барабанчи" маъносида қўлланган.<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Фазылов Э. Староузбекский язык. II. 1971. стр. 418

<sup>2</sup> Фазылов Э. Кўрсатилган манба. 418 – бет

<sup>3</sup> Дадабоев Ҳ. Кўрсатилган манба, 30 – 31 бетлар.

<sup>4</sup> Дадабоев Ҳ. Кўрсатилган манба, 43 – 6.

Бобур "Худойберди түгчиким, риоят қилиб бек қилиб эдим (БН, 128) дейди. Шу жумлада бекнинг түгчига нисбатан юқори мартаба эканлиги англашилади."

**Бек** – шаҳар ёки вилоят ҳукмдори, юқори мартабали амалдор... Бу сўз қадимги туркӣ тиlda **бег** тарзида ишлатилган бўлиб, "катта", "йирик" каби маъноларни англатган; маъно тараққиёти натижасида сифат отта айланган; г ундоши к га алмашган;<sup>1</sup> бэг – вилоят ҳукмдори, ҳоким сўзига синоним ҳисобланади.<sup>2</sup> Ҳозирги буюк сўзининг асоси бег га боғланади.

...Хоннинг улуф риоят қилғон begi эди. (БН, 129).

"Бобурнома"да **бек** иштирокидаги( бек билан алоқадор ) **бек атка, бек атоглиқ** терминлари учрайди.

**Бек атка** – ...Аҳмадбекким хоннинг ўғли Султон Мухаммаднинг бек аткаси эди. (БН, 129).

**Бек атоглиқ** – беклар: **Бек отоглиқдин бир Вайс Шайх, Вайс Логарий бойри эшилар, қочиб тушудилар.** (БН,151)

**Барин** – юқори, юксак, баланд, аъло. (Навоий асарлари луғати, 1972, 93 – б). Маъно тараққиёти натижасида сифат отта айланган: **Хисравшоҳ Аҳмад Қосимни барин қилиб, уруққа ёмонлиқ мақомига бўлурлар.** (БН,184)

**Sadr** – улуф мансаб.<sup>3</sup> "Бош қози", "вазир", мусулмон маънавиятининг юксак мартабаси тушунчаларини ифодалаган.<sup>4</sup> **Sadr** XIV аср ёзма манбаларида "фаҳрли жой", "улуг жой" маъноларида келган.<sup>5</sup> Улуф мартаба маъносидаги **sadr** термини **sadr** (улуг) сифатининг отта кўчиши натижасида шаклланган. "Бобурнома"да "вазир" маъносига қўлланган:... бурун **sadr** эди, сўнгра ички ва муқарраб бек бўлуб эди. (БН, 237)

**Қоровул** – қўшиндаги ҳарбий назоратчи:... *Не қоровул, не чигдовулким.* (БН, 268)

**Қутвол** – ҳиндча термин. Қўргон соқчиси, қалъа ва шаҳар соқчи отрядлари бошлиғи. (НАЛ, 323)."Бобурнома" да "қутвол" тарзида қўлланган: **Қутволлиқ мансабини бериб..** (262, БН)

<sup>1</sup> Раҳматуллаев Ш, Қодиров М. Узбек тилининг қи сёя этимологик луғати. Т., 1998. 156

<sup>2</sup> Дада боев X. Кўрсатилган манба. 54 б.

<sup>3</sup> Навоий асарлари луғати Т., 1972. 510 бет.

<sup>4</sup> Дада боев X. Кўрсатилган манба, 56 бет.

<sup>5</sup> Фозилов Э. Кўрсатилган манба 240 бет.

**Қүшбеги** – овчилар бошлиги. (кейинги хонлик замънларида бош вазирлик мансабини ифодалаған).<sup>1</sup> "Бобурнома"да вазир маъносида келган: Ҳусайн мирзо қошида Қүшбеги эди. (237)

**Доруга** – шаҳарда тартиб сақловчи маъмур, шаҳар бошлиғи<sup>2</sup>, шаҳар ҳокими. Қобулнинг доругалиғи... анда эди. (БН, 218) ... баъзи доругаларини қавлаб (БН, 263)

"Бобурнома"да умуман "бошлиқ" маъносида ҳам келган: Соригбаш Мирзо штарчини черик доруғаси қилиб менга қўшти. (БН, 161)

**Қўрбеги** – эътиборли мансаб. Қўрбегилик мансаби анда эди. (БН, 218).

**Рукни аъзам** – сарой аъёни. Қанбар Али Мўгулким, бир руқни аъзам ул эди. (БН, 123).

**Эшик ихтиёри** – эшикда ихтиёр – сарой ишларида ҳуқуқли.<sup>3</sup> Ўзи ва ўғлонлари куллий ва жузъий эшик ихтиёрини олдилар. (БН, 218); Ҳазора ва Қўшкак эшик ихтиёри томом анда эди. (БН, 115)

"Бобурнома"да бир қадар мансаб – мартаба сўзлари исмлар такибида (лақаб, нисба шаклида) келган: **эшик оға, ўғлоқчи, ғончи, штарчи.**

**Эшик оғаси** – эшик саркори, эшик, дарвоза соқчиларининг бошлиғи.<sup>4</sup> *Саид Қосим эшик оға чоғдовул..* (БН, 289).

**Ўғлоқчи** – улоқчи. Ўғлоқ – тўрт ойлик эчки боласи.<sup>5</sup> *Саид Юсуфбек ўғлоқчи ҳам аймоқлар била келди.* (БН, 183). Улоқчи нисбати Сайд Юсуфбекнинг маълум даврларда пойгаларда қатнашганлигидан ҳамда моҳир чавондозлигидан далолат беради.

**Тавочи** – подшонинг буйруқ ва топшириқларини тегинсли ерларга етказувчи ва ижро этувчи амалдор.<sup>6</sup> *Вилоятнинг отлиқ ва яёқ черикларига қадағон била тавочилар ва муҳассиллар йиборилди.* (БН, 124)

Бек терминига синоним тарзида **тархон** ишлатилган: *Тархонлар ёғилиғидин сўнг анинг тасарруғидин чиқти* (БН,

<sup>1</sup> Кўрсатилган лугат, 747 – бет

<sup>2</sup> Кўрсатилган лугат, 199 – бет

<sup>3</sup> Кўрсатилган лугат, 288 – бет

<sup>4</sup> Кўрсатилган лугат, 710 – бет

<sup>5</sup> Кўрсатилган лугат, 724 – бет

<sup>6</sup> Навоий асрлари лугати. Т. 1972, 583 – бет

127). **Тархон** ислом динидан аввал ҳам истоъмоддай бўлган<sup>1</sup>. Эски ўзбек тили манбаларида **таркани** шаклида учрайди. Олий насаб ифодаси сифатида асосан пелларни нисбатан қўлланган.<sup>2</sup> Навоий асарларида **тархон**: 1.Соликдан юй айбланишдан дархон(озод) қилинган; имтиёзли киши. 2.Шундай имтиёзларга эга бўлган мансабдор. 3.Узбек уруғларидан бири маъноларида келган.

**Баковул**—“сарой ошпази”, **бовурчи**—“бони ошизи” тушунчаларини ифодалаган. Бобур бовурчининг баковула гисбатан бир порона паст туришини таъкидлаган: **Бовурчилик мартабасигин баковуллук мартабасига йэйткуруб эрдим.**(БН,210) Баковул термини эски ўзбек адабий тили манбаларида “хон дастурхончиси”, хон овқатларини татиб кўрувчи” маъноларида ҳам қўлланган. Бовурчи эса асосан “ошпаз” тушунчасини ифодалаш учун қўлланган<sup>3</sup>.

**Мубашишир**—башир—хушхабар келтирувчи<sup>4</sup>. Баъзи эски ўзбек адабий тили манбаларида **мубассир** (кузатувчи) шаклида учрайди<sup>5</sup>. **Мұжаммаг Али мубашишир** учради (БН,162).

**Қовғунчи**—қувғунчи, таъқиб этувчи<sup>6</sup>. **Қовғунчи қав** (гнать(ся), прогонять маъносигаги) асосидан ҳосил қилинган<sup>7</sup>. **Қовғунчини йироқ йиборгали маслаҳат кўрмадилар.**(БН,128)

Чопқунчи—таловчи. Мазкур термин “бўрон”, “талон—тарож”, “туплон” маъносидаги **чопқун** асосидан шаклланган чопқунчи бориб қалин қўй ва от келтурдилар (БН,219)

**Элчи**—элчилар ва арзодошлар, изҳори як жиҳатлиқ ва давлатхоҳлиқлар қилдилар (270 Б).

**Аймоқ**— Сайид Юсуфбек ўқлоқчи ҳам аймоқлар била келди (БН, 183);

**Бошлиқ.** Бу термин айнан мансаб—мартаба билдирамайди, мансаб—мартабага нисбатан умумлаштирувчи тушунча англатади. Ҳозирги ўзбек тилида кенг қўлманади. **Бошлиқларни қовғунчи тайин қилилдиким..** (БН, 409)

<sup>1</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк. Т., 1960. 409—бет

<sup>2</sup> Фазылов Э. Староузбекский язык. II часть Т. 1971, 346- бет.

<sup>3</sup> Кўрсатилган лугат, 99—бет

<sup>4</sup> Фозилов Э. Кўрсатилган манба, 83—бет

<sup>5</sup> Фозилов Э. Кўрсатилган манба, 83—бет

<sup>6</sup> Навоий асарлари лугати, 738—бет

<sup>7</sup> Фозилов Э. Кўрсатилган манба, 578—бет.

Асар тилида **күҳбур**, **штарчи**, **жолабон**, **чошнигир**, **арғун** кабилар шахснинг маълум мансаб – мартаба билан боғлиқ характер – хусусиятларини ёритишга хизмат қилган.

"Бобурнома" тилидаги **рожа**, **рой** терминлари бевосита Бобурнинг Ҳиндостондаги фаолияти билан боғлиқ бўлиб, эски ўзбек тилида кузатилмайди.

"Бобурнома"да қўлланган мансаб – мартаба сўзларини изоҳлаш:

- XV – XVI асрлар маъмурий бошқарув тизимининг ўзига хос хусусиятларини ёритишга;
- терминология тарихига оид айrim ўринларни тўлдиришга;
- тил тараққиёти жараёнидаги ўзгаришларни кузатишга;
- туркий лексикага хос услубий – семантик жиҳатларни таҳлил қилишга хизмат қиласи.

### Ҳарбий терминлар

Бобуршунослар "агар Бобур ижодкор бўлмаганида ҳам моҳир саркарда сифатида маълум ва машҳур бўлур эди" дей ўринли эътироф этишади. Дарҳақиқат, Бобур ўз қўшинига нисбатан миқдор жиҳатдан бир неча бор устун бўлган душманлари қўшинини аксарият жангларда мағлубиятга учратиб келди. Бунда, шубҳасиз, Бобурнинг қўп йиллар давомида тўплаган ҳарбий тажрибаси, ақлу заковати, қўллаган тактик усувлари( масалан, тўлғама усули), турли кўринишдаги ўтсоchar қуроллардан моҳирлик билан фойдалангани муҳим ўрин тутади<sup>1</sup>. Ҳарбий соҳада ҳам санъаткор бўлган Бобур ўрта аср ҳарбий санъатининг барча қирраларини мукаммал эгаллаган ва ўз навбатида уларни такомилластирган<sup>2</sup>.

Ҳарбий атамалар мазмун – моҳиятига кўра бир неча гуруҳга бўлиб ўрганилган<sup>3</sup>. "Бобурнома"даги ҳарбий терминларни ҳам бир неча гуруҳ асосида таҳлил қилиш мумкин.

<sup>1</sup> Қаранг: "Бобурнома". – Т., "Шарқ" НМАК, 2002, 6 – бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Дадабаев Ҳ. "Бобурнома"даги баъзи бир терминларга доир мулоҳазалар. // "Адабий мерос", 1988, 1, 38 – бет.

<sup>3</sup> Қаранг:Дадабаев Ҳ. Военная лексика в староузбекском языке. Автореф. Канд. Дисс. – Т.,1981; Дадабаев Ҳ. Қадимти туркий ёдгорликлардаги атамалар ҳақида.. // "Адабий мерос",1998.1 – 2.19 – бет.

1.Харбий лавозим, мансаб, унвон номлари.

**Тутқавул**— мумтоз манбаларда “бож, солиқ йигувчи” маңындарыда учрайди. Радлов бу сүзнинг “хазинадор”, “хизматчи”, “фармандор”, “сақловчи”, “қўриқловчи”, “ушловчи” маңындарыда қўлланганини таъкидлайди. Гутқавул сўзи Шчербак фикрига кўра мўгулча **тутқа**— феълига — вул аффиксини қўшишдан ҳосил бўлган. Л. Будагов сўзнинг **тут**— феълидан ясалганини айтиб ўтган. Ҳ.Дадабоев **тутқавулнинг** турк ҳоқонлигидага кенг истеъмолда бўлган **тутуқ** (ҳуукмдор) атамаси боғликлигини айтиб ўтади<sup>1</sup>. **Тутуқ** ва **тутқавул** “сақла”, “ушла” мањносидаги **тут** асосидан шакллангани кўриниб турибди. **Тутуқ**—маълум ҳудуд, давлат аҳолисини бошқарувчи, “тутувчи” шахс. **Тутқавул**—маълум ҳудудни, аҳолини, қўшинни сақловчи ҳарбий аскар, яъни қўриқчи, соқчи. Тутқавул (тутқовул), асосан, чегарада (давлат чегарасида ёки қўшин жойлашган чегарада) турган. **Тутқавулнинг** маълум даврларда “бож йигувчи” мањосида қўллангани ҳам унинг муайян ҳудуд учун масъул бўлганидан далолат беради. “Бобурнома”да “соқчи”, “қоровул” тушунчасидан кўра кўпроқ шу шахс турган жой (масофа, чегара) маңындарини англатган: Тутқовулгача қор йўқ эди. Тутқовулдин ўта борғон сари қор улуғроқ бўлди (БН,261) Бу ўриндаги мањно кўчишини метонимия билан изоҳлаш мумкин.

**Тахшандоз**—тахш(ёйнинг кичик тури, арбалет<sup>2</sup>) отувчи: Иброҳим сорунинг қошига тахшандоз бор эди.(БН,88)

**Туфакандоз** // **туфангандоз**—туфак (узун стволли милтиқ<sup>3</sup>) отувчи. Асарда **туфакандоз** терминига синоним тарзда **туфакчи** ишлатилган: Черик яроғига ва тўп ва туфакчининг дору ва жидогига..(БН,417)

**Милтиқчи** атамасини ҳам **туфакчи**га синоним дейиш мумкин:..гулни ўнг ва сўлидин милтиқчиларни ўртада қўюб..(БН,455)

**Қалъадор**—қўргон соқчиси<sup>4</sup>. Буларнинг умиди била қабалда қалъадорлик қилмоқ бетақриб экандур.(БН,148)

<sup>1</sup> Дадабоев Ҳ. Кўрсатилган макола, 14—бет.

<sup>2</sup> Дадабоев Ҳ. “Бобурнома”даги баъзи бир терминларга доир мулоҳазалар//“Адабий мерос”, 1988,1,39-бет

<sup>3</sup> Дадабоев Ҳ. Кўрсатилган макола, 42—бет

<sup>4</sup> Навоий асарлари лугати. – I 1972, 728—бет.

Күшинда фаолият күрсатувчи, жанг олиб борувчи оддий аскарлар навкар ва савдар терминлари билан номланган:..*навкар, савдари*дин айриб..(БН,94)

2.Күшин турлари, ҳарбий қисм, бўлинмаларни ифодаловчи терминлар.

Бобур қўшини, асосан, *ғўл, буронгор, жавонгор*<sup>1</sup> га ажратилган: Тонгласиға отланиб, булжор—булжор қўргоннинг гирдо—гирдининг ғўл ва бронгор ва жвонгорга қисмат қилилди.(БН,405) *Буронгор*—ўнг томондан, *жавонгор*—томондан ҳужум уюштирувчи қисм. Кўшиннинг ўнг ва сўлга ажратилиши қадимги турк хоқонлигига ҳам кузатилади. Кўшин қисмлари қўмондонлари *йабгу* ва *шаг* терминлари билан номланиб келган<sup>2</sup> . (Бу эса аждодларимизнинг муайян ҳарбий ҳаракатлар тактикасига эга бўлганидан далолат беради.) "Бобурнома"да ҳар икки қисм сардори қўшин характеристига кўра *буронгор* ва *жавонгор* деб юритилган. Буронгор ва жавонгор (қўшинлари) оралиғига ҳужум уюштирувчи, жанг олиб борувчи асосий қисм *ғўл* деб номланган: ..*ғўлга тамом ичкilar эзи*.(БН,273)

*Ировул*// *эрновул*—"қўшиннинг илфор қисми, разведкачи, авангард" маъноларини ифодалайди. Мазкур сўзнинг ҳиравул шакли ҳам мавжуд бўлиб, Навоийнинг «Садди Искандарий», Лисон—ут тайр» асарларида қўлланган.Г. Дёрфер ҳиравул мўғулча *hira, hiri* (яккаламмоқ, узоқлашмоқ) феълидан ясалган, деган фикр билдиради<sup>3</sup> . Ировул (эрновул) қўшиннинг олдида бориб, душман лашкарини назорат қилган. Ировул ғўлнинг олдида борувчи, душман зарбасини биринчилардан бўлиб қайтарувчи қисм ҳисобланган:..*бир гаст бизнинг эровулимизни ёндурууб ғўлга чиқтилар*.(БН,273) Баъзи ўринда ировулга синоним тарзда *илфор* атамаси қўлланган: *Бот—ўқ илфор била тебарлар*.(БН,183)

Асарнинг баъзи ўринларида қўшиннинг шу турига мансуб шахс мартабасини билдириш учун қўлланган: *Ҳайдар кўкалтошким, мўғул черикининг рукни аъзами эзи*.(БН,88)

*Қовғунчи*—қувгинчи, таъқиб этувчи: *Хаёлға кечтиким, қовғунчи буларнинг кейнига пайваст бўлғусидур*.(БН,170)

<sup>1</sup> Навоий асарлари луғати. — Т., 1972, 728 – бет.

<sup>2</sup> Навоий асарлари луғати. — Т., 1972, 728 – бет.

<sup>3</sup> Дадабоев Х. Эски ўзбек тили обидаларида мўғулча сўзлар //»Ўзбек тили ва адабиёти», 1986, 6 –сон, 32 – бет

"Қовғунчи" гуруҳи таҳминан йигирма—ўттиз атрофидаги йигитлардан тузилиб, душман ҳамласини қайтарувчи сұнгти қисм ҳисобланған: Қовғунчи йигирма—йигирма беш киши әндуруп(БН,170)

Чопқунчи – "талон – тарож, түполон" маъносидаги чопқун сўзидан ясалған<sup>1</sup>; "таловчи" маъносини англатади: Ўзбакнинг Сон ва Чаҳоряқ чолғонини хабар топиб, Қосимбекни черик била чопқунчининг устига шибордук.(БН,248) Чопқунчи қисм ўзи алоҳида гуруҳ бўлиб ҳаракат қиласкан: Бир ўқ отими келиб эдикким, ёғининг чопқунчисига еттук. (БН,164)

Ировул, қоровул, чоғдовул, шифовул, жангдовул каби терминлар шахс отини билдирган; "муайян соҳа ёки машғулот билан шуғулланувчи шахс" тушунчасини ифодалаган.—вул аффикси манбаларда шахс отни ясовчи сифатида қаралган<sup>2</sup>.

Ўша давр ҳарбий қўшинида гулдан фарқли равишда алоҳида ҳужум уюштирувчи, душман қўшинини ёриб, ғаним кучини саёзлаштирувчи қисм ҳам мавжуд бўлганлиги маълум бўлади: Ҳоти ўттуз–қирқча отлуқ жибалик, кежимлик киши била ёрқунчини ёндуруб солди.(БН,296)

3. Ҳарбий ҳаракатлар, усулларни билдирувчи терминлар. Бобур моҳир лашкарабоши сифатида баъзи ҳарбий усулларни такомиллаштирган ёхуд янги усуллар яраттан. Бу жиҳатдан "тўлғама" (ён томондан айланиб ўтиш) усули ажралиб туради. Бобур бу усулини "жангдаги эркин санъат" деб атайди<sup>3</sup>. Тўлғама усули дастлаб Шайбонийхон қўшинида қўйланган: Ўзбекнинг урушта бир улуқ ҳунари ушбу тўлғамадур, ҳеч уруши тўлғамасиз бўлмас.(БН,145) У тўлғама усулини шунда ёритади: Олимиздағиларни неча навбат зўрлаб келганда уруб ёндурудук. Илгаримиз ҳам зўрлади, кейин зврулган киши ҳам келиб бизнинг туғқа ўқ қўя киришишилар. Илгаридин, кейиндин зўрладилар. Бизнинг элни тебраттилар(БН,145) Тўлғама қўшинни гўёки "тебратади", яъни ҳар томондан таъқиб этилаётган қўшин гоҳ у ёндан,

<sup>1</sup> Дадабоев Ҳ. Эски ўзбек тили обидаларида мўгулча сўзлар FF»Ўзбек тили ва адабиёти». 1986, 6 –сон, 32 –бет

<sup>2</sup> Дадабоев Ҳ. Эски ўзбек тили обидаларида мўгулча сўзлар //»Ўзбек тили ва адабиёти», 1986, 6 –сон, 32 –бет

<sup>3</sup> Дадабоев Ҳ. Эски ўзбек тили обидаларида мўгулча сўзлар //»Ўзбек тили ва адабиёти», 1986, 6 –сон, 32 –бет

тоҳ бу ёндан зарба ейди. Ҳужумкор қўшин душманни айланасига ўраб олади ва янчиб ташлашга ҳаракат қилади. *Тўлғама* термини *тўлға*—феълидан ясалган. *Тўлға*—нинг “айлантири” маъноси манбаларда қайд этилган<sup>1</sup>.

Бобур тўлғама усулини ўзлаштириди, такомиллаштириди; бу усулини моҳирлик билан рақибига нисбатан қўллади: *Буронгорнинг учига Вали Қизил ва Малик Қосимни, Бобо Қашқани мўгуллари билан тўлғамага муқаррар қилдук. Жавонгорнинг учига Қорақўзи ва Абул Муҳаммад найзабоз ва Шайх Али ва Шайх Жамол борин ва Маҳди ва Тенгрикули Пишиғи мўгулни тўлғамага ясадук.* (БН,336). Тўлғама усулини амалга оширувчи қисм ҳам шу ном билан аталган: *Буронгор, жавонгор ва гул ва тўлғама ғанимнинг гирдо—гирдини олиб, шиба қўюб, бажид урушқа машғул бўлдилар.* (БН,336) Тўлғама ўнг қўл тўлғамаси ва сўл гўл тўлғамасига ажратилган:..бу икки бўлак тўлғама ўнг қўлдин, сўл қўлдин ғанимнинг орқасига эврулғайлар.(*тўлғама* усулининг қўллашдан асосий мақсад душманнинг орқа томонига айланниб ўтишдир – Х.З.) *Турдигаким, Санго урушига ўнг қўл тўлғамасига эди, ўзгаларга боқа яхши эди.*(БН,397)

Бобур Шайбонийхон ҳужумларидан биридаги ҳарбий усулини шундай тасвирлайди: Бир кун Шайбоқхон Оҳанин дарвозаси била Шайхзода дарвозаси орасига уруш келтурди, менким кўмак эдим, уруш мунда бўлғоч мунда келдим. Гозуристон дарвозаси била Сузангарон дарвозаси тарафидин парво қилмадук..Биз мунда ҳарбу зарбқа машғул, ул тарафдин тамом ғоғил; йигирма беш—йигирма олти киши шоту тайёр қилғон экандурларким, ҳар шотунинг кенглиги ончаким, уч киши, икки киши ёндаша чиқа олғай. Етти—секкиз юз ўбдан йигитларни бу шотулар била Гозуристон дарвозаси била Сузангарон дарвозасининг оралиғи тўғрисига пустура қуюб, ўзи ул тарафдин уруш солғон экандур. Эли тамом бу тараф урушқа машғул бўлуб, булжор холи бўлғон маҳалга пусқон ердин чиқиб, илдам келиб бу шотуларни икки дарвозанинг оралиғи.. фасилга қўярлар.(БН,147)

4. Қурол—яроғ, ҳарбий ишноотлар номини билдирувчи терминлар.

<sup>1</sup> Раҳматуллаев ИИ, Қодиров М. Ўзбек тилининг қисқа этимологик луғати. – III қисм, – Т.,1999, 131 – бет.

Бобур қўшини ўша замон ҳарбий техникасининг юқори дражадаги ютуқларига таянган. Қурол—яроғ, ҳарбий иништоотларнинг замонавий турлари мавжуд бўлган.

Асарда энг кўп тилга олинган қуроллардан бири қозондир. Қозон XV–XVI асрларда Ўрта Осиё ва Эрон қўшинларида мавжуд бўлган тўп атамасидир. "Қозон" термини "тўп", "замбарак" маъносида туркий тиллар ичida фақат эски ўзбек тилида қўлланган. Асарни ўқиш жараёнидан қозоннинг маҳаллий мутахассислар томонидан тайёрланганини кузатиш мумкин. Бобур қозон тўпини қуийш жараёнини қуийдагича тасвирлайди: *Душанба куни муҳаррам ойининг ўн бешига Устод Алиқулиниң қозон қуярининг тафарружиға бордук*. Қозон қуяр ернинг гирдиға секкиз кўра қилиб, олотни эритибтур. Ҳар кўранинг тубидин бир ариғе бу қозоннинг қолибига рост қилибтур. Биз борғоч, кўраларнинг тешукларини очти, ҳар ариқдан эриган олот сувдек шарилдоб қолибға кирап эрги. Бир-икки кун қолиб совуғондин сўнг очтилар. Устод Алиқули кўп башошат била киши йиборибтурким, қозоннинг тош уйи бекусурдурю *Дорухонаси*ни қўймоқ осондур. (БН,373) Музкур парчадаги кўра эриган олотни қуийш учун мўлжалланган маҳсус косани англатган. Тасвирланишича, мослама атрофида шундай косалардан саккизтаси қўйилган. Ҳар кўра(коса)нинг таги тешилган бўлиб, эритилган олот шу тешикдан маҳсус ариқ орқали қозон қолипига қўйилган. Қозон тўпининг тош (снаряд) қўйиладиган қисми *тош* уй атамаси билан номланган; *дорухона* термини эса дору(порож) солинадиган қисмини англатган.

Қозондан отиладиган ўқ *тош* термини термини билан номланган:.. улуғ қозон била *тош отти*(БН,403) Баъзи ўринларда қозон тўпи *тош отар* атамаси билан юритилган. Қозон ўша даврда кенг истеъмолда бўлган атама ҳисобланган. А.М. Беленицкий қозон атамасини форсча *gēg* сўзининг айнан таржимаси сифатида изоҳлади<sup>1</sup>. Бобур мазкур қуролни ўзига хос термин (туркий сўз) *тош отар* билан номлади: *Устод Алиқулиниң тош отари..*(БН,406). Ҳажм жиҳатдан энг катта қурол ҳисобланган қозон (тош отар) маҳсус аробаларга ўрнатилиб, бир позициядан иккинчи

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Дадабоев Ҳ. "Бобурнома"даги баъзи бир терминларга доир мулоҳазалар. "Адабий мерос", 1988, 1, 39 – бет

позицияга күчирилган: Яна тўрт–беш юз киши тортар қозон аробасини уч–тўрт фил осон тортаб борадур(БН,345)<sup>1</sup>

Бобур қозоннинг урушдаги ўрнини "Фози қозон" атамаси билан ифодалайди. "Фози қозон" қозон (тўп)лардан бирининг жангда асосий зарба беришдаги ўрнига нисбатан қўйилган: Бу қозон ул қозон эдиким, Сангойи коғирнинг урушига тош отиб эрди. Ул жиҳатдан ғозига мавсум бўлиб эрди.(БН,408) *Фози қозон*—“ғалаба келтирувчи қозон (тўп)” тушунчасини билдиради.

“Бобурнома”да фаол қўлланган ҳарбий терминлардан яна бири зарбзандир. Бу атама ҳажми қозондан кичик бўлган, аммо отиш тезлиги ундан юқори бўлган дала тўпини билдирган. Зарбзан ўша давр ҳарбий қисмларининг аксариятида мавжуд бўлган. Манбаларда Бобур зарбзан тўпининг жангдаги аҳамиятини 1510 – 1512 йилларда Шоҳ Исмоил Сафавий билан иттифоқдош бўлиб юрган вақтларида билгани ва уни қизилбошлардан ўзлаштирган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикрлар айтилган. Султон Иброҳим ва Роно Санго билан бўлган жангларда Бобурнинг ғалаба қозонишида зарбзанинг ҳам алоҳида ўрни борлиги таъкидланган<sup>2</sup>. Зарбзанлар ҳам маҳсус арабалар орқали олиб юрилган:..зарбзаник арабаларни бир оролға кечуруб, оролдин зарбзан ота киришди.(БН,408) Зарбзандан отилган ўқ ҳам зарбзан деб юритилган: ..зарбзанлар била яхши зарбзанлар отти (БН,336)

Зарбзанинг европача тури фарангি зарбзан билан юритилган:..Устод Аликули қозон ва фарангি зарбзанин қуруб, қалин туфакандозлар била бу ердин уруш ангизи қилирай. (БН,440); Ўт очар қуролнинг фарангий деган тури ҳам мавжуд бўлиб, у “европача тўп”ни билдирган. ..неча қатма яхши фарангилар отти. (БН,336) Қуролнинг бу тури Султон Ҳусайн мирзода ҳам, Бобур қўшинида ҳам мавжуд бўлган. Фарангий тўпини отувчилар *фарангивоз* деб номланган.<sup>3</sup>

Асарга раъс (тўп), туфак (милтиқнинг бир тури), милтиқ тахш (ёй), новак(ўқ–ёй), гўшагир, гарбичи, қалқон,

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Даёбов Ҳ., “Бобурнома”даги баъзи бир терминларга доир мулоҳазалар. “Адабий мерос”, 1988,1,39 – бет

<sup>2</sup> Кўрсатилган мақола, 41 – бет.

<sup>3</sup> Кўрсатилган мақола, 41 – бет.

*тұра, сағдоқ, қилич каби қурол—яроқ номларынан дубулға, кечим каби жанговар кийимлар номини билдириүші терминлар учрайди.*

Харбий ҳаракатларни амалга оширипци да бир қатор воситалардан фойдаланилган. Шундай воситалардан бири **булжордир**. Булжор эски үзбек адабий тили ҳарбий лексикасида кенг қўлланган бўлиб, "қўшин юришга отланганда тўпланиш манзили; тўпланиш учун келишилган вақт" маъносини ифодалаган.<sup>1</sup> Булжор айрим манбаларда позиция, яъни қўшиннинг жойлашиш ўрни сифатида изоҳланган.<sup>2</sup> Мазкур термин "Бобурнома"да икки хил тушунчани англатиш учун қўлланган:

1. Қўшиннинг жойлашган манзили, истеҳком маъносида келган: Қўчбекнинг, Мұхаммадқули қавчиннинг яна бир бўлак йигитларнинг булжори бу ер эди. (БН,147) Булжорнинг ҳар бир нуқтаси алоҳида, кичик истеҳком сифатида қаралган: Сўзангарон дарвозаси Қаро барлоснинг булжори эди. Гозуристон дарвозаси Ширим тағойиннинг ва оға—инисининг ва Қутлуқ Хожа кўкалтошнинг булжори эди. (БН,14)

2.Муддат,"тўпланиш учун келишилган вақт" тушунчасини ифодалаган: Ўн олти кунлуқ булжор била Жуннурға бориб эди.(БН,426)..ўн беш кунлук булжор била рухсат берилдиким..(БН,309)

Булжор термини асарда "белгиланган жойга маълум муддатда қайтиб келадтиган гуруҳ" маъносида ҳам қўлланган: Ушбу кун кичкина тун қатордин ул юздаги бекларга булжор била фармонлар битиб йиборилдиким..(БН,306); Филҳол Мир Мўғулни Ахсиға Жаҳонгир мирзо қошиға булжор била йибориб..(БН,133)

*Пустура*—кутилмаган жойдан яширин ҳолда ҳужумга ўтувчи гуруҳ, пистирма.

Қурол—яргнинг оғир турлари:қозон, зарбзан, фарангий ва тўп учун тайёрланган маҳсус жой(бруствер) **мўлжор** термини билан юритилган.<sup>3</sup> Устод Алиқули била Мустафоға зарбзан отмоқча ва қозон қурмоқча, мўлжор қўпориб, ер ясамоқ учун..муҳассиллар тайин қилилди (БН,440) Мўлжор

<sup>1</sup> Кўрсатилган мақола, 41 – бет.

<sup>2</sup> Дағдабоев Ҳ. "Бобурнома"даги бағъзи бир терминларга доир мулоҳазалар. "Адабий мерос", 1998,1, 40 – бет

<sup>3</sup> Дағдабоев Ҳ. "Бобурнома"даги бағъзи бир терминларга доир мулоҳазалар. "Адабий мерос", 1998,1, 40 – бет

қүшиннинг олд томонида, маълум масофада қазилган. Қүшиннинг ҳужум қилиши ёки ҳимояланиши учун ўзига хос имконият яратган: *Панжшанаба сабоҳи мўлжордагилардин хаъар келдиким..(БН,443)*

Бу термин Навоий асарларида фонетик жиҳатдан фарқли кўринишда – *мўржал* шаклида учрайди ва юқоридаги тушунчани, яъни “уруш вақтида қалъани қўлга олиш учун унинг тагидан кавланадиган чуқур”<sup>1</sup> ни билдирган. “Бобурнома”да *мўржал* терминига маънодош *нақб* атамаси қўлланган. Нақб – тешик, лаҳим (ер тагидан кавланган лаҳим)<sup>2</sup> маъноларини англатган: *Қўргон эли даги нақб солиб, бу нақбини топтилар.*(БН,93).

Саркуб атамаси ҳам юқоридаги каби маъно ифодалаган, яъни “мўлжор қўпормоқ” маъносидаги сўз: ..саркуб қўпормоқ ва тош отмоқдин ўзга яхши уруши *солмаги*.(БН,93) Навоий ижодида саркўб сўзи “боши янчувчи”, “урувчи”, “боши янчилган” маъноларида келган. Шунга кўра, саркуб терминини саркўб сўзининг “урувчи” (зарба берувчи) маъносидан шаклланган, дейиш мумкин. Саркуб – зарба бериш, уриш учун тайёrlанган мослама: *Буюрилдиким, икки – уч ерга саркуб ясад, нақб солғайлар.* (БН,89)

##### 5. Ҳарбий ҳаракатлар билан боғлиқ терминалар.

“Бобурнома” орқали ўша давр ҳарбий тизимиға хос бўлган ҳарбий муомала, ҳаракатларни билдирувчи бир қатор терминаларни кузатиш мумкин. Шундай ҳарбий муомала воситаларидан бири *ўрон адашув* (пароллашув)дир. Ўрон адашув яширин маълумотларни етказишида, дуст – душманни аниқлашда муҳим аҳамият касб этган. Ўрон адашув сир сақлаган ҳолда, эҳтиётлик билан амалга оширилган: ..инчкалик била илгаррак келиб ўрон адашурлар.(БН,162)

Ўрон ҳар хил нарса – ҳодиса номи билан шартланган. Бобур ўрон кўринишларини қўйидагича тасвирлайди: *Бу ўрон икки навъ бўлур: бири улким, ҳар қавмнинг ўрони бор, нечукким, баъзи қавмнинг ўрони “турдона” дур ва баъзининг “туққай”. Баъзининг “лулу”, яна бир тамом черикка иш маҳалига икки лафзни ўрон қўярларким, иш вақтида учрашқонда бири бир лафзни айтқонга яна бири ул маъхуд*

<sup>1</sup> Навоий асарлари лугати, 443 – бет.

<sup>2</sup> Навоий асарлари лугати, 443 – бет.

лафзни айтқай..(БН,162) Маъхуд ўрон – жавоб тарзда айтиладиган сўз ёки бирикма, тайинланган, келишилган сўз: Ул урушта маъхуд ўрон алфози "Тошканг" била "Сайрам" эди. (БН,162)

Душман қўшинидан ҳарбий асир келтириш "тил тутмоқ" ибораси билан ифодаланган. Тил тутмоқ ҳаракатнинг мақсадидан келиб чиқиб қўйилган бўлиб, "тил тутиш"дан мақсад душман қисмлари, қўшини, қурол – яроғ, аслаҳаси, жанговарлик ҳолати ҳақида кенгроқ маълумот олишдир. Тил тутмар учун Султон Иброҳим ўрдусига киши йибориб..(БН,333). Тил тутиш учун яхши тайёрланган маҳсус гуруҳ юборилган:..бу тил тутма борғонларнинг қорасини кўруб..(БН,408)

"Бобурнома"да ҳарбий ҳаракатлар, жанг олиб бориш усуллари, жангда қўлланган қурол – яроғ аслаҳа турлари батафсил, атрофлича ёритилган. Бобурнинг ҳарбий маҳорати, жанг олиб бориш салоҳияти тасвиранланган. Бурунгилар дебтурларким, қўргон беркитмакликка бош керак, икки қўл керак, икки бут керак: бош сардор бўлғай. Икки қўл икки тарафтин келур кўмак ва мадағ бўлғай. Икки бут қўргоннинг суйи била захираси бўлғай.(БН,148) бу сатрлар шоҳ Бобурнинг ута тадбиркорлиги, тажрибакорилгидан далолат беради.

Асарда қўлланган ҳарбий терминлар XV – XVI аср ҳарбий тизими, рақиб қўшинлар қудрати, Бобурнинг саркардалик маҳорати ҳақида мукаммал маълумот берувчи манба сифатида аҳамиятлидир.

## "БОБУРНОМА" ТИЛИДА ИБОРАЛАРНИНГ ЎРНИ

"Бобурнома" тилининг мазмундорлиги, жозиба ва хилма – хил тасвир бўёқларига бўёқларига эга эканлиги ҳамда мазмун қўлами жиҳатидан ажralиб туради.

Воқеликни ифодалаш, инсон руҳиятини, феъл – авторини ёритиш жараёнида муаллиф тил имкониятларидан ўринли ва моҳирона фойдаланган. Образлилик яратишга хизмат қилувчи ана шундай тил имкониятларидан бири иборалардир.

Ибораларнинг шаклланиш тарихи ҳалқ тарихи, маданияти, дунёқариши билан узвий боғлиқ ҳисобланади. Ибора фразеологизм, фразеологик бирлик, фразема терминлари билан ифодаланиб келмоқда.<sup>1</sup> (биз мазкур терминнинг ўзбек тилида кенг қўлланаётган *ибора* вариантидан фойдаландик). Ибора сўз бирикмаси, гапга teng, семантик жиҳатдан бир бутун, умумлашган маъно англатадиган, нутққа тайёр ҳолда киритиладиган луғавий бирлик<sup>2</sup>. Иборанинг кўчма маънога асосланиши, образлилиги унинг тасвир имкониятларини кенгайтиради. Шу жиҳатдан бадий асар тилида ибора (бадий) тасвир воситаси сифатида хизмат қиласди.

Тил барча ижодкор учун (барча кишилар учун) умумийдир. Аммо ҳар бир муаллиф (ҳар бир инсон) тил имкониятларидан маҳорати даражасида фойдаланади. Шу аснода ҳар бир асар тилининг ўзига хослиги юзага келади. Муаллиф тафаккур доирасининг кенглиги, бадий маҳорати "Бобурнома" тилининг ўзига хослигини таъминлаган. Асарнинг бадий эстетик қийматини оширища ибораларнинг ўз ўрнида ва мақсадга мувофиқ қўлланиши муҳим аҳамият қасб этган.

"Бобурнома" тилида қўлланган ибораларни мавзу – моҳияти жиҳатидан бир неча гуруҳга ажратиш мумкин. Масалан, асар тилидаги ибораларнинг аксарияти руҳий кечинма, психологик ҳолатни акс эттиради.

Тил алоқа – муносабат воситаси бўлиши билан бир қаторда инсон руҳияти, ҳис – туйғу, кечинмаларини ибодалайди. "Бобурнома" тили ўқувчини муаллиф сийрати, шуури, орзу – умидлари, хоҳиш – истаклари, армонлари билан таништира боради. Асар матнининг муваффақиятли ифодаси ҳам бир қадар руҳият чизгиларининг ҳаққоний ифодаланганилиги билан белгиланади. Руҳий кечинмаларни акс эттирища иборалардан ҳам фойдаланилган. Буни айрим иборалар мисолида кузатамиз.

<sup>1</sup> Бу ҳақда қўранг: Раҳматуллаев Ш. "Ўзбек тили фразеологиясининг" баъзи масадалари. – Т., 1965; Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. Т., 1978; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т., 1992, 55 – 107 – бетлар;

<sup>2</sup> Ҳожиев А. Тилшунослик терминларнинг изоҳли луғати. Т., 2002. 124 бет.

**Жонға ет-**: жондан түй-. Охир мундоқ саргардонлиқтін ва бу навъ бехонунмонлиқтін жонға еттім (БН, 158)<sup>3</sup>. **Жонға ет-** саргардонлиқ (саргиронлиқ – гангиш, довдираш<sup>1</sup>) ва бехонумолиқ (дарбадарлик, сарсон – саргардонлик)<sup>2</sup> дан чарчаш, умидсизликка тушиши натижасидаги рұхий ҳолатни ифодалайды. Мазкур ибора тұстадан юз берган рұхий ҳолатни эмас, балки саргардонлик ва бехонумонлик каби жараёнларнинг узлуксиз давом этиши натижасида юзага келган умидсиз, тушкун кайфиятни, рұхиятни акс эттирган. Мазкур иборанинг Навоий ижодида ҳам құлланғани XV–XVI асрлар тилида фаол истеъмол қилинганидан далолат беради.

Фам била жонимға етдім, фамгусоре күрмадим...

Ушбу иборанинг шаклланиш жараёнини кузатиш учун унинг лексик таркибиға әътибор бериш лозим бўлдаи(ибора нутқда тайёр ҳолда мавжуд бўлади, деб қаралса – да, лексемаларнинг кўчма маъно мутаносиблигига асосланган яхлитланиш, лугавий маъно шаклланиши жараёнини ўтайди)

Мазкур иборанинг шаклланиши инсоннинг рұх, жон ҳақидағи тасаввурлари билан боғлиқ. Ҳозирда ушбу иборанинг **жон(u)дан түй-, жон(u) ҳалқум(u)га кел-** вариантлари құлланади.

**Бош олиб ит-** иборасида ҳам рұхий ҳолат ифодаланған. Қаллошлиқ (шұхратсизлик, әътиборсизлик) дан озорланған ва хорлик торған, саргардон кезищдан чарчаган Бобур **бош олиб иттак-** (йўқолмоқ)ни истайди: "Дедимким, мундоқ душворлиқ била тирилгунча, бош олиб итсам, яхши (БН, 159). Бу ўринда кин – адоваратта тұла заминни тарқ этиш, бу оламдан кетиш истаги ифодаланған. Ибора таркибадаги **ит-** – сүзи туркй **йит-** ("йўқол –", "фойиб бўл –") маъносидаги сүз)нинг фонетик үзгарған шакли (прокопа: ит< йит) бўлиб, ҳозирги үзбек адабий тилида қўлланмайди, айрим шеваларда нарса – буюмларга нисбатан ишлатилади. Мазкур иборада рұхий толиқиши, бевафолик ва хиёнатдан азобланиш, барча нохушликлардан кўз юмиш туйгулари акс этган.

<sup>3</sup> Манбадан олинган мисоллардаги айрим техник ҳатолар тузатиб берилди

<sup>1</sup> Навоий асрлари луғати. – Т., 1972, 548 бет

<sup>2</sup> Кўрсатилган луғат, 113 бет

**Бош олиб итиш** (ўлиш) инсоннинг хоҳишига қарамаслигини яхши англаган қаҳрамон дунёning нариги бурчига, имкон қадар узоқроққа кетишни истайди: *Бу навъ хорлиқ ва зорлиқ била эл билгунча оёғим етганча кетсам яхши* (БН, 159). Ва хоҳишини амалга оширишга қарор қиласди: *Хитойга бормоқни жазм қилиб, бош олиб кетмакка азм қилдим* (БН, 159)

Юқоридаги иборалар муаллиф руҳиятини даражалаб кўрсатишига хизмат қилган: **бош олиб итмоқ** (дунёдан кўз юммоқ; **оёғи еттанча (кетмоқ)** – бирор юрга (кетмоқ).

**"Ҳайф" кел** – ибораси ачиниш түйғусини ифодалаган; ... *хон додам бир сарсабз гӯшагир бериб эди. ул чиқди, ташлағали ҳайфим келди* (БН, 164)

Бобур иборалар синонимиасидан ҳам ўринли фойдаланган. Масалан, биргина "ўлмоқ" тушунчасини беш хил шаклдаги ибора билан ифодалаган: 1) **тенгри раҳматига бор** –: *Боби Илоҳийга етганда тенгри раҳматига борди* (БН, 221); 2) **оламдин бор** –: *Ҳайдар мирзо отаси замонига –ўқ оламдин борди* (БН, 225); 3) риҳлат қил –: *Иниси Иброҳим Ҳусайн мирзодин бурунроқ бу дунёдин риҳмат қилди* (БН, 231); 4) **нақл қил** –: *Ироқта гарифлиқта нақл қилди* (БН, 231); 5) **тенгри ҳукмини буткар** –: *Кобулда тенгри ҳукмини буткармуш* (БН, 232).

Иборалар синонимлиги тушунча ифодасининг услубий хилма – хиллигини таъминлашга хизмат қилган.

Асар тилида ижодкор маҳорати билан боғлиқ иборалар ҳам қўлланганки, бундай иборалар мазмун – моҳиятни тўлиқ англаш имконини берган. Масалан, **подшо кўтариб, ногорасини ўзининг эшигида чалдирмоқ** иборасини Бобур Чагониёнийнинг ғараз ниятини фош этиш мақсадида қўллайди: ..*бовужудким мени подшоҳ кўтариб эди, нақорасини ўзининг эшигида чалдуурп эди* (БН, 271). Мазкур ибора нутқ жараёнининг ўзида яратилган бўлиб (тилда тайёр ҳолда мавжуд эмас), Бобурнинг подшоҳлиги билан боғлиқ. Бу ибора семантикасида қуидидаги семалар мавжуд: 1. Эътироф (яъни таҳтга чиқишида Боқи Чагониёнийнинг ўрни борлигини тан олиш). 2. Устамонлигини таъкидлаш. 3. Фаолиятидан норизолик. Боқи Чагониёнийнинг Бобурга ўз мақсадлари йўлида ва хўдбинона манфаатидан келиб чиқиб кўмак бергани ҳамда

унинг хасис, кажхулқ эканлиги шу иборада мужассамлантирилган.

Оқ қиласа қора қиласа фалончи қил – ибораси ҳам Бобурга хос окказионализм ҳисобланади. Бу ибора "давлатни бошқариш" тушунчасини ифодалаган. Бобур ибора орқали Мұхаммад Маъсум миrzода (ҳукмдор бўлса – да) ихтиёр йўқлиги, барча масалалар Шоҳбек аргун томонидан ҳал қилинишини таъкидлаш мақсадида қўллаган. Агарчи Қандахорни бериб эди, vale оқ қиласа, қора қиласа, Шоҳбек аргун қилур эди. (БН, 225). Юқоридаги ҳар икки иборанинг ҳозирда варианти йўқ.

Ҳарбий ҳаракат, тушунчаларни ифодалашда ҳам муаллиф окказионализмига хос ибораларни курамиз. Жумладан, "разведка қил" – тушунчаси эҳтиёт қил – ибораси орқали ифодаланган: "Мен бориб Гаво йўлини эҳтиёт қилиб келаи (БН, 172)". Эҳтиёт қил – "хавф хатар бор – йўқлигини аниқлаш ва шунга кура эҳтиёт чораларини кўриш" тушунчаси асосида шакланган.

Қони тутил –: "ажали ет –". Қони тутилған бир неча ағфон тоғ этагидаги пушталарга пайдо бўлдилар. (БН, 209). Эски ўзбек адабий тилида қон тушунчаси билан боғлиқ қонига кир – (қон тўкишга кириш –); қони тўл – (ажали ет –); қон тут – (қон қасосини ол –); қон ют – (азоблан –)<sup>1</sup> иборалари ишлатилган. "Қони тутилмоқ" ибораси "Бобурнома" да асосан жанг тасвирларида учрайди.

Умр топ – ибораси "узоқ умр кўрган", сўз қўй – ибораси "келиш –" (ҳозирги гапни бир жойга қўй) – иборасига тенг келади. Арзга еткур – арзга етгур – "маслаҳат бер –" иборалари ҳам муаллифнинг тилдан фойдаланиш маҳоратини намоён қилган: ... хили умр топқон хотун эди. (БН, 153); ... Сўзни кўргонни беркитмакка ва ўлук-тирикни кўргон ичида кўрмакка қўйдук (БН, 146);... беклар арзга еткурудиларким, бу жузий ишдур (БН, 122).

Бобур ибораларни усталик билан қўллади. Бундай моҳирлик тасвир объективининг таъсир даражасини оширишда аҳамиятлидир.

<sup>1</sup> Навоий асарлари лугати , 740 – бет

"Бобурнома"даги иборалар турли мавзуларда қўлланган. Бу ибораларнинг услубий – семантик хусусиятларини урганиш қўйидагиларда аҳамиятлиdir:

1. Иборанинг ўзига хос табиати бадий матнда тўлиқ намоён бўлади. Иборанинг бадий матндаги аҳамиятини ёритиш унинг шаклланиши, табиатига хос айрим жиҳатларини аниқлаш имконини беради.
2. Тарихий – бадий манбаларда ибораларнинг қадимий варианatlарида қўлланиши тил тарақиётидаги фонетик, лексик ўзгаришларни кузатишга ёрдам беради.
3. Иборанинг матний таҳлили шу ибора шаклланишидаги дастлабки асосларни белгилашда аҳамиятли.
4. Бадий асар тилидаги оккозионал ибораларни ўрганиш муаллиф бадий маҳоратини ёритишга хизмат қилади.

Умуман, ибораларни ўрганиш, семантик хусусиятларини ёритиш, бадий матнда туттган ўрнини белгилаш ўзбек тили услубий имкониятларини акс эттиришга ёрдам беради.

## «БОБУРНОМА» ТИЛИДАГИ ТУРКИЙ СЎЗЛАР

Асарнинг ифода тили сифатида туркий тилнинг ўрни аҳамиятли. Асардаги туркий лексика воқеа – ҳодисани, муаллиф кузатишларини, ҳиссиётини имконият доирасида акс эттирган. Туркий сўзлар маъно қирралари, бадий жозибадорлиги билан тўлалигича намоён бўлган. Сўзнинг маъно қирраларини барча имкониятларида ёритиш ижодкорнинг бадий маҳоратига боғлиқ. Бу жиҳатдан Бобурни маҳоратли сўз санъаткори сифатида баҳолаш мумкин. Туркий сўзлар ҳаракат ҳолат, воқеа – ҳодиса номлари, нарса – буюм атамалари сифатида ифода этилган. Маъноси ҳозирги ўқувчига нотаниш бўлган ёки ҳозиргидан фарқли маъноларда қўлланган туркий сўзларни изоҳлаш таълим жараёнида ижобий натижалар беради. Буни қўйидагиларда кўриш мумкин.

1. Асар тилидаги туркий сўзлар изоҳи ўзбек адабий тилининг XV – XVI асрдаги тараққиёт даражасини кўрсатади. Унда ўша давр тилининг луғат бойлиги акс эттан.

2.Туркий сўзлар изоҳи тил тараққиётидағи айрим фонетик, лексик, морфологик ўзгаришларни кузатишда аҳамиятли.

3.Туркий сўзларни изоҳлаш сўзнинг маъно кўламидаги торайиш ва кенгайиш, кучиш каби ҳодисаларни кузатиш имконини беради.

4.Туркий сўзлар изоҳи этимологияга оид қімматли маълумотлар беради.

5.Сўзларнинг асар матнидаги маъно қирраларини ўрганиш ўқувчиларнинг сўзга, тилга муносабатини белгилашда ҳам аҳамиятлиdir.

6.Туркий сўзлар талқини миллий урф – одат, анъана, ҳалқнинг турмуш тарзи дунёқараси ҳақида тасаввур бериши билан ҳам эътиборлиdir.

Туркий лексика муаллиф фикрини, тасаввурини, дунёқарашини, қизиқишлигини, орзу – армонларини тил имкониятлари даражасида акс эттиришга хизмат қилган. Туркий сўзлар бадий жозибадорлиги, маъно бўёқдорлиги, серқирра ифода кўламлари билан намоён бўлган. Сўз маънодорлигини бадий кўламда ёритиш ижодкорнинг тафаккур даражаси, бадий маҳорати билан боғлиқ. Асар тилидаги туркий сўзлар, нарса – буюм атамалари, воқеа – ҳодиса номларидиr. Бундай сўзлар қўллананиш даврига кўра қўйидагича ажратилади: 1.Ҳозирда қўлланадиган туркий сўзлар. 2.Ҳозирда кам қўлланадиган, маъно кўламлари кўпчиликка тушунарли бўлмаган сўзлар. 3. Ҳозирда қўлланмайдиган сўзлар.

Булардан ҳозирда кам қўлланадиган ёки умуман қўлланмайдиган сўзлардан айримларининг маъно изоҳи борасида тўхталамиз.

Юкун – таъзим қил –, "сажда қил" – "илтижо қил". Бу феъл қадимги туркий тилда "тўпла" маъносини англатган **ယук** – феълининг "бук" маъносидан ўзлик нисбат ясовчи – **үн** қўшимчаси билан ҳосил қилинган.<sup>1</sup> "Бобурнома"да қўйидаги маъноларда келган: а) "келиштиromoқ" маъносида:

<sup>1</sup> Қарант Ш. Раҳматуллаев, М. Қодиров. Ўзбек тилининг қисқа этимологик луғати. – Т., 1998, 97 – бет

"жар иккаласини Балхқа ва Астроботқа бир мажлисда юкундуруди" (БН,35). Ушбу жумлада "бир-бирига таъзим қилдуруди, бўйсундуруди" деган ифода акс этади. Қуидаги ўринда ҳам шу маъно ифодаланган: "Ўтган йил Балх ва Астробод Бадиузвозаман мирзога ва Музофар мирзога бериб... юкундуруб эшиларким, нечук мазкур бўлди". (БН,40)

б) "лозим кўрмоқ" маъносига: Султон Ҳусайн Мирзо Султон Маъсуг Мирзони яхши кўриб, куёвликка юкундуруб... (БН,54)

**Юкун**— сўзининг маъно кўламида "таъзим қилмоқ" тушунчаси асосий ҳисобланади. **Юкунмоқ** дейилаганда фақатгина жисмоний эгилиш эмас, "бутун вужуди, борлиги билан эгилиш" англашилади. Бу феъл руҳий холат, ҳаракат ифодаси ҳамдир: "уйга киргач уч юкундум" (БН,32). **Юкун**— ҳозирда фақат бадиий услубда қўлланади.

**Қотил**— аралаш—, қўшил—; "аралаштири—", "қўш—" маъносидаги **қат**— феълидан ясалган. Бу сўз ҳозирда ишлатилмайди (**қат**— сўзининг "аралаштири", "қўш" маъноси "Девони луготит турк" да келтирилган, 1, 382). Ҳозирда шу ўзақдан ясалган қатиқ сўзи ишлатилади. **Қатил**— асарда қуидаги маъноларда келган: а) "бирлаш—." Мен... Ҳисорни олғонда менга қотилди. (БН,12); б) қўшил— маъносига: "Туркистондин хейли қуйироқ бу гарё татом қумға сингар, ҳеч гарёға қотилмас". (БН,5)

**Илик** архаик сўз бўлиб, "**қўл**" маъносини билдиради. **Иликдан** ясалган **иликла**— феъли "эгалламоқ" маъносига келган:...Беклар, йигитлар била илгор тайин қилдукким, бориб Ёр яйлоқ қўргонларини сўз била ё зўр била иликлагайлар (БН,12).

Ҳозирда қўлланадиган сўзлар асар тилида ўша давр тилига хос маъноларни ифодалаган. **Жумладан ён**— ҳозирда омоним сифатида ишлатилади. "Бобурнома"да "**қайт**—" маъносига қўлланган; Биз ёнғондин сўнг хон кишиси Ўратепа устига юруди. (БН,32)... "барчасини эгаларига ёндура бердилар". (БН,39) Бу маънодаги ён— феъли ҳозирда ишлатилмайди.

**Туз** сўзи ҳозирда қўлланмайдиган омонимик бирлик сифатида учрайди: Якшанба куни андоқ ёмғур ёғчиким,

тамом тузларни сув тутти. **Туз** бу ўринида "дама", "дами" маъносида ишлатилган.

Қадимги туркий тилда "кўтарил" маъносини ашлатган қалы сўзидан ясалган **қалин** сифати<sup>1</sup> ҳозирги адабий тилда тор маъно доирасида ишлатилади. "Бобурнома"да ушибу сўзнинг қадимги туркий тилга хос кўп маънолилиги ажэ этган; асарда "кўп" маъносини ифодалаган, ... қалин чарик келиб кўпрукда тиқилиб, қалин от ва тева бу қора сунги йиқилиб зоеъ бўлди. (БН,18): "... қалин кишини ўқлааб олиб, қалин ўлжа келтурдилар" (БН,38).

**Қалин** сўзининг отлашиши натижасида "урмон", "тўшак" маъноларида ҳам қўллангани манбаларда қайд этилган.<sup>2</sup> Лексеманинг бу маънолари шеърий нутқда кузатилади; шеърнинг ифода санъати хусусиятларидан келиб чиқади. Бу ҳолат истиора, ташбеҳи кинояда мушаббиҳ (ўхшатилаётган нарса)нинг тушиши асосида юзага келган: **қалин ўрмон, қалин тўшак**. **Қалин** сўзининг эски ўзбек тилига хос кўп маънолилиги ҳозирда **қалин дўст, қор қалин ёғди** бирикма ва гапларида сақланган.

"Бўлакларга ажратиб, ўз ихтиёрига ўтказиши" маъносидаги **талон** сўзи ҳозирда **талон-тарож** шаклида, яъни жуфт сўз таркибидагина ишлатилади.

"Бобурнома"да мустақил қўлланиб, "талов" маъносини ифодалаган; "Бир намози дигар ғавғои оми бўлиб, бу мусулмонлар тамом талонга бордилар". (БН,39)

**Чопқила** – феъли ҳам бир маъносида ҳозирда ишлатилмайди. Асарда "қиличбозлик қиммоқ" маъносида келган: "... ташқаридин-ичкаридин кўнгумлик йигитлар хиёбонда яхшилар чопқуладилар" (БН,39). **Чопқила**-иш – ҳаракатнинг такрорийлигини билдиради.

Яқин сўзи билан ўзакдош бўлган (яғ-ын) **ёвук** сўзи ҳам ҳозирда ишлатилмайди; асарда "яқин" равиши сифатида қўлланиб, бир неча кўчма маъноларда келган: "... бир йилга

<sup>1</sup> Қаранг: Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг қисқа этимологик лугати – ;Т., 1999, – Т., 725.

<sup>2</sup> Бу маънолар сифатнинг отлашиши натижасида шакланган.

ёвуқ танқислик била ўткариб, Қобул азимати қилдим." (БН,7) "... Бегимнинг ёвуғигағилар танимадилар". (БН,11)

Айрим сўзлар "Бобурнома"да тарихий шаклда берилган. Масалан, "үйсула-", "ухла-" нинг тарихий, фонетик ўзгаришга учрамаган шакли. Бундай сўзларни изоҳлаш ҳозирда маъноли қисмларга ажратилмайдиган сўзларнинг тарихан ясама эканлигини изоҳлашда муҳим.

Ҳозирда асосан кўмакчи сифатида қўллананаётган сўзларнинг асарда бир қадар кенг маъноларда ишлатилганини кўрамиз. Масалан, йўсин—"усул", "тарз", "тариқа".<sup>1</sup> ... "Бағриқаро йусуналиқ қуш қина бўлурким, қилқуйруқ дерлар" (БН,47); ... "Бойсунқур мирзо бизнинг хабаримизни топиб бузулғон йусуналиқ ёнар". (БН,38) **Йўсунлуқ:** ҳозирги "каби" "тарзида" сўзлари ўрнида қўлланган. Лекин ҳозирги "каби" "тарзида" кўмакчилари ўрнида бу сўзни қўллаб бўлмайди. Мазкур сўз шу йўсинда қўшма равиши таркибида асос ҳолда қўлланади.

Лексеманинг семантик табиати, сема ва семема тушунчаларнинг моҳияти тадқиқотларда ёритилган. Лексема – яхлитлиқдаги ифода ва мазмун планига эга бўлган тил бирлиги. Лексеманинг сўздан фарқи ва унинг ифода кўламини ўрганиш ўзбек тилининг имкониятлари, характеристерли жиҳатларини таҳлил қилишда муҳимдир. Лексема табиатига хос жиҳатларни талқин этишда эса бадиий матн аҳамиятли ўрин тутади. Бадиий матнда: – лексеманинг семантик кўлами, маъно хусусиятлари акс этади:

– лексеманинг тил бирлиги сифатида кўзга ташланмаган семалари намоён бўлади.

– лексема муаллиф маҳорати даражасида қўлланади ва матн талабига кўра янгича семалар шаклланади.

Лексеманинг бадиий матнда маъно ифодалаш имкониятларини "Бобурнома" тили мисолида кузатиш мумкин.

"Бобурнома" тили ўзигача ва кейинги даврларда яратилган асарлар тилидан фарқли равища ажралиб туради.

<sup>1</sup> Қаранг. Раҳматуллаев Ш., Қодиров М. Ўзбек тилининг қисқа этимологик луғати. 2. – Т; 1998, №4 – б.

Асар тилининг бетакрорлиги ва ўзига хослигини юқоридағи фикрларга құшымча тарзда қуидагилар билан изоҳлаш мүмкін.

1. "Бобурнома" мемуар жанрда ёзилған бұлиб эсдалик, хотираларнинг муаллиф иқтидори даражасыда бевосита акс этиши асар тилини мавзуу ва мазмун жиҳатдан бойитган.

2. Муаллифнинг бадий салоҳияти, сўз қўллаш маҳорати, воқеа – ҳодисани теранлик билан кузатиши, руҳий кечинма, психологик ҳолатларнинг санъаткорона ифода этилиши асар тилининг ўзига хослигини таъминлаган. Сўзлар, жумлалар муаллиф дунёқарашини, фикр – кечинмаларини, ўй – хаёлларини, орзу – интилишларини унинг моҳирлиги даражасыда акс этиришга хизмат қилган.

3. Бобур тафаккурининг юксаклиги асар тилини янада бойитган. У воқеа – ҳодисаларни бутун моҳияти билан ёритади, унинг воқеликка холисона ёндашуви асар тилига мукаммалик бағишилаган.

4. Асар ўзбек тили имкониятлари кенг кўламда акс этганлиги билан характерлидири.

"Бобурнома" да лексема семалари, аксарият ўринларда тўлалигича намоён бўлган. Буни қуида айрим лексемалар мисолида кўрамиз.

Ёқа – кўчма маънода "чет", "чекка" тушунчаларини ифодалаган: Ёқага холи боғлар бор.(БН.175) Ёқа ущбу жумлада "кимсасиз" маъносини ҳам ифодалаб турибди. Ёқа лексемасыда "танҳо", "кимсасиз" маъноларининг ифодаланишида шу лексемага ёндош холи сўзининг ҳам ўрни бор. Бу ўринда ёқа бошқа воқеалликка нисбатан "чет" маъносини англатган (*гарё ёқасига, ўйл ёқасига...*). Қуидаги мисолда эса ёқа мутлоқ "чет", "чекка" маъноларини ифодалаган; Ярим кечада отланиб ёқа боғқа бордим (БН.174) Ёқа баъзи ўринда марказдан узоқда холи, кимсасиз, дала, дашт маъноларида келган; Ёқа ерга улғайған учун чодир ва ўлтурур ери бетакалмуфонга ва қозоқона эди. (БН. 165). Ёқа лексемасининг семантик кўлами; 1)чет, чекка;2) кимсасиз, холи; 3) дала, дашт.

**Инчкалик** – “эҳтиёткорлик” маъносини ифодалаган; Кеча инчкалик била кириб... (БН, 173). **Ингичка** ўғон сўзининг антоними сифатида нарса – буюмни сифатлаб келади. **Ингичка** лексемасининг семантик кўламида 1) (нозик (лик); 2) ожиз (лик); 3. nochor (лик); 4). эҳтиёткорлик семалари мавжуд. (Йўғон чўзилиб, ингичка узилган пайт) иборасида ингичка сўзининг “ожиз”, “ночор” семалари намоён бўлган). Эҳтиёткорлик семаси бошқа семаларнинг ҳосиласи сифатида юзага келган. **Ингичкалик** (“Бобурнома”да инчкалик шаклида келган) “эҳтиёткорлик” нинг энг юқори даражасини ифодалаган.

**Юпқалик** лексемасида ҳам шунга яқин маъно нозиклиги кўринади:... мундоқ юпқалик ва ноҳамжиҳатликлар андин содир бўлди (БН, 146). **Юпқа** – ён кўлами ингичка, демак. Бу сифат қадимги туркий тиљдаги ён – “маъносини англатган йуб – феълидан ясалган”.<sup>1</sup> **Юпқалик** лексемасининг семантик кўламида 1) ожизлик; 2) nochorлик; 3) нотавонлик семалари мавжуд бўлиб, юқорида келтирилган мисолда ожизлик семаси устундир. Яъники, юпқалик деганда ожизлик ҳолатига олиб келган камчиликлар, нуқсонлар назарда тутилган.

**Нишон** – хат, мактуб<sup>2</sup>: ... узун – узоқ нишонлар келди, ул нишонлар бу тарихгача мендадур (БН, 179). **Нишон** лексемасининг семантик кўламида қўйидаги семалар мавжуд: 1) белги, аломат; 2) дарак, хабар; 3) рамз; 4) намуна. Мазкур сўзининг “хат”, “мактуб” маъноларида қўлланишида “хабар” семаси биринчи планга чиқсан.

**Беҳузурлиқ** “лаззат, роҳат, баҳра” маъносидаги ҳузур сўзидан ясалган. **Беҳузурлиқ** асар тилида “касаллик” маъносида, беҳузур “касал” маъносида келган: Бугун Кандаҳор тарафи келган азимат беҳузурлиқ ва зилзила жиҳатигин кейинроқ қолиб эди. (БН, 216). **Беҳузурлиқ** “касаллик” ка нисбатан анча кенг бўлган семантик доирани ўз ичига олади. “Касаллик” деганда организмда юз берадиган кризис ҳолати назарда тутилади: организмнинг гайриодатий ҳолати тананинг бирор аъзоси билан боғлиқ равища намоён

<sup>1</sup> Қаранг: Ш. Раҳматуллаев, М. Қодиров. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Т., 1998, 10 – бет.

<sup>2</sup> Навоий асарлари луғати. – Т., 1972, 463 – бет.

бўлади: юрак касаллиги, бош оғриги каби. Ташқи таъсир натижасидаги жароҳатларни "касаллик" деб бўлмайди: Бундай жароҳатлар "Бобурнома"да "**бекузурлиқ**" деб баҳоланган. **Бекузурлиқ** фақатгина касалликни эмас, унинг оқибатини ҳам билдиради: тана ва руҳиятнинг касаллик натижасидаги нотинчлигини ифодалайди. Бекузурлиқнинг семантик кўлами қуидаги семаларни ўз ичига олади:

1)касаллик; 2)вужуд нотинчлиги; 3) руҳият безовталиги; 4) хоҳиш – истакнинг йўқлиги.

**Ўксумак** – "камаймоқ", "озаймоқ", "камситилиш" маъносидағи сўз: Ҳадарвиш ели ўксумас, ҳамиша тунг кўлар (БН 154). Бу ўринда шамол ҳаракатининг доимийлигини: камаймаслигини ифодалаган бу лексема бошқа ўринларда ҳам акс этган: *Бу тоғдин кор ҳаргиз ўксумас.* (БН, 190) Бу ўринда **ўксумас** лексемасининг семантик кўлами: 1)камаймоқ; 2) камситиш семаларидан иборат.

**Ўксумас** шу маънодаги сўзниң инкори шаклида "камаймас", "доимий" тушунчаларини англатади.

Ҳозирда қўлланадиган **ўксумак** сўзи **ўксин** – нинг "камайиш" семасидан шаклланган. **Ўксунмоқ** деганда камайиш (ишенчнинг, ҳоҳиш истагининг камайиши ва камситиш, ўзини бошқалардан кам куриш) тушунилади.

**Хилват** – "холи, кимсасиз жой" маъносидағи лексемани Бобур сўзга нисбатан аниқловчи нисбатида қўлмайди. ... *degi ким, хилват сўзи бор.* **хилват қилилди** (БН 210). **Хилват** сўз "маҳфий гал" маъносида келган. Бу ўринда мазкур гапнинг хилватда айтилишга ҳам ишора қилинган. Хилват лексемасининг семантик кўлами 1) кимсасиз, ҳоли; 2) чет, чекка; 3) яширин семаларидан иборат. Юқоридаги жумлада Бобур **хилват** лексемасининг ўзига хос семалари услубий ифодасига эришган.

**Тила** – сўзи ҳоҳиш – истакнинг юқори даражасини ифодалаш учун қўлланган. Мазкур сўзниң **ҳоҳла** – ўрнида қўлланиши жумланинг ўзига хослигини таъминлаган: *Биттобъ вилоят эли бизни кўп тилар эзи.* (БН, 161) **Тила** лексемаси 1) ҳоҳиш – истак; 2) орзу – ният; 3) талаб семаларини ўзи ичига олади.

Сүнги сўзининг "из", "орқа" маъроларида қўлланиши мазкур лексема семантикасининг кенг имкониятларидан далолат беради. Кўчни сўнгимизча Кобул келтиргай. (БН, 182) Сўнг лексемаси семантик кўламида 1) кейин; 2) ортидан; 3) навбат; 4) оқибат семалари мавжуд ушбу лексеманинг "из", "орқа" маъноларида қўлланишида, **кейин** семаси биринчи планга чиқарилган.

**Бузуғлуг** сўзи асар тилида "жанг" тушунчасини ифодалаш учун қўлланган. "...*Бу бузуғлугда бегидин айрилиб...*" (БН, 156). *Бузуғлугнинг*"жанг" маъносини англатишида сўз семантикасида қуйидаги жиҳатлар асосий ўрин тутади:

1)бузиш; 2) вайроналик; 3) кўнгилсизлик. *Бузуғлуг* сўзининг семантик кўлами **жанг** лексемасига нисбатан кенг. *Бузуғлугда* муаллиф муносабати ҳам ифодаланган; мумтоз адабиётда "вайрона", "хароба", "чолдевор", "синиқ", "қайгули" маъноларида қўлланади.

## "БОБУРНОМА"-ЮКСАК ТАФАККУР МАҲСУЛИ

Кўҳна тарих қатларида қанчалаб сирлар яширгандан; айтилмаган фикрлар мужассам; хуласаланмаган тажрибалар, ёзилмаган асалар жамулжам. Шундай бўлса – да, бизгача етиб келган маънавият дурданаларининг ўзиёқ ақлимиизни лол қиласди. "Бобурнома" ана шундай ҳайрат уммонларидан биридир.

Бобурнинг бу шоҳ асари дунё тилларига йигирмадан ортиқ ном билан таржима қилинган: "Воқеаномайи подшоҳи", "Табақоти Бобурий", "Тузуки Бобурий", "Фаройиб таржимаи ҳол", "Шарҳлар", "Бобур хотироти" .. Ушбу номлар асарнинг сирли қирраларига ишора қилгандек гўё..

"Бобурнома"да XV–XVI асрларда Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистонда юз берган тарихий воқеалар, тарихий шахслар қиёфаси ва маънавий олами, табиат, атроф – муҳит, урф – одат, анъаналар маҳорат билан тасвирланган. Муаллиф сийрати, тафаккури, қизиқитшлари, орзу – армонлари, зафар ва мағлубияти, куч – қудратию нотавонликларининг ҳаққоний ифодаси асар тилига жозиба

бағишилаган. Бобур руҳий кечинмаларини, воқеликка муносабатини, ҳис-түйғуларини тил имкониятлари доирасида маҳорат билан акс эттирган. Биргина жумлада ботиний мазмун, теран маъно бера олган. Масалан, "Үн бир ёшиғдин бери икки рамазон ийгини паё-пай бир ерда қилғон эмас эдим" жумласида Бобур умриниг моҳияти акс этган. Шоҳ ва шоир ҳаётининг саргашталиги ва бу саргардонликнинг қисмат эканлиги таъкидланган. Подшоҳлик азимати туфайли тез-тез макон алмашинуви "икки рамазон ийдини паё-пай бир ерда қилмаслик" ифодаси орқали акс эттирилган.

"Яна хатларингда ёлғузлук, ёлғузлуқким, дебсен, подшоҳлиқта айбдур... Подшоҳлиқ била ёлғузлук рост келмас" деб ёзади Бобур ўғли Ҳумоюнга битган мактубида. Ёлизлик подшоҳлиқда "айб" саналишини таъкидлаб, ёлиз бўлмасликка даъват этади. Ўғлига далда бериш асносида ўз-ўзига таскин беради гүё.. Яқинларининг хиёнатини кўрган, ғанимлик, кину адоватдаги озурда Бобур умри давомида ўзини ёлиз сезди. Ёлизликнингда қисмат эканлигини англади.

Бобур воқеликни тасвирлаш жараёнида моҳиятни ёритишга интилди. "...айвоннинг ичига бир улуғ тош таҳт қўюбтур, тули таҳминан үн тўрт-үн беш қари бўлғай, арзи етти-секкиз қари, умқи бир қари. Тул – узун, бўй, узунлик<sup>1</sup>. Арз – бирор нарсанинг эни, кенглиги<sup>2</sup>. Умқ – чуқурлик, туб<sup>3</sup> маъноларини англатади. Бу сўзлар XV–XVI аср ўзбек адабий тилида кенг қўлланган, аниқ нарса – буюмларнинг ҳажмига нисбатан ишлатилган. Бобур тул, арз сўзларидан Самарқанд шаҳри ҳудудини тасвирлашда ҳам фойдаланган: "Рубъи маскунга Самарқандча латиф шаҳр камроқдур. Бешинчи иқлимингидур. Тули(99) рамзи нужуми (56) даража ва дақиқадур, арзи-(40) даража ва дақиқадур. Бу тариф шаҳарнинг иқлимини, жойлашган ўрнини ҳам ифода этган.

Бобур Ҳиндистондай мамлакатни ўзига бўйсундирап экан, бу давлатнинг иқлимини, ҳалқини, урф – одат, анъаналарини атрофлича урганди. Ҳалқнинг миллий

<sup>1</sup> Навоий асарлари луғати. – Т., 1972

<sup>2</sup> Курсатилган луғат.

<sup>3</sup> Курсатилган луғат.

қадрияларига ҳурмат билан қаради. Натижада ҳинд халқининг қалбини ҳам забт эта оди. Бобур бир қатор ҳиндча сўзларнинг ҳам маъносини изоҳлайди. Бутун асар давомида айрим ҳиндча сўзларни фаол қўллайди: „яна кечани тўрт ва кунгузни тўрт қисмат қилибтурлар. Ҳар қайсини бир паҳр дебтурларким, форсиси пос бўлғай“.

Кечанинг бир қисми, саккиздан бирини билдирувчи пос сўзи Навоий асарларида ҳам кенг қўлланган. Бу ҳолат мазкур сўзнинг ўша давр лексикасида фаол истеъмолда бўлганидан далолат. "Бобурнома"да эса шу маънодаги паҳар сўзи қўлланган: Кечанинг уч паҳри..

*Куруҳ (масофа ўлчови), пашкол (ёмғир мавсуми), дун (ўтлоқ) каби ҳиндча сўзлар ҳам фаол ишлатилган.*

«Бобурнома»нинг ҳар мисрасида муаллиф иқтидори, тафаккури, сийрати, ботиний олами акс этган. Воқелик буюк мутафаккирнинг мулоҳазалари, фикр—ўйлари, кечинмалари сифатида қофозга тушган. Асар боқийлигини белгиловчи омиллардан бири ҳам шу.

### "Бобурнома"даги айрим сўзлар изоҳи

Арк	—	қароргоҳ
Аҳодис	—	ҳодисалар
Асрү	—	кўп
Арз	—	қалинлик, кенглик
Азимат	—	бирор ишга қасд қилиш; юриш
Авбош	—	бебош, безори, саёқ
Ажзчи	—	йўл бошловчи, кузатувчи
Арб	—	юз миллион
Ашкол	—	мушкулот, қийинчилик
Аҳли нағма	—	мусиқачилар
Баковул	—	бош ошпаз
Балият	—	бало — қазо, машаққат
Балут	—	дуб ёғочи
Баширкат	—	шериклик

Баҳорхол	—	оқибат
Бекот	—	бекалар
Бебок	—	ахлоқсиз
Бедод	—	жабр – зулм
Бепой бўлмоқ	—	бўшашмоқ
Билдурга	—	қамчин дастасидаги ҳалқа
Биттабъ	—	ихтиёрий
Билкот	—	хабар
Бовурчи	—	ошпаз
Бўлжор	—	истеҳком, қароргоҳ
Бийик	—	катта, улуг
Бом	—	том
Бўрк	—	бош кийим
Болида	—	баланд
Бофот	—	боғлар
Буртоғ	—	ўнқир – чўнқир
Бўлук	—	кичиқ вилоят
Валодат	—	туғилиш
Валиаҳд	—	тожу тахт меросхўри
Васиъ	—	кенг
Води	—	орзу, ният
Вуҳуш	—	ваҳшийлар
Важҳи тасмия	—	номланиш сабаби
Вофир	—	кўп, мўл
Гала	—	ҳайвон (қушлар) тўдаси
Галаҳран	—	қора кийик
Гармсер	—	иссиқ иқлим
Гирдо – гирд	—	теварак – атроф
Говсар	—	гурзи, чўқмор
Гузар	—	ўтиш, кечиш жойи

Гумроҳ	—	йўлдан озган
Гўшагир	—	үқ — ёй мосламаси
Густохона	—	тортинмасдан
Дара	—	тоғ оралиғи
Дарбон	—	дарвозабон, эшик соқчиси
Даррранда	—	йиртқич ҳайвон
Дастор	—	салла
Дастур	—	қоида, тартиб, одат
Даҳана	—	остона, кириш жойи
Деҳнишин	—	ўтрок
Добгули	—	чишқон
Додак	—	чўри, канизак
Доруға	—	шаҳарда тартиб сақловчи маъмур
Дуғлат	—	қабила номи
Дун	—	ўтлоқ
Домана	—	чет, қирғоқ, этак
Далер	—	қўрқмас
Дубулға	—	темир ёки пўлат бош кийим
Ёнмоқ	—	қайтмоқ
Ёвуқ	—	яқин
Ёмчи	—	элчи, чопар
Ёғи	—	душман
Жангдовул	—	жанг майдонидаги соқчи
Жарима	—	гуноҳ
Жидол	—	уруш, жанг
Жирутма	—	тор йўл
Жола	—	сол
Жолабон	—	сол ҳайдовчи
Жубба	—	пўстин
Жуд	—	афғон уруғларидан бири

Жулга	—	үтлоқ, яйлов
Жулду	—	тортиқ
Жулъя	—	ҳалқа
Жуллоб	—	шифобахш шарбат
Жұғуллик	—	фитна
Жиба	—	темир кийим, совут
Зоҳир	—	ошкор
Заврақ	—	қайиқ, кичик кема
Зайлұча	—	гиламча, шолча
Замұхт	—	құпоп
Зарбзан	—	уруш қуроли (тұп)
Захм	—	яра, жароқат
Зироат	—	экин
Зиҳоб	—	булоқ
Илбосун	—	ов қилинадиган жонивор
Илми ҳикмат	—	фалсафа илми
Итмак	—	йүқолмоқ
Итмом	—	тамом, ниҳоя, якун
Ички	—	сарой амалдори
Иқлім	—	минтақа
Инбисот	—	шоддик, хурсандчилик
Иликламоқ	—	әгалламоқ
Инчкалик	—	әхтиётлик
Күжий	—	тоғлик
Кечим	—	үқ үтмас махсус ёпиқ (от учун)
Коргар	—	ищчи, хизматчи
Кажхулқ	—	ахлоқсиз
Каландий	—	кетмөнчі
Карк	—	каркидон
Касрат	—	қўплик, мўллик

Кечит	—	кечиш жойи
Кистан	—	уруш қуролининг бир тури
Күштигир	—	курашчи полвон
Кўҳак суйи	—	Зарафшон дарёси
Кўҳа	—	қадимги уруш қуроли
Кўҳбур	—	тот йўнувчи, тоштарош
Лаванд	—	ялқов, дайди. дангаса
Лак	—	юз минг
Мабхут	—	ҳайрон
Мавфур	—	кўп, фаровон, мул
Маъжун	—	ҳузурбахш қуюқ дори
Мазраа	—	экинзор
Маймана	—	арабча «буронфор»
Майсара	—	арабча «жувонфор»
Марал	—	кийикнинг бир тури
Масоф	—	жанг майдони
Маъмурा	—	обод шаҳар
Мил	—	қиздирилган темир сих
Мироҳур	—	амалдор
Мисқол	—	қадимги оғирлик ўлчови
Мубаййин	—	баён қилувчи
Мубашшир	—	хушхабар етказувчи
Мудаво	—	даволаш
Мунъакс	—	акс этувчи
Мунши	—	котиб
Муолажа	—	даволаш
Мурассаъ	—	безатилган
Мусмир	—	мевали
Муштзан	—	муштлашувчи
Мусаххар	—	фатҳ этилган, бўйсундирилган

Мұҳосара	—	қамал, ўраб олиш
Муқарраб	—	яқин, дүст
Муқаввий	—	мададкор
Мутазаррир	—	зарар қурған
Мутассир	—	таъсирчан
Мунъакс	—	ақс, намоён
Мушриф	—	шараф
Мийод	—	ваъдалашув, келишув
Навкар	—	аскар
Нафир	—	карнай
Нақб	—	лаҳим (ер ости йўли)
Набз	—	қон томири
Набот	—	ўсимлик
Ниқор	—	адоват, гина
Ноҳамвор	—	нотекис
Обнус	—	қора тусли хушбуй дараҳт
Обруд	—	катта ариқ
Обкан	—	сув ўйган жой
Олдарамоқ	—	довдирамоқ
Олачуқ	—	капа, чайла
Ошлиқ	—	ғалла, дон
Пашкол	—	ёмғир мавсуми
Паркан	—	туман
Паҳар	—	кечанинг маълум қисми
Пурсоя	—	серсоя
Пешкаш	—	тортиқ
Паёпай	—	кетма – кет
Почи	—	вакил, элчи
Риққат	—	мулойимлик, нозиклик
Руд	—	анҳор

Соңдоқ	—	үқдон, садоқ
Сингир	—	төг йўлини беркитувчи
Сиёқ(илми)	—	ҳисоб илми
Сила	—	инъом, эваз
Тутқавул	—	соқчи
Тура	—	қалқон тури
Тавочи	—	адъютант
Таблбоз	—	довулбоз, ногорачи
Тахш	—	камон, ёй
Туфак	—	милтиқ
Тўлғама	—	душманни қуршаб олиш усули
Фисқ	—	ахлоқсизлик
Чокар	—	хизматкор
Чопқун	—	талон – тарож, тўполон
Шашшар	—	олти қиррали гурзи
Шабихун	—	тунги ҳужум
Эровул	—	қўшиннинг илғор қисми
Юкунмоқ	—	таъзим қилмоқ
Ятулдек	—	суюргол (инъом қилинган ер)
Ясол	—	саф, қатор
Ясовул	—	интизом сақловчи амалдор
Ўрчин	—	туман
Қалъадор	—	қўргон соқчиси
Қотилмоқ	—	қўшилмоқ
Қовғунчи	—	қувғунчи, таъқиб этувчи
Қасабача	—	шаҳарча
Қозон	—	үқ отар қурол
Ғараз	—	мақсад
Ғўл	—	қўшин қисми
Ҳаромнамак	—	тузҳароми, нонкўр

## АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

- 1.Абдугафуров А. Бобир эмас, Бобур.// „Ўзбекистон адабиёти ва санъати ,1983, 19 март.
- 2.Азимжанова С. Беруни и Бабур об Индии, Беруни и гуманитарные науки.-Т., 1972, стр.89-9622.
- 3.Атаджанов.Н. Художественный перевод и научное комментирование (на материалах “Бабурнаме”) Дис.канд.фил. наук. Т. 1978.
- 4.Алиев,С. Бобир лирикаси . Номзод. Дис. 1948
- 5.Азимжонова. С. Ферганкий удел Омара – Шайха и Бабура (в XV и начале XVI вв). Канд. дис.Т. 1949; Государство Бабура в Кабуле и Индии.Докт.дисс.Т1969; К истории Ферганы второй половины XV века. Т. Фан,1957; Ред.и придсловие в книги “Бабурнаме”. Записки Бабура .Т.1958. Государство Бабура в Кабуле и в Индии (монография). М.1977.
- 6.Азимжанова С. Индийский диван Бабура ,Т.,Фан. 1966
- 7.Азимжонова С."Бобурнома" қандай ёзилган? // "Гулистон", 1990, 8 –сон.
- 8.Азимжонова С. Бобур – буюк тарихчи олим // "Саодат",1990,8 –сон.
- 9.Азимжонова С. Бабур и его труд "Бабурнаме"; в книге "Бабурнаме – "Записки Бабура"., – Т.,1993.
- 10.Абдугафуров А., Ўринбоев .А. Япон олимининг илмий жасорати „Ўзбек. адаб. ва санъати. 1996. 15 март
- 11.Бабур Захириддин. Бабур – наме,, пер.М.Салье. Под.ред.М.Шевердина. – Т.,Госиздат,1948, 229
- 12.Бобур З.М. Бобурнома. Инглизчадан А. Кайзер таржимаси . Лейпциг, 1828
- 13.Бобур З.М. "Бобурнома". Ҳиндиштун императори томонидан Чигатой туркий тилида ёзилган ҳамда Ж.Лейден ва В. Эрскин томонидан инглизчага ўтирилган. Лондон,1826.

- 14."Бобурнома". Ҳиндистон императори Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўз қўли билан чигатой ва туркй тилда ёзган хотиралари Ж.Лейдин ,В. Эрскин таржима қилган. Дублин университетида араб ва форс тиллари факультетининг профессори Ҳинд тарихи мутахассиси жаноб Льюкас Уайт Кинг шарҳлаган ва тўлдириган. 1926
- 15.Бевериж А.С. "Бобурнома"(инглиз тилида). – Лондон,1921.
- 16.Бобурнома. Нашрга тайёрловчилар: Порсо Шамсиев , Содиқ Мирзаев. I ва II қисмлар Т.Ўзбекистон Давлат нашриёти , 1948 – 1949.
- 17.Бобурнома.,, Нашрга тай – чи; П. Шамсиев, С. Мирзаев. В.Зоҳидов сўз бошиси ва таҳрири билан. – Т.,ФА нашриёти,1960.
- 18.Благова Г.Ф. Характеристика грамматического строя.  
(морфология) строузбекского литературного языка конца XV века по  
“Бабур-наме” КДМ,1954;
- 19.Бабур – наме. Записки Бабура, Пер. М. Салье. Отв.ред. С. А. Азимджанова, – Т.,Изд – во АН Узбекистан., 1958, стр.529
- 20.Бабур – намэ .Записки Бабура. Пер. М.Салье – Изд . 2 – ое. Дораб.Под. ред . С.А .Азимджановой, – Гн. Ги. ред. энц – ий, 1993, стр.463.
21. Z.M. Babur. Babur – nama (Vaqayi). Critical edition based on fair Chaghatai texts with introduction and notes by Eiji Mano. Kyoto. Syokado, 1995
- 22.Babur – nama (Vaqayi). Concordance and classified indexes by Eiji Mano. Kyoto. Syokado, 1996
- 23.Бобурнома. (Ҳинд тилида). – Деҳли, 1974.
- 24.Babur Zahiriddin Muhammad. Vekayi. Babur'in hatirati. I, II jild, Ankara, 1944 – 1946.
- 25.The Baburnoma. Memories of Babur, Prince and Emperor. Translated, edited and annotated by Wheeler M. Thachston. – New York. Oxford. 1996.

- 26.Бобур Захириддин Мұхаммад. Бобурнома. – Т., "Шарқ нашриёт матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяты, 2002.
- 28.Бартольд В.В. История культуры мусульманства.- С.Петербург, 1918.
29. Воҳидов Р. Биз билган ва билмаган Бобур. Т., «Маънавият», 1999.
- 31.Вяткин В.В. Самарканد и его окрестности в прошлом, по запискам Султана Бабур – Мирза. Справочная книга.
- 32.Гулбаданбегим. Ҳумоюннома. – Т., 1959
- 33.Дадабаев Х.А. Военная лексика в староузбекском языке. Дисс. канд.ф.н.-Т., 1981
- 34.Дадабаев Х.А. Военная лексика в староузбекском языке.Проблемы в староузбекском языке.-Т.,»Фан», 1990
- 35.Дадабаев Х.А. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв.-Т.,1991.
- 36.Дадабоев Ҳ.Эски ўзбек тилида ҳарбий терминларнинг қўлланилиши(VII – XIII )//»Ўзбек тили ва адабиёти», 1981, 6 –сон.
- 37.Дадабоев Ҳ.А. Эски ўзбек тилида мудофаа қуроллари номларини англатувчи терминлар.» Ўзбек тили ва адабиёти», 1983, 6 –сон.
- 38.Дадабоев Ҳ. Эски ўзбек тилида қайд этилган мўғулча ўзлашмалар. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1986, 6 –сон.
- 39.Дадабоев Ҳ. А. «Бобурнома»даги баъзи бир терминларга доир мулоҳазалар. «Адабий мерос», 1988, (43 –сон).
- 40.Дадабоев Ҳ. А. Ҳировул, шиговул нима, чоповулчи? «Ёш куч», 1988, 8 август, 26 – 27 бетлар.
- 41.Дадабаев Х.А. Сословная терминология в старотюркских письменных памятниках XIV-XV вв. «Адабий мерос», 1989, 2,48. 1989, 17-27 б.

- 42.Дадабоев Ҳ. А. Эски ўзбек обидаларида мўгулча сўзлар.»Адабиёт кўзгуси», 1998, 4 –сон, 13 – 18 бетлар.
- 43..Заҳириддин Муҳаммад Бобур."Бобурнома".Т.,1989
44. Зоҳидов В.Бобурнинг фаолияти ва адабий илмий мероси // Шарқ юлдузи, 1958, 11 –сон
- 45.Ёқубов Ҳ. Бобур . Т. 1941.
- 46.Ёқубов Ҳ.Улуғ шоир ва адиб// Қизил Ўзбекистон, 1940, 23 декабрь.
- 47.Жамолов. С. Отажонов. С. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодини ўрганиш бўйича материаллар .Т.1990.
- 48.Жамолов С . О. Художественных особенностях “Бабурнаме”, Дис-я. канд .фил . наук . Т. 1961.
- 49.Жамолов С. Ҳар кимки ҳаёт мажлисиға кирибтур..// Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1991,13 февраль
- 50.Иброҳимов А. Бобурнома – буюк асар .Т . Адабиёт ва санъат нашриёти ,2000.
- 51.Иброҳимов А. Бобурийлар мероси . –Т.1993.
- 52.Иброҳимов А. “Бобурнома”даги ҳиндча сўзлар тадқиди . Номзодлик дис –си. Т. 2001.
53. Иброҳимов А. «Бобурнома»даги ҳиндча сўзлар.  
– Т.,2002.
- 54.Машрабов. З., Шокаримов. С. Асрларни бўйлаган Бобур Т., Ёзувчи., 1997.
- 55.Мирзаев И. Бобур маърифати – Т. Ўқитувчи. 1995.
- 56.Неру Джавахарлал . Открытия Индии ,272-283.  
Неру Джавахарлал . Взгляд на всемирную историю . Том.2. М. 1975. С. 115.
- 57.Отажонов Н."Бобурнома" жаҳон адабий жараёнида. Док. дисс.–Т.,1994
- 58.Отажонов Н. Муқаммал нашр йўлида Шарқ юлдузи, 1990,10 –сон.
- 59.Паве де Куртейл. Бобурнинг эсдаликлари. Париж 1871.

- 60.Сулаймонова Ф. "Бобурнома"га ишланган расмлар. // Гулистон, 1990, 9 – сон.
- 61.Султонов .Х Бобурнома , – Т. 1997.
- 62.Самойлович .А.Н. Собрание стихотворений императора Бабура , Петроград – 1917.
- 63.Сиддиқов Ж.Т., Қўчқорова А.С. Бобурнинг биологик қарашлари. Бобур таваллудининг 510 йиллигига биғишланган илмий – анжуман материаллари. – Андижон, 1993.
- 64.Стеблева .И. Семантика газелей Бабура .М. Наука, 1982
- 65.Хаджаева. Л. Проблемы перевода: характер, стиль и интерпретация текста "Бабурнаме" Дисс. Канд. Фил. Наук. Т. 1986.
- 66.Файбуллоҳ ас – Салом, Неъматуллоҳ Отажон. Жаҳонгашта "Бобурнома". – Т.,1996
- 67.Шукруллаева С. Воссоздание художественного своеобразия "Бабурнаме" в его английских переводах. Канд. дисс. – Т.,1989
- 68.Шукруллаева С. Бабурнаме – 460 лет. // Правда Востока, 17 марта 1990 г.
69. Шукруллаева С. Шедевры мировой классики .// Правда Востока, 21 октября 1990 г.
70. Шайхзода М. Заҳириддин Бобир // Гулистон, 1940, 1 – сон.
71. Шайхзода М. Бобир ва Навоий.// Қизил Ўзбекистон, 1940, 23 декабрь.
- 72.Ҳасанов .С. Бобурнинг "Аruz рисоласи" асари . – Т. Фан. 1971.
- 73.Ҳасанов Ҳ. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг географик мероси. Т. 1996.

## МУНДАРИЖА

"Бобурнома" – буюк хотира .....	4
"Бобурнома" лексикасининг мавзуйй гуруҳлари .....	31
Антропонимлар .....	32
Топонимлар .....	46
Маъмурий – ҳудудий бўлинишни ифодаловчи лексемалар .....	53
Тиббий терминлар .....	58
Мансаб – мартаба билдирувчи лексемалар .....	60
Ҳарбий терминлар .....	66
"Бобурнома" тилида ибораларнинг ўрни .....	75
"Бобурнома" тилидаги туркча сўзлар .....	80
«Бобурнома» – юксак тафаккур маҳсули .....	88
"Бобурнома"даги айрим сўзлар изоҳи .....	90
Адабиётлар рўйхати .....	95

Босишга рухсат этилди 23.08.2004. Хажми 6,2,5 босма табок

Бичими 60ч84 1/16. Алади 100 нусха. Буюртма 524

М. Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети  
босмахонасида чоп этилди.

653c

C